

**ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ
САМАРҚАНД ВИЛОЯТ ҲОКИМЛИГИ**

**"ЗАРАФШОН" ВА "САМАРКАНДСКИЙ ВЕСТНИК"
ГАЗЕТАЛАРИ ТАҲРИРИЯТИ**

**ЎЗБЕКИСТОН ЁЗУВЧИЛАР УЮШМАСИ
САМАРҚАНД ВИЛОЯТ БЎЛИМИ**



САМАРИДДИН

ЗАМО **РАСИДА**

Самарқанд - 2012

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ
САМАРҚАНД ВИЛОЯТ ҲОКИМЛИГИ

“ЗАРАФШОН” ВА “САМАРҚАНДСКИЙ ВЕСТНИК”
ГАЗЕТАЛАРИ ТАҲРИРИЯТИ

ЎЗБЕКИСТОН ЁЗУВЧИЛАР УЮШМАСИ
САМАРҚАНД ВИЛОЯТ БЎЛИМИ

**САМАРИДДИН
СИРОЖИДДИНОВ
ЗАМОНДОШЛАРИ ХОТИРАСИДА**

(Библиография)

	1639/2
	Самариддин
	Сирожиiddинов
	Замондошлари хоти-

Самарқанд-2012

3661

ALISHER NAVOIY NOMIDAGI
ToshDO'TAU
AXBOROT-RES 1639/2

Самариддин Сирожиддинов замондошлари хотирасида:
[библиография] Самарқанд, 2012.: - 120 бет.

Тўплаб, нашрга тайёрловчилар:

Фармон Тошев – “Зарафшон” ва
“Самаркандский вестник” газеталари
бош муҳаррири;

Салоҳиддин Ҳайитов – филология
фанлари номзоди, доцент

СИРОЖИЙ
(1932-1987й.й.)

Журналист, шоир ва адабиётшунос олим Самариддин Сирожиддинов (Сирожий) 1932 йилда Самарқанд вилояти Каттакўрғон тумани, Кичиккўрпа қишлоғида туғилди. Тўлиқсиз ўрта мактабни битиргач, Каттакўрғон шаҳар Шота Руставели номидаги педагогика билим юртида таҳсил олди. 1953 йилда билим юртини тугаллаб, ўзи таҳсил олган 13-сон тўлиқсиз ўрта мактабда ўзбек тили ва адабиётидан дарс бера бошлади. 1954-1961 йилда Самарқанд давлат университети ўзбек филологияси факультетида ўқиди.

Бадий ижодга қизиқиш Самариддин Сирожиддиновни мактабдан газета редакцияси даргоҳига бошлаб келди. У 1962-1975 йиллар давомида Каттакўрғон туман “Зарафшон” газетаси ва вилоят “Ленин йўли” (ҳозирги “Зарафшон”) газетасида адабий ходим, бўлим мудир ва масъул котиб вазибаларида ишлади. 1975 йил август ойидан умрини охиригача Ўзбекистон Ёзувчилар уюшмаси Самарқанд вилоят бўлими раҳбари сифатида фаолият кўрсатди.

Самариддин Сирожиддинов ишлаб чиқаришдан ажралмаган ҳолда илмий-тадқиқот ва бадий ижод билан жиддий шуғулланди. Унинг дастлабки шеърлари билим юртида ўқиб юрган пайтлари ёзилди ва 1957 йилда матбуотда эълон қилинди. “Каттакўрғон ҳақиқати” газетасида босилган илк шеъри “Улуғ айём” эди.

Самариддин Сирожиддинов бадий ижодни адабий тадқиқот ишлари билан узвий боғлаб давом эттирди. У айниқса, Каттакўрғон атрофида яшаб ижод этган ўтмиш шоирлар меросини тўплаш ва ўрганиш билан жиддий шуғулланди. Ана шу изланишлар самараси сифатида Видоий, Шавқий, Мирий, Дилафкор, Аҳкар, Нурмон Абдивой ўғли каби кўплаб ўтмиш шоирлари, Абдулхамид Мажидий, Тошпўлат Саъдий, Мамарасул Бобоев каби бир қатор асрдош шоирлар ижод йўли ҳақида маҳаллий ва

республика матбуотида, нуфузли журналларида кўплаб мақола ва илмий ахборотлар эълон қилди.

Ниҳоят ишлаб чиқаришдан ажралмаган ҳолда "Абдулҳамид Мажидийнинг ҳаёти ва ижоди" мавзуда диссертация ёқлаб, филология фанлари номзоди илмий даража эгаси бўлди. Газета-журналларда, илмий тўпламларда унинг 70 дан ортиқ илмий-адабий мақолалари, публицистиканинг турли жанрларига оид 300 дан зиёд мақолалари, "Олтинсой лочини", "Камалак жилоси", "Чорва бекаси", "Аму жилолари", "Намоз", "Боботоғда янграган кўшиқ", "Мингчинор чироқлари", "Хумор" каби 30 га яқин йирик бадиий публицистик асарлари чоп этилди. У ўткир сатирик шоир, драматург ва театр ташкилотчиси Абдулҳамид Мажидий меросини тўплаб, унинг "Танланган асарлар"ни нашр эттирди (Тошкент, 1974), "Яшил япроқ" шеърлар мажмуаси (Тошкент, 1984), "Нурли уфқлар" очерклар тўплами (Тошкент, 1983) ва "Абдулҳамид Мажидий" рисоласини нашр эттирди (Тошкент, 1982). Охириги йилларда драма жанрига кўл уриб, "Қутқарилган куёш" ва "Абдулҳамид Мажидий" драмаларини ёзиб, саҳналаштирди.

Шоир ҳаётлигида чоп этилмай қолган арузда ёзилган салмоқли мерос бугунги кунда тартибга солиниб, нашрга тайёрланмоқда. Яқин кунларда унинг Абдулҳамид Мажидий ҳақидаги тадқиқотлари ҳам сараланиб тўлдирилган ҳолда, нашр этилиши кўзда тутилмоқда.

*Ҳасан Нормуродов, "Нуроний"
жамгармаси Самарқанд вилоят
бўлими Кенгаши раиси, "Эл-юрт
ҳурмати" ордени соҳиби.*

Фахр этарман оқилу доно билан...

Каттакўрғон туманида Кичиккўрпа номли қишлоқ бўлиб, унинг вилоятимиз ижтимоий, маънавий-маърифий ҳаётида жуда сезиларли ўрни бор. Чунки, бу кўркем қишлоқ фарзандлари орасида эл назарига тушган, Ватан учун фидойи хизмат қилган ва қилаётганлар анчагина.

Қадимда бу қишлоқ Ўтарчи деб ҳам юритилган. Ўзбек халқининг машҳур сиймоларидан Сўфи Оллоёр асли шу ерда таваллуд топган, унинг авлодлари шу қишлоқлик.

Уларнинг кейинги авлодларидан бири Сирожиддин Махдум эдилар. У кишининг жияни Қобилжон Узоқов бўлиб, у киши ўша вақтдаги "Қизил Ўзбекистон" газетаси бош муҳаррири ўринбосари, Ўзбекистон Телеграф Агентлиги бош директори лавозимларида хизмат қилган. Қобилжон акадан кейинги таниқли кадрлар сирасида мен, албатта, ажойиб инсон, ҳассос шоир, олим ва журналист Самариддин Сирожиддиновни тилга олган бўлардим.

Мен бу инсон ҳақида нафақат қариндош сифатида, балки яқин дўст, ҳамфикр ҳаммаслак бўлганлигим боис ҳам бошқаларга нисбатан, яхшироқ тасаввурга эгаман. Самариддин ака қишлоғимиздан етишиб чиққан дастлабки ижодкор эди. У киши ҳали Каттакўрғон педагогика билим юртида ўқиб юрган кезларидаёқ халқ ўртасида шоир ва изланувчан инсон сифатида танила бошлади. Эсимда, биринчи шеърлари "Каттакўрғон ҳақиқати" газетасида босилиб чиққач, менга "Мен ҳам шеър ёза оларканман, энди ижодга ҳаракат қиламан" дегандилар, ғурурланиб.

Оталари раҳматли мулла Сирожиддин бобо биз ёшларга араб алифбосидаги китобларни, шеър уғалларни

ўқиб мазмунини айтиб берардилар. Адабиётга ҳавас, билимга иштиёқ ҳикоямиз қаҳрамонида ўша вақтлардаёқ уйғонган эди. Унинг дунёқараши кенгайишига, ҳаваси ошишига яна бир ҳамқишлоғимиз - қатағон йиллари азобларини чеккан, шўро зулмидан қақшаган қори Муҳаммад Расул исмли билимли, маънавиятли инсоннинг ўрни беқиёс. Сўфи Оллоёр авлодидан бўлган қори Муҳаммад Расул Сирожиддин бобога она авлод ҳисобланади. “Ножий” таҳаллуси билан ўзбек ва форс тилларида гўзал ғазаллар битиб, эларо обрў-эътибор топган аллома эди, у киши.

Самариддин ака “Каттакўрғон ҳақиқати” газетасида жўшиб ижод қилди. Ундаги иқтидор ва меҳнатсеварликка эътибор берган “Ленин йўли” (“Зарафшон”) газетаси раҳбарлари вилоятнинг нуфузли ижодхонасига ишга таклиф этишди. Ҳаракатчан, чуқур билим ва тафаккурга эга бу инсон тез орада газетанинг масъул котиби лавозимига кўтарилди. Ҳақиқий ижод, изланиш йиллари бошланди. Маълумки, ушбу газета не-не алломаларни, давлат арбобларини, забардаст қаламкашларни етиштириб элга танитган. С.Сирожиддинов ҳаёти ва ижодида ҳам ана шу отахон газетамизнинг хизмати улғу.

У киши журналистлик фаолиятини илмий иш билан чамбарчас боғлаб, Каттакўрғон адабий муҳити, унинг кўзга кўринган вакиллари ҳаёти, ижодини ўрганди.

Йирик адабиётшунос олим, академик Азиз Қаюмовнинг “Кўкун адабий муҳити” китобини ўқиганимизда Каттакўрғон адабий муҳити ҳам ундан кам эмаслигига Самариддин аканинг меҳнатлари маҳсулини кўриб, ишонч ҳосил қилмоқдамиз, бугун.

Ахир “Ҳажрингда дарду ғам билан ҳасратда доғман” дея нола қилган мавлоно Ноқис ёки Мирий, Сўфи Оллоёр, Ҳақима, Мутриба, Вола, Аҳқар, Шавқий каби кўплаб ижодкорлар шу минтақада камол топган-ку. Албатта, бу ижодкорлар асарларини халқ мулкига айлантиришда

хормай-толмай меҳнат қилган академиклар: Воҳид Абдуллаев, Ботирхон Валихўжаев ва профессор Раҳмонқул Орзибековларнинг саъй-ҳаракатлари диққатга моликдир.

Самариддин аканинг илм йўлидаги машаққатли меҳнати ҳосиласи унинг Каттакўрғон адабий муҳити вакилларида бири, қатағон йиллари жабрдийдаси —шоир ва драматург Абдулҳамид Мажидий ижодини таҳлил қилиб, халққа маълум қилишидир.

Шундан сўнг унга филология фанлари номзоди илмий даражаси берилди. Мен юқорида таърифлаган Кичиккўрпадан чиққан биринчи олим ана шу йўсинда пайдо бўлди.

Шунингдек, А.Мажидий номи ҳам адабийлаштирилиб, Каттакўрғон шаҳридаги драма театри унинг номи билан аталадиган бўлди.

Самариддин аканинг уйларида тез-тез адабий гурунлар бўлиб турарди. Мен ҳам иштирокчи сифатида кўплаб олиму шоирлар билан ҳамсуҳбат бўлиб қолгандим. Машхур Мамарасул Бобоев, Тоҳир Каримов, Яздон Худойкулов, Шамси Одил, Суръат Орипов, Нормурод Нарзуллаев, Лутфулла Ҳамроев, Нуриддин Шукуров, Аҳмадjon Мухторов, Марди Нуриддинов каби кўплаб олиму фузалолар шоиру журналистларни, шу хонадонда учратганман.

С.Сирожиддинов шеърни эҳтирос билан ўқир эди. Айниқса аруз вазнидаги шеърларни фоилотун, фоилотун, фоилунга кўйиб ўқиганда биз даврадошлар шеърятнинг кудратига қойил қолардик.

“Зарафшон”нинг масъул котиби бўлиб ишлаган кезларида у ҳар бир мақолани қайси саҳифага жойлаштириш, мақоланинг ютуғи ва камчилиги, газетхонга манзур бўлиш-бўлмаслиги ҳақида бош қотирарди, ижод қилиб шеър у ғазаллар ёзарди.

У киши қишлоғимиздан яна биринчи бўлиб Ўзбекистон Ёзувчилар уюшмасига қабул қилинди ва кўп йиллар Ёзувчилар уюшмаси вилоят бўлимини бошқарди. Ана шу

даврга келиб ижоди янада гуллаб-яшнади, шеърӣ тўпламлари, очерку ҳикоялари чоп этилди.

Мен хизмат вазифам тақозасига кўра Самариддин аканинг шарофати билан К.Яшин, П.Қодиров, О.Ёқубов, Ҳамид Ғулум, Мирмуҳсин, А.Орипов, Э.Воҳидов, С.Аҳмад сингари халқимиз ифтихорлари билан ҳамсуҳбат бўлганман.

Самариддин ака вилоятимиз ижтимоӣ ҳаётида фаол иштирок этарди. Қандай қувончли воқеа рўй бермасин дарҳол кўлига қалам олиб, қаҳрамонларни ибрат қилиб таърифларди. Ҳа, у киши хузур-ҳаловатни доимо меҳнатдан, шеърятдан изларди.

Бу буюк қалб соҳиби ҳаёт бўлганда шу йил 80 ёшга тўларди. Афсуски, серқирра ижодкор 54 йилгина умр кўрди. Шу йиллар давомида у моддий бойлик орттирмади. Лекин ўзидан яхши ном, баркамол фарзандлар қолдирди. Мана шунинг ўзи у кишига қўйилган ўчмас ҳайкалдир.

Фарзандларидан Шухратжон илму маърифатда ота йўлини танлади, филология фанлари доктори, профессор деган унвонларга сазовор бўлди. Имом Ал-Бухорий халқаро жамғармаси Самарқанд бўлимнинг бошқаруви раиси ўринбосари, раҳбари лавозимларида ишлаб савоб олди, ўниб ўсди. Ўзбекистон давлат Жаҳон тиллари университетининг биринчи проректори даражасига кўтарилди, ҳозирги кунда Самарқанд давлат чет тиллар институти ректори бўлиб ишламоқда. Ўктамжон – Каттақўрғон ва Самарқанд шаҳарларида масъул лавозимларда ишлаб Самарқанддек мўътабар шаҳар ҳокимининг биринчи ўринбосари даражасига кўтарилди, техника фанлари номзоди, бугунги кунда Самарқанд меъморчилик-қурилиш институтида баркамол авлодга дарс бераяпти. Акмалжон, Анваржон ва Ҳотамжонлар, етук, ҳаётда ўз йўлларини топа олган ажойиб инсонлар бўлиб етишди. Уларнинг волидаи муҳтарамалари Мукаррам ая Самариддин аканинг чироғини ёқиб, руҳини шод этиб, фарзанду набиралар хузурини

Мен Самариддин акани ўзимнинг устозим, деб биламан, ҳаётда эришган ҳар бир ютуғимда у кишининг қутлуғ изи бор. Менга ўхшаш миннатдор шогирдлар анчагина. Бу ўринда мен маориф жонкуяри, “Соғлом авлод” ордени соҳиби Абдулазиз Зубайдуллаев, домла Самад Ризаев, кейинги фидоӣ авлод вакилларида Файзулло Муҳаммадиев, Ўктам Ҳамроев, Акрам Қурбонов каби ўнлаб кишиларни ҳурмат билан тилга оламан.

Мен шундай фозил инсон билан ҳамдавр, ҳамнафас бўлганлигимдан чексиз фахрланаман, у кишининг руҳини шод этиш шогирдлар ва фарзандларнинг муқаддас бурчи эканлигини муқаддас, деб биламан.

13 декабрь 2012 йил



С.Сирождидинов (ўнгдан биринчи) ҳамкасб дўстлари билан. 1953 йил.



Х.Н.Нормуродов (чап томондан иккинчи) мамлакатимизнинг таниқли адиблари билан. Ўтган асрнинг 80-йиллари.

*Фармон Тошев, “Зарафшон” ва
“Самаркандский вестник” газеталарининг
бош муҳаррири, Ўзбекистон Республикаси
Олий Мажлиси Сенати аъзоси*

Отахон аканинг тароғи

1974 йилнинг ёзида педагогик амалиёт ўрнига факультет декани менга вилоят “Зарафшон” газетасида ишлашга рухсат берди. Масъул котиб Самариддин Сирождидинов (худо раҳматига олсин!) менга ўхшаган ёшларни АПН ахборот агентлиги материалларини ўзбекчага ўгиришга жалб этарди.

Бир куни таржималарни олиб кирсам, у киши қалин ва узун сочларини кўли билан тараб:

–Фармонбой, хизмат бўлса ҳам Отахон аканинг тароғини олиб келинг. Сочимни тараб олай, - деди.

Самариддин ака биз учун катта одам. Гапини иккита қилиш хаёлимга ҳам келмади. Отахон Хўжаев бош

муҳаррирнинг биринчи ўринбосари. Хушчақчақ бўлса-да, жуда талабчан одам. Очиғи, ўзимизча у кишига яқинлаша олмасдик.

Лекин мен масъул котибдан топшириқ олдим. Эшигини чертиб, “мумкинми?” деб кичкина хонасига кирдим.

Кўзойнагини кўлига олиб сўради:

–Ҳа, студент, нима гап?

–Ҳалиги, тароғингизни берар экансиз...

–Нима?! - у киши бирдан жиддий тортди. - Нима деясан, аҳмоқ?

Мен ўзимни йўқотиб қўйдим. Чунки тажрибали ходимлар ҳам у кишидан ҳайқиб туришарди.

–Ҳалиги, тароғингизни бериб турар экансиз.

–Ким юборди сени, тирранча?!

–Самариддин ака, сочини тараб олиши керак экан, Тароғи уйда қолиб кетибди.

У киши шашт билан ўрнидан турди, билагимдан ушлаб котибиятга етаклаб келди. Самариддин ака эса ҳеч нарса билмагандай бемалол материал таҳрир қилиб турарди.

–Ҳа, Отахон ака, тинчликми, студентни етаклаб юрибсиз, бирор ишқал чиқардимми?

–Ҳой, шоир, бу болаларни кўшиб нима қиласиз қилиқларингизга, уялмайсизми-а?

–Кўйинг, Отахон ака, болалар ҳали ёшда. Ҳазиллашиб айтсам, олдингизга чошиб кетибди.

Бош муҳаррир ўринбосари кўлимни қаттиқ қисди, уришди-ю, лекин кўл кўтармади.

Қовун туширганимни англаб, мулзам бўлиб туравердим, Чунки Отахон аканинг бошида умуман сочи йўқ эди. Улар бир-бирига шунақа ҳазиллар қилиб туришаркан. Бир йил ўтгач, дипломни олиб ҳақиқий ишга келганимда О.Хўжаев “Масхарабозлик қилма, жиддий ишла” деб қўйди.



“Зарафион” газетасининг 70-йиллардаги раҳбарияти: чапдан биринчи муҳаррир ўринбосари Отаҳон Хўжаев, масъул котиб С.Сирожиддинов, бош муҳаррир, проф. Н.Шукуров, муҳаррир ўринбосари А.Мухторов

*Муҳаммадҷон Махмудов,
филология фанлари номзоди, доцент.*

Дўстим ҳақидаги илк хотираларим

Азиз дўстим Самариддин ўтган асрнинг 50-йилларида Каттакўрғон таълим-тарбия техникумида таҳсил олган бўлиб, мактабда тил ва адабиётдан дарс берар эди. У нафақат ўқитувчилик, балки илмий тадқиқот билан ҳам шуғулланиб, Каттакўрғонда яшаб ижод қилган шоирлар ҳақида ёзиб турар эди. Мен 1959-1971 йилларда А.С.Пушкин (ҳозирги Алишер Навоий) номидаги Тил ва адабиёт институтининг В.Зоҳидов раҳбарлик қилган адабиёт тарихи шубҳасида илмий ходим бўлиб ишлар эдим. Кунлардан бир куни институт директори, “Ўзбек тили ва

адабиёти масалалари” ойномасининг бош муҳаррири А.П.Қаюмов менга бир мақолани бериб, қисқа тақриз ёзишни ва шоир Шавқийнинг қабр тошидан кўчирилган тожикча шеърни ўзбек тилига ўгиришни топширди. Мақола техникум директори Муслиҳиддин Салоҳиддинов ва ўқитувчи Самариддин Сирожиддинов қаламига мансуб эди. Муаллифлар XX асрнинг 20-йилларида яшаб, ижод қилган истеъдодли (ҳажвгўй) шоир Абдулҳамид Мажидийнинг Шавқий ҳақидаги мақолаларидан ижодий фойдаланишиб, шоир ҳаёти ва ижоди ҳақида ҳалигача ёритилмаган қимматли маълумотларни эълон қилганлар.

Тожикча шеърнинг матни қуйидагича:

*Саманди табъи ў аз бод чолок,
Ғубори назмро бурда бар афлок
Ба майдони фасоҳат раҳиши ақлаш,
Рабуда гўи шавқ аз маркази хок.*

*Ба наҳву сарфу мантиқ беназире,
Ба илми ҳандаса буд соҳиб идрок.
Хирад к-аз чидду чаҳдаш гуфт тарих:
Нишимонгоҳи чирмаш тоқи афлок.*

Мен шеърӣ парчани қуйидагича таржима қилдим:

*Табъининг чопқур оти шамолдан тезки,
Назм чангларини кўкларга учиради.
Фасоҳат майдонида ақлининг жислоси,
Шавқ ўтини тупроқ орасидан ҳам тортиб олади.
Наҳву сарфу мантиқда тенги йўқ,
Ҳандаса илмида жуда идроклидир.
Ақл жуда уриниб таърих айтди:
Жасадининг ўрни фалаклар тоқидир.*

Мақола ойноманинг 1960 йилдаги сонларидан бирида эълон қилинди. Мен каттакўрғонлик шоир Мирийнинг ҳаёти ва ижоди устида тадқиқот олиб борганимда тез-тез

шоир ватанида илмий сафарларда бўлиб, шаҳарнинг илму фазл аҳли, жумладан Самариддин ва Муслиҳиддин билан суҳбатлашиб қайтар эдим. Бир гал Самариддин мени уйига меҳмонга таклиф қилди. Бордим. Ўтиришга шаҳарнинг мўътабар зиёлилари, жумладан, зукко оқсоқол шоир Қори Мухаммад Расул Ножий (1896-1992) таклиф қилинган эдилар.¹

Қори ака Шўро даврида қатагон сиёсати азобларини кўп чеккан эканлар.

Суҳбат қизиди. Ножий мендан Мирийнинг
*Аз қарокўлам-у, пур шўраму, аз кони намакам,
Намакат гирад, агар лаъли лабатро намакам.*

Яъни:

*Қоракўлданман-у, кўп шўрман-у, туз кониданман,
Лаъли лабингни сўрмасам, мени тузинг тутсин.*

–нақоратли мусаббаъ-таржиъбандининг яратилиш тарихи ва шеърнинг амирликда шуҳрат қозониш сабаблари ҳақида сўради. Мен саволга шундай жавоб бердим: Мирийнинг онаси Қоракўл туркманларидан бўлган. Отаси Амир зулмига қарши кўтарилган кўзғолонлардан бирида ҳалок бўлади. Кўзғолонда тоғаси ҳам қатнашади. Ҳаракат шафқатсиз бостирилгач, омон қолган кўзғолончиларни тутиб олиб жазолаш бошланади. Шундан сўнг шоирнинг тоғаси онаси билан таъқибдан қочиб, Каттакўргоннинг Эшонқишлоқ ҳудудига келиб яшай бошлайдилар. Маълум муддатдан сўнг шоирнинг онаси Мулло Неъматилло деган деҳқонга турмушга чиқади. Тоғаси эса қўлга олиниб, қатл этилади. Бу фожеа шоирда амирликка қарши чексиз ғазаб, нафрат уйғотади.

Шоир мусаббаъсида нафақат ўзининг, балки амирлик зулмидан тўйган жафокаш халқнинг чексиз норозилигини юксак санъаткорлик билан ифодалайди. Нақоратдаги “кўп шўрман” ийҳом санъатида жуда шўрликман, бахтсизман

¹ Қори Мухаммад Расул Ножий билан охириги суҳбатимиз 1990 йилда профессор М.Қ. Мухиддинов, таржимашунос С. Ҳайитов иштирокида кечди.

маъносида келган.

Самариддин Абдулҳамид Мажидийнинг ҳаёти ва ижоди ҳақида диссертация ишини ёзиш ниятида эканини айтиб, мендан бу борада маслаҳат сўради. Мен унга Мажидийнинг Каттакўргонда ижод этган Сўфи Оллоёр, Шавқий, Мирий каби шоирлар ҳаёти ва ижодининг илк тадқиқотчиси ва тарғиботчиси эканини кўрсатиш билан, унинг айрим ҳаго ва камчиликларини ҳам тузатиб бориш лозимлигини эслатдим. Чунончи у “Зарафшон” газетасида шоирнинг

*Хатирчи бормагил, қаллошлиқдин
Тилинг тишлаб ўларсан очлиқдин.
байтини “Маориф ва ўқитувчи” журналида
Алижон бормагил қаллошлиқдин
Тилинг тишлаб ўларсан очлиқдин
тарзида бузиб берган...*

Самариддин Абдулҳамид Мажидийнинг ҳаёти ва ижоди ҳақидаги диссертация ишини муваффақиятли ҳимоя қилди ва узоқ йиллар Самарқанд вилояти ёзувчилар уюшмаси раҳбари лавозимида фаолият кўрсатди. Мен ҳар гал Самарқандга борганимда дўстим билан учрашиб, унинг мароқли суҳбатларидан мамнун бўлар эдим.

Нуриддин Шуқуров, Ўзбекистонда
хизмат кўрсатган фан арбоби,
филология фанлари доктори,
профессор

“Менман уммон, қайси дарё тенг бўлолғай мен билан...”

Эллигинчи йилларда Каттакўргон қаламкашлари муҳитида тарбияланиб, олтмишинчи йилларнинг иккинчи ярмида Самарқанд адабий муҳитига кўшилган ижодкорлардан бири – Самариддин Сирожиддиновдир.

У 1932 йилда Каттакўрғон тумани Кичиккўрпа қишлоғида таваллуд топди. 1953 йилда Каттакўрғон педагогика билим юртини битиргандан сўнг, мактабда ўқитувчилик қила бошлади. 1962 йилдан Каттакўрғон тумани “Зарафшон” газетасида, 1964 йилдан Самарқанд вилояти “Ленин йўли” газетасида ишлади. 1975 йилдан то умрининг охиригача Ўзбекистон Ёзувчилар уюшмаси Самарқанд вилояти бўлимнинг масъул котиби лавозимларида фаолият кўрсатди.

Самариддин Сирожиддинов Каттакўрғон педагогика билим юртида ўқиб юрган пайтларидан бадиий ижод билан шуғуллана бошлаган эди. Алишер Навоий номидаги Самарқанд давлат дорилфунунини битиргандан кейин халқимизнинг адабий меросини ўрганишга иштиёқ қўйиб, илмий тадқиқот билан шуғулланди. Бу соҳада у ғоят хайрли бир ишни амалга оширди, яъни Каттакўрғон адабий мухитидан етишиб чиққан шоир, адиблар меросини халқимизга етказишдек савоб ишни улдасидан чиқди.

С.Сирожиддиновнинг Абдулҳамид Мажидий ҳаёти ва ижоди бўйича олиб борган илмий изланишлари, айниқса эътиборга лойиқдир. У Мажидийнинг ҳаёти ва ижоди ҳақида тадқиқотлар олиб бориб, номзодлик диссертациясини тайёрлади ва уни муваффақият билан ёқлаб, филология фанлари номзоди деган илмий даражага мушарраф бўлди (1972 йил). Тадқиқотчининг ижодий изланишлари натижасида 1974 йилда Абдулҳамид Мажидийнинг “Танланган асарлари” нашр этилди. 1982 йилда эса “Абдулҳамид Мажидий” номли адабий портрет босилиб чиқди. Ҳар иккала иш ижодкорнинг адабиётимиз олдидаги катта хизматидир. Чунки, Абдулҳамид Мажидий асарларини турли газета, журналлар, 30-йилларнинг тўпламларидан йиғиб жамлаш ғоят синчковлик билан иш олиб боришни талаб қилар эди. Самариддин Сирожиддинов ана шундай оғир меҳнатга чидам билан бардош берди.

Ижоднинг очерк, ҳужжатли қисса каби жанрларда


ёзган асарлари ҳам ўз даврининг адабий ҳужжатлари сифатида аҳамиятга молик. Масалан, у журналист ва публицист сифатида Пахтачи туманидаги Хумор шаҳарчаси ва унинг бунёдкори Шамси Назаров ҳақида аввал туркум очерклар, кейин эса ҳужжатли қисса яратди.



С.Сирожиддинов қаламига мансуб “Хумор” туркум очерклари қахрамони – меҳнат қахрамони, депутат Шамси Назаров.

Бу асарларнинг публицистикамизда, ўз ўрни ва қиммати бор. Чунки, Гдлян ва Ивановлар бошлиқ терговчилар сарсон-саргардон қилган “обрўсизлантирган” деҳқонларимиз, қишлоқ хўжалик соҳасининг раҳбарлари, оқсоқоллари қаторида заҳматкаш инсон Шамси Назаров ҳам бор эди. Тафтишчи, терговчиларнинг тирноқ орасидан ҳар қанча кир излашларига қарамай, Шамси Назаров “ҳибсга олинишдан” омон қолди. Келажакда бундай меҳнаткаш, заҳматкаш инсонлар ҳақида бадиий асарлар ёзилиши мумкин. Ана шундай пайтда Самариддин Сирожиддиновнинг очерклари қимматли манба беражаги шакл-шубҳасиздир. Шу нуқтаи назардан унинг Намоз Пиримкулов ҳақидаги публицистик мақолалари ҳам эътиборга лойиқ.

Самариддин Сирожиддинов (Сирожий) фаолиятида шеър, ғазал ёзиш асосий машғулоти сифатида изчил давом этди. Унинг шеърлари 1978 йилда нашр этилган “Кўнгил оҳанглари”, 1984 йилда чоп қилинган “Яшил япроқ” тўпламларидан ўрин олган. Бу тўпламларда мухаммаслар шаклида ёзилган ижтимоий-публицистик шеърлар ҳам, ишқий шеърлар ҳам, ғазаллар ҳам А.Навоий, Фузулий,



Огаҳий каби мумтоз адабиётимиз намояндалари газалларига боғланган мухаммаслар ҳам бор. Меҳнаткаш инсон – Сирожий шеърларининг асосий қаҳрамони. Шоир ана шундай меҳнаткаш, яратувчи одамлар дунёни обод қилувчи асосий куч эканлиги билан фахрланади:

*Шундай одамларга бошим эгаман,
Шундай одамларга этаман таъзим,
Дунёда бор экан шундай одамлар,
Жаннатга айланур кураи азим!*

Жаннатмисол ўлкамизнинг фақат гулу лолаларга бурканган баҳори эмас, балки япроқларни сарғайтирган кузи ҳам шоир кўз ўнгида гўзаллик рамзи бўлиб жилоланади:

*Сумбула шамоли кезар боғларда,
Кўз-кўз қилиб кузнинг саҳоватини.
Олтин ҳошияли зар япроқларда,
Кўринг табиатнинг назокатини.*

Зарафшон воҳасидаги ҳар бир қувончли воқеа, ҳар бир мусибат ва қайғули ҳодиса Самариддинга мавзу бериб келди. Улардан олган таассуротлари, ҳиссиётларини қўша-қўша байтларга сингдиришни ўзининг фарзандлик бурчи, деб билди. У бахшилар бахшиси Эргаш Жуманбулбулга ўрнатилган ҳайкал очилишида қатнашар экан, бир томондан гурур ва қувончли, иккинчи томондан бахшининг машаққатли ҳаёт йўли ва асарларидаги дард-аламларидан тўйган изтиробларини ифодалайди:

*Бахши сўзларида йигирма оҳанг,
Дўмбира авжсида минг дарду алам.
Оҳанглар қалбларни эритиб шундай,
Гоҳ қулиб, гоҳ йиглаб тингларди олам.
Билмадим, Кунтуғмиш дор остидами,
Кўсадов алтларга солдим қирғин?
Мард Равшан ё қалпоқ бозоридами?
Ё совуқ жанггоҳда жаранглар бурғу?*

Самариддин Сирожиддинов газал шаклида шеър ёзганда ҳам унинг байтларига турли-туман мазмун, ранг-баранг туйғуларни сингдиради. Масалан, “Инсон” деган газалида мумтоз адабиётимиздаги анъаналарни давом эттириб, инсонни оламдаги энг олий мавжудот, яратувчи, ижодкор куч сифатида улуғлашни асосий мақсад қилиб қўяди. Натижада гурур ва ифтихор туйғулари билан йўғрилган ижтимоий-публицистик газал бунёд бўлади:

*Менман инсон, қилмасин баҳс содда дунё мен билан,
Менман уммон, қайси дарё тенг бўлолгай мен билан.
Бўлмасам мен, ким биларди ер нима, осмон надур?
Ўн саккиз минг турфа олам, бил муҳайё мен билан.*

Ҳаётнинг ўзидаги қарама-қаршилиқлар каби шоир қалбида ҳам доим зиддиятли туйғулар ўзаро олишади, ёнма-ён яшайди. Улар гоҳ бир-бирини таъқиб этади, гоҳ бир-биридан голиб келади. Эркин Воҳидов “Кун билан тун, ўт билан сув бир-бирига золимдир, коинотда азал-мангу исён руҳи ҳокимдир” деб ёзганидай, шоир қалбида ана шу курашнинг акси садоси мавжуд. Сирожийнинг “Паришон бўлмагил, кўнглим” номли газалидан ана шу акс садони тинглаш мумкин:

*Паришон ўлма, эй кўнглим, маломатдан, адоватдан,
Ҳаёт холи эмас, асло мурувватдан, заковатдан.
Билурсан тун чўкиб, олам юзин гоҳо қаро айлар,
Вале тонг баҳраманд этгай тароватдан,
нафосатдан,
Ва ё неча булут рашкдан қуёшга пардалар тортар,
Замин бебаҳра қолгайму ҳароратдан, саҳоватдан?*

Ана шундай ижтимоий-фалсафий йўналишдаги газаллар билан бирга, Сирожий баёзида бевосита шоирнинг саргузаштлари, кечмиш-кечирмишлари билан боғлиқ шахсийроқ руҳдаги газаллар ҳам бор. “Қон олувчи ҳамширага” номли ҳазил газал мисолида бунга қаноат ҳосил қилиш мумкин. Бу шеърнинг лирик қаҳрамони ҳамширага хитобан айтади:

*Хаста бармоқ учларида қон на қилсун, жонгинам?
Зўрға липиллаб турар жон, ол агар жондир керак.
Қайта-қайта санчдинг, афсус чиқмади қон, мен
нетай?*

*Балки киприк ўқларидек тизги паррондир керак.
Майли, энди, ўйга толма, ушбудир дунё иши,
Кимга қону, кимга жону, кимга жонондир керак.*

Ғазал жуда қадимий шакл. Уни янгилаш баъзан мавзу, баъзан мазмун, баъзан қофия, баъзан радиф, баъзан санъатлар, ташбеҳларнинг янгилигида намоён бўлади. Масалан, Сирожий бир ғазалига “ичинда”, бошқасига “эмиш”, яна бир ғазалига “кечиргайсан” сўзини радиф қилиб олади. Ана шу кичик янгиликнинг ўзи ҳам ғазалларга оҳор бағишлайди, китобхон эътиборини тортади. Мана, куйидаги ғазалга эътибор қилайлик:

*Кўнгиш бермоқ гуноҳ эрса, гуноҳкоринг кечиргайсан,
Дилинг топган эса озор, “дилозоринг” кечиргайсан.
Қилиб бир эркалик ишқим баён этдим мен ошкора,
Бу айби чун жазоларга сазоворинг кечиргайсан.*

Бу ошиқона илтижолар самимийлиги, бегуборлиги билан мароқли ва гўзал. Шунинг учун ундаги туйғулар китобхон қалбига куйилиб киради, унда ҳаяжон уйғотади. Навоийнинг “Келмади”, Фузулийнинг “Туфроқ илон”, Огаҳийнинг “Устина”, Ҳамид Олимжоннинг “Бўлсам” ғазалларига боғлаган мухаммаслари ҳам Сирожийнинг аруздаги дадиллигидан далолат беради. Салафлар ғазалидаги мазмунни ривожлантириб, вазн, қофия, радифларни сақлаб, мухаммас боғлаш осон иш эмас. У шоирдан устозга мувофиқ дид ва маҳоратни талаб этади. Сирожий мухаммасларида ана шундай дид ва маҳорат белгилари кўзга ташланиб туради.

Лекин, минг афсуски, бевақт ўлим Сирожийни маҳорати, истеъдоди камол топаётган бир вақтда орамиздан олиб кетди. У ўз истеъдодини, ижодий режаларини тўларок намоён қила олмай ҳаётдан кўз юмди.

*Асад Дилмурод,
Ўзбекистонда хизмат кўрсатган
маданият ходими, ёзувчи*

Ёниб яшаган юрак

Умр энг улуғ ва энг бебаҳо неъматдир, уни кимдир бир чакнаб ўчган юлдузга, кимдир тезоқар дарёга, яна кимдир япроққа кўниб-кўнмай сўнган шабнамга қиёслайди. Демак, умр шу қадар қисқа ва қадрлики, тез суръатда оқилона фойдаланиб қолиш тадбири чекилмас экан, у албатта беҳуда бой берилади.

Умр мазмун-моҳиятига даҳлдор бу ҳаётий фалсафани айримлар пухта англамай ғафлатда ўтишади. Ижод ва маданият аҳлини оғир жудолик гирдобиди қолдириб кетган Самариддин ака Сирожиддинов эса уни чуқур ўзлаштирган зотлар тоифасига мансуб эди. Шунинг учун ҳам ёниб яшаш ва курашишни чинакам саодат деб билди, сабру тоқат билан маърифат оламига интилиш натижасида шоғирдликдан устозлик мақомига эришди, элу юрт ўртасида катта иззат-хурмат қозониб, барчага, айниқса, ёш авлодга ибрат бўладиган яхши ном қолдирди.

Ҳозирги “Зарафшон” газетаси таҳририятида 1969 йил июлида бўлган дастлабки учрашувимиз пайтидан бошлаб биз бир-биримизга яқинлашган ва ўзаро руҳан боғланиб қолган эдик. Камина ўшанда сиртдан ўқиётган, ҳали оқу қорани тузукли танимаган талаба эдим, Самариддин ака эса, Нуриддин Шукуров, Аҳмаджон Мухторов, Ўктам Жавлонов, Суръат Орипов, Марди Нуриддинов қаторида, фақат Самарқанд вилояти эмас, бутун республикага танилган журналист сифатида фаолият кўрсатарди, бетакрор ижодий услуби ва ўткир қалами билан кўплаб мухлислар орттирганди.

Таҳририятда мусахҳиҳ бўлиб иш бошлар эканман, Самариддин ака биринчилар қаторида менга алоҳида эътибор қаратди, мендан қимматли маслаҳати ва йўл-

йўриқларини аямади, мусахҳиҳлик ижодкор қаламини чархлайди, алоҳида тажриба ва малака мактаби вазифасини ўтаб, тафаккури ва қалбига мустаҳкам қанот бахш этади, деган оқилона сўзлар билан руҳимни кўтарди.

Баъзан бирон бадий асар устида тер тўқар эканман, ўша ҳаётӣ ўғитлари беихтиёр кулоқларим остида жаранглайди-да, кўз ўнгимда Самариддин ака, фақат захматкаш журналист, раҳбар ходим, олим ва шоиргина эмас, талабчан ва меҳрибон, олижаноб ва бағри кенг, дилкаш ва холис ниятли мураббий сифатида ҳам гавдаланади.

Устоз бетакроп ижтимоӣ ҳодиса саналган публицистик, илмӣ ва бадий ижод моҳияти хусусида мустақил дунёқарашга эга бўлган матонатли ва зуккотаъб шахс эди. Ҳамкасб зиёлилар Самариддин ака шахсидаги имкониятлар аввало истеъдодида жамланганини ҳар доим эътироф этишарди, истеъдоди эса кўп қирралилик хусусияти билан ажралиб турарди, аниқроғи, газета ва таҳририятнинг чегарасиз ташвишларидан ортиб, илмӣ тадқиқот ва бадий ижод билан шуғулланиш учун куч-ғайрат топарди.

Маълумки, журналистика шарафли ва игна билан қудук қазиш каби машаққатли касблар сирасига киради. Журналистик фаолият инсон ақлу идроки, қобилияти ва бардошини аёвсиз тарзда мунтазам чиғириқдан ўтказишга мойилдир, у кўндаланг қиладиган мураккаб имтиҳонларга ҳамма ҳам бирдек чидамайди.

Мунтазам ўқиш-ўрганиш туфайли дунёқарашини бойитган ва катта ҳаёт мактабини ўтаб улгурган, касб сирларини пухта эгаллаш йўлидан дадил одимлаб, масъул котиблик даражасига кўтарилган Самариддин ака эса бардош бера олди, натижада шу соҳанинг ўткир нигоҳли ва захматкаш даргаларидан бирига айланди.

Устоз жами билими, тажрибаси ва инсоний сифатларини ижоди мағзига сингдириш учун муттасил

изланарди. Агар ҳозирги “Зарафшон” газетаси тахламларидан ҳануз муносиб ўрин эгаллаб турган турли жанрдаги публицистик асарлари, жумладан, корреспонденция, лавҳа ва очеркларини назардан кечирсангиз, устоз нақадар сабот-матонат ва кунт билан самарали қалам тебратгани, мураккаб ҳаётнинг турли қатламларига дадил кириб боришдан чўчимаганини теран ҳис этасиз.

Юқорида таъкидланганидек, Самариддин ака, кўп қиррали истеъдоди даъватига кўра, журналистика билан бирга, адабиётшунослик фани ва назм соҳаларида унумли изланди, хусусан, мумтоз адабиётимиз тарихига чуқур ихлос кўйди.

Мустаҳкам эътиқод самараси ўлароқ, Каттакўрғон шаҳри ва унинг яқин мавзеларида яшаб сўз санъати ривожига ҳисса қўшган Видоӣ, Шавқӣй ва Мирий каби мумтоз шоирлар меросини тадқиқ этди. Йигирманчи аср адабий ҳаётида сезиларли из қолдирган Абдулҳамид Маждӣй, Тошпўлат Саъдӣй ва Мамарасул Бобоевлар битган асарларнинг ўзига хос бадий-эстетик хусусиятларини кашф этди.

Самариддин ака она тупроғи ва она халқига муҳаббати сабабли қатагон қурбонига айланган қобилиятли сиймо шоир ва драматург, адабиётшунос ва журналист-педагог сифатида танилган Абдулҳамид Маждӣй ижтимоӣ фаолияти ва бадий меросига алоҳида қизиқиш билан қаради. Атоқли шоир ва носир қаламига мансуб “Хандон лолалар”, “Қалдирғоч”, “Ҳангома” каби шеърӣй ҳамда насрий тўпламларни амалӣй-назарӣй жиҳатдан синчиклаб ўрганиш жараёнида бадий ижод масъулиятини теран англади, қаламини мунтазам тоблади ва ғазалнавис шоир сифатида шакллана борди.

Самариддин ака пухта илмӣ нуқтаи назар, мустаҳкам илмӣ позиция асосида теран тадқиқотлар ўтказувчи жонкуяр адабиётшунос олим бўлиб танилган эди. Машаққат

чекиб амалга оширилган кузатувлари натижасида яратилган назарий янгиликлари ҳамон қийматини йўқотган эмас, аниқроғи, ноҳақ қораланган Абдулҳамид Мажидийдек шоирни халқимиз ва ўзбек адабиёти бағрига қайтариш баробарида, илмий-назарий тафаккур интенсив раванқ топишида асқатувчи муҳим эстетик қарашларни илгари суришга муваффақ бўлди. Ана шу ҳақда бизга “Абдулҳамид Мажидий” монографияси кенг тасаввур беради.

Бадиий адабиётда алоҳида ўрин тутадиган Видоий, Шавқий ва Мирий каби мумтоз шоирлар яратган асарлар, ниҳоят, Абдулҳамид Мажидий адабий мероси Самариддин аканинг поэзия билан яқинроқдан ошна тутинишида муҳим аҳамият касб этганини алоҳида таъкидлаш керак. Сўз санъатида бадиият ва назария уйғун бўлишини, ижод, тирикчилик манбаи эмас, ҳақиқий қисмат эканини кадамба-қадам англади. Ушбу ҳикмат замирида мужассам эстетик кучга ишонди ва айни шу фазилати эътиқод тарафида собит турганини яққол исбот этади.

Самараддин ака Ёзувчилар уюшмаси Самарқанд вилоят бўлимини идора қила бошлагач, журналистик ва олимлик фаолиятини тўхтатмаган ҳолда, бадиий ижод билан янада кенгроқ шуғуллана бошлади. Натижада чиндан ҳам шоирлик ҳаёти қисматига айланди. “Зарафшон” газетасида мунтазам босилиб турган ва “Яшил япроқ” тўпламига кирган деярли барча ғазаллари ва шеърлари устоз элу юртнинг ҳамкори ва ҳамнафаси бўлиб тер тўккани, замондош кишилар қувончи ва қайғусига шериклашиб яшагани ифодасидир. Зеро, ҳар бир сатри ва сўзи замирида она халқи ва Ватанини севган, адолат ва эзгулик, муҳаббат ва садоқатни муқаддас ҳисоблаган шоирнинг безовта юраги тепиб турганига амин бўламиз.

Самариддин ака, ижодий изланиш билан бирга, бўлим фаолиятини изчил жонлантириш, қаламкашлар фаоллигини ошириш, айниқса, талантили ёшларни излаб топиш, тарбиялаш ва китобларини нашр эттириш борасида қатта

куч-ғайрат сарфлади. Ҳозирги вақтда мухлислар ўртасида танилган ва баракали ижод қилаётган Нусрат Раҳматов, Хосият Бобомуродова, Олқор Дамин, Ойхумор Асадова, Ғайбиддин Фазлиев каби ўнлаб истеъдод соҳиблари бўлим қошида мунтазам ишлаб турган, ҳар бир машғулотида сўз санъати, бадиий маҳоратга доир долзарб масалалар ҳамда Самарқанд адабий муҳитида амал қилувчи ижодий жараёндаги ютуқ-камчиликлар муҳокама этиб борилган адабиёт тўғарагида қаламларини чархлашгани эътиборга лойиқдир.

Халқимиз ардоғига етишган Самариддин ака Сирожиддинов бугун орамизда йўқлигига ишонгим келмайди. Журналистика, адабиётшунослик фани ва сўз санъати равнақи йўлида фидойилик ва жасорат кўрсатган, жуда кўп умидли ёшлар, жумладан, камина пешонасини силаган бу олижаноб инсон ҳамиша барҳаёт ва сизу биз билан биргадир, бошқача айтганда, ҳануз маърифат улашаётган турли жанрдаги асарлари орқали иккинчи умрини яшамокда...



С.Сирожиддинов “Ленин йўли” (ҳозирги “Зарафшон”) газетаси тахририяти ходимлари билан иш жараёнида (ўнгдан биринчи Эркин Азаматов)

*Абдусаид Кўчимов,
Ўзбекистонда хизмат кўрсатган
журналист, шоир*

**Мевали дарахт
(Самариддин Сирожиддинов хотирасига)**

Зангори боғдаги бу кўркам дарахт,
Ям-яшил аланга мисоли эди.
Оҳиста шовуллаб турарди ҳар вақт,
Бамисли камтарлик тимсоли эди.

Қалин шохларида миллиён юлдузлар
Табассум қиларди баҳорда дилхуш.
Кўм-кўк замин узра гўзаллик излаб
Учиб борар эди гўё оппоқ куш.


Соллониб, товланиб кўринарди у,
Қадим Каттақўрғон тепаларидан.
Маҳлиё бўларди бир тотган мангу
Унинг ширин-шарбат меваларидан.

Ошуфта дилларга шавқ сочиб шоён,
Новдалари шигил ҳосилга тўлиб,
Кўнгил боғларида тургай кўп замон
Меҳру садокатнинг тимсоли бўлиб.

13 декабрь, 2012 йил.



С.Сирожий ва Шамс Одил



С.Сирожий, Шамс Одил, Файрат Шукуров ҳамда Ҳанифахон

Дўстим Шамси Одилга

Чехраларда қувноқ табассум,
Юракларда чексиз тараҳхум.
Самариддин, Шамси, Файратжон,
Ҳанифахон завқин бузар ким?

Йўқ, азизим, бу дўстлик метин,
Бу дўстликдир гранит қоя.
Қолажақдир шонимиз мангу
Чунки қалбада инсоний гоя.

4.11.1962 й. Очиқ қалб билан Сизнинг Самариддин.

*Ҳабиб Темиров, “Қишлоқ ҳаёти”
газетаси бош муҳаррири
ўринбосари, ёзувчи.*

Хайрихоҳлик

Самариддин Сирождидинов билан танишувимиз, адашмасам, ўтган аср етмишинчи йиллари ўрталарига тўғри келади. Ўшанда мен Самарқанд давлат университети филология факультети талабаси эдим. Гоҳ-гоҳ домлаларимиз ёзган мақолаларни элтиб бериш учун вилоят “Зарафшон” (ўша йиллар у “Ленин йўли” деб аталар эди) газетаси таҳририятига бориб турардим. Бир гал газетада “Талаба ва матбуот”, деган мунозарали бир мақола эълон қилинди ва мен уни қизиқиб ўқидим ҳамда акс-садо тариқасида ўз фикр-мулоҳазаларимни иншо этиб таҳририятга йўл олдим. Илгарилари шунчаки, домлаларнинг мақоласини элтганим учун дадил ва илдам борар эдим. Бу сафар ўзимнинг дастлабки машқимни таҳририят ҳукмига ҳавола этиш мақсадида йўлга чиққаним учун анчайин саросималаниб, имиллаб қолдим. Ҳатто манзилга етай-етай, деганда “Нима кераги бор эди шунинг”, деган иккиланиш билан ортга қайтмоқчи ҳам бўлдим. Зеро бундан аввал адабиётшунослик илмига қизиққаним боис университет талабалари илмий тўпламларида бир неча мақолалар билан қатнашган эсам-да, оммавий матбуот нашрида ҳали чиқиш қилмаган эдим. Газета таҳририяти у пайтлар шаҳар марказий маданият ва истироҳат боғига туташган, ҳозирги иқтисодиёт ва сервис институти рўпарасидаги кўҳна ғиштин иморатда жойлашган бўлиб, яшил тусга бўялган ёғоч дарвоза орқали чорсидеккина ҳовлига кирилиб, ёғоч пиллапоядан юқорига кўтарилиб, иккинчи қаватдаги узун, ним қоронғи даҳлизга кирилар эди. Ана шу даҳлиздаги хоналардан бирининг эшигини таваккал қилиб очиб, “Мумкинми?” деб ичкарига кирдим. Шифти баланд, узун хонанинг тўрида “Т” шаклидаги стол қўйилган ва унинг бир томонида сочлари орқага таралган, очиқ юзли,

кўзлари кулимсираб турувчи 40-45 ёшлардаги киши ниманидир берилиб, ўқиб ўтирар эди.

– Мен бир мулоҳаза ёзиб келган эдим, агар малол келмаса, шунини ўқиб, фикрингизни айтсангиз, – дедим салом-алиқдан сўнг.

– Малол келмайди, – деди у киши кўзларидаги жилмайиш янада куюқлашиб, – ўқиб кўрамиз.

Мен унга мақолани узатдим. Икки варақда зич қилиб ёзилган матнни эринмасдан, шошмасдан, синчиклаб ўқиб чиқди. Чехраси жиддий тортди.

– Яхши ёзибсиз. Таҳрири силлиқ. Мулоҳаза микёси анча кенг. Аслида буни “отклик” (ўша пайтлар муайян мақола ҳақида фикр билдириб ёзилган “асар”ни шундай деб аташарди. Ҳ.Т.) тарзида эмас, мустақил бир мақола шаклида тайёрласа чиройли бўлар экан. Шунинг учун ҳозир қайтариб олиб келинг-да, айрим жойларини тўлдириб, баъзи ўринларини эса қисқартириб, яна бир ишланг, хўпми? – деди у киши ва таҳрир асносида қайси жиҳатларга эътибор бериш лозимлигини кунт билан тушунтирди.

– Бунақа мақолани биринчи ёзишим-да, – ўзимни оқлаган бўлдим мен. – Илгари кўпроқ адабиётшуносликка оид таҳлил ва тақризлар машқ қилар эдим.

– Олим бўлмоқчи экансиз-да? Дуруст. Олимликка нима етсин. Лекин агар шу мақолани чиндан ҳам ўзингиз ёзган бўлсангиз, сиздан тузуккина журналист, ҳатто ёзувчи чиқиши мумкинлиги сезилиб турибди. Фақат қаламингизни тинимсиз чархлашингиз керак. Ҳар ҳолда бир уриниб кўринг. Агар ижодкор бўлолмасангиз начора, илмий ходим бўлиб кетаверасиз.

Сўнгги жумлани у ҳазил оҳангида, кулиб айтди. Нима бўлганда ҳам унинг илк машқимга шунчалик юксак баҳо бериши менга бошқача таъсир қилди.

– Қайта ишлаб, ўзингизга олиб келайми? – деб сўрадим ундан.

– Менга олиб келинг, дарвоқе, танишмадик-ку, менинг исми-фамилиям – Самариддин Сирождидинов, – деди у. –

Сизники мана, мақола охирига ёзилибди. Демак, келишдик. Шошилмасдан, сабот билан қайта ишлайсиз. Кейин яна бошқа мавзуларда ҳам қалам тебратиб кўринг. Ҳа, айтганча, шеър, ҳикоя ёзиб турасизми?

– Бир-иккита ҳикоялар машқ қилганман.

– Олиб келинг, уларни ҳам кўрамиз...

Навбатдаги ташрифим сал кечикди. Бу орада тахририят шаҳарнинг вилоят прокуратураси ва санъат мактаби жойлашган мавзесига, Темирчилар (кейинчалик Улуғ Турсунов номли) кўчасидаги янги бинога кўчган, Самариддин Сирождидинов эса Ўзбекистон Ёзувчилар уюшмаси вилоят бўлими масъул котиби лавозимига тайинланиб, дорилфунун хиёбони қаршисидаги бир қаватлик қадимий бинога ишга кетган экан. Табиийки, мен уни тахририятдан тополмадим. Лекин шу баҳонада Суръат Орипов, Асад Дилмуродов сингари шоир ва ёзувчилар билан танишдим. Мақолаларим эълон қилинди. Журналистлик касбига қизиқишим тобора кучайди. Орадан икки йил ўтгач ўқишни битказиб, устозим, таниқли олим ва ижодкор Нуриддин Шукуров маслаҳати ва тавсияси билан шу даргоҳга ишга келдим. Бош муҳаррир Аҳмадjon Мухторов бажонидил ишга қабул қилди. Мухбир, бўлим мудир, масъул котиб бўлиб ишладим. Шунинг баробарида Самариддин ака билан бот-бот учрашадиган бўлдик. Асарларини, мақолаларини газетада кўп чоп этдик. У кишининг журналистлик билан бирга яхши назмий ижоди борлигини, “Сирожий” таҳаллуси билан ғазаллар ёзишини, адабиёт тарихига оид долзарб мавзуда илмий иш қилаётганидан воқиф бўлдим. Сухбатларнинг бирида:

– Журналистикага келганимга ўша, илк танишув ва мулоқотимиз чоғида берган оқилона маслаҳатларингиз сабаб бўлган, – дедим унга. – Илк сабоқни ўзингиздан олганмиз.

– Асли тақдирингизда битилган, менинг маслаҳатим бир сабаб бўлган, холос, – деди у киши камтарлик билан. Аммо мақтов барибир хуш келди чоғи одатига хос жилмайиш билан маслаҳатларининг давомини айтди: – Бир-икки ҳикояларингизни ўқидим. Яхши. Лекин бироз шошилиб

ёзганингиз билиниб турибди. Газетачиликнинг касри. Бадий ижодга юзаки, эътиборсизлик билан қараманг. Қунт билан ижод қилинг. Илк китобингизни тайёрланг. Сизни уюшма аъзолигига тавсия этамиз...

Самариддин ака қилган бу эзгу ният ҳам тўксонинчи йиллар бошида амалга ошди. Бироқ афсуски, у киши бу пайт орамизда йўқ эди. Аксар беназир инсонлар каби ёруғ оламни анча эрта тарк этиб кетди. Аммо дилларга таскин берадиган жиҳат шундаки, ундан ҳавас қилса арзигулик бадий-илмий ижод намуналари ҳамда истеъдодли ва қобил фарзандлар қолди. Шогирд укалари қаторида менга берган самимий маслаҳатлари, бегараз хайрихоҳлиги хотирамга умрбод муҳрлангани боис у кишини тез-тез эслаб тураман. Ҳар гал жилмайиб тургувчи чехрасини кўз олдимга келтирганимда “Эй Сирожий...” дея мулоим шавқ билан ўқиётган ғазаллари қулогимда жаранглаб кетгандек бўлади.

*Пайариқ туман газетаси
муҳаррири Ҳасан Ҳудойбердиев
билан.*



*Эй Сирожий, яйра шод, мағрур жаҳонда бахтиёр,
Хур Ватан бирла мудом ҳамроҳ санга фарзоналик.*

*Собиржон Содиқов,
ношир.*

Дўстлар сардори

Самариддин Сирожиддиновни ҳеч иккиланмасдан дўстлар сардори дейиш мумкин эди. Сардор сўзига муносиб бўлиш ҳамманинг ҳам кўлидан келавермаса керак. Тириклик дунёси бу мансаб ҳам эмас, амал ҳам эмас. Инсонларга ўз самимийлигини, дил сўзларини, керак бўлса бутун вужудини, бор кучини бағишлай оладиган, яхши кунда ҳам, ёмон кунда ҳам ёнингда тик туриб, энг асосийси қалб тўридан жой берадиган ҳақиқий инсонийлик ҳислатларини тараннум эта олган дўстни - дўстлар сардори, деб айтишни Самариддин Сирожиддинов тимсолида кўрдим.

Мен дўстим Самариддинни ҳар кўрганимда кўлимни кўксимга қўйиб, Абдурахмон Жомийнинг

Кўксингни хазина қилолсанг агар,

Донолар кўксидан тўқилмас гавҳар,

дея икки қатор шеърини хиргойи қилиб кутиб олар эдим.

Ўта билимдон журналист ва шоир Самариддин мумтоз адабиётга қизиқувчанлиги туфайли жуда кўплаб шоирларнинг шеърларини ҳам ёд билар эди. Бир куни, адашмасам 1971 йил, машинкада ёзилган 30-35 варақлик алланганимани столим устига қўйиб: “Цензор нуқтаи назаридан ўтказиб берсангиз. Бу диссертациямнинг автореферати”, -деб қолди.

Ҳам хизмат тақозасига кўра, ҳам Самариддиннинг дўсти ҳамда мухлиси сифатида авторефератни уч карра масъулият билан ўқидим, дўстимнинг инсоний ва ижодий жасоратига қойил қолдим. Гап шундаки, 30-йиллар қатагонининг қурбонлари бўлган А.Қодирий, А.Фитрат, А.Чўлпон, У.Носир, С.Ализодалар 60-йилларнинг бошларида тўлиқ “оқланган” бўлсада, унча-мунча марди майдон улар ҳақида бирор нарса ёзишга журъат эта олмаган эди. Дўстим Самариддин эса А.Мажидийни улардан 10 йил олдин “оқлаб”, унинг ҳаёти ижоди бўйича диссертация ёқлапти. Ичимда

Дўстлар сардори, Сизга “беш” дедим.

“Журналистнинг нони қаттиқ” дейишади, чунки у, дам олганда ҳам, ухлаганда ҳам ишлайди. Шундай масъулиятли маданият ва маориф, котибият бўлимларининг мудирини лавозимларини бажариш озлик қилгандай, илмий мавзуда диссертация ёзиш осон эмас, машаққат. Бунинг устига академик аллома Воҳид Абдуллаевга шогирд бўлиш осонми?

Самариддин диссертациясини ҳаммани қойил қолдириб муваффақиятли ҳимоя қилди. Мен эса, дўстимнинг ютуғидан жуда-жуда мамнун бўлган эдим. Олма олмадан узоққа тушмайди, - деганларидек, унинг икки ўғли олим бўлиб етишди. Шухратжон филология фанлари доктори, профессор, Ўқтамжон эса техника фанлари номзоди бўлди, Ҳотамжон ҳам илм, маърифат йўлидан борапти.

Бутун ҳаёти давомида вазмин, камтарин, донишманд ижодкор сифатида танилган Самариддин Сирожиддиновнинг жойлари жаннатдан, охирати обод бўлсин!



С.Сирожиддинов Мамарасул Бобоевни (ўрта қаторда, ўнгдан иккинчи) устоз деб билган ва ҳамюрт эканлигидан беҳад фахр этарди.

*Бекмурод Йўлдошев,
филология фанлари доктори,
СамДУ профессори.*

Таниқли журналист ва олим

Самариддин Сирожиддинов ўз ҳаёти давомида тинмай изланиш машаққатлари сабабли ғазалнавис шоир, истеъдодли журналист, синчков адабиётшунос олим сифатида танилган эди.

Шуниси эътиборлики, ўтган асрнинг 50-йилларида ёш педагог С.Сирожиддинов мактабда ўқитувчилик қилиш билан бирга маорифчилар ҳаётидан олинган турли-туман янгиликлар ҳақида туман ва вилоят газеталарига кичик-кичик хабарлар юбориб турди. Унинг адабиёт ўқитиш муаммоларига доир дастлабки услубий мақоласи ўша даврда «Совет мактаби» журналида ҳам эълон қилинган эди. Каттақўрғон туман газетаси муҳаррири Файзулла Нуруллаев уни таҳририятга ишга таклиф этганлигини Самариддин аканинг ўзлари бирга ишлаган пайтимизда сўзлаб берган эди. С.Сирожиддинов туман газетаси таҳририятида адабий ходим, бўлим мудир, масъул котиб лавозимларида фаолият кўрсатди, бу эса унга ҳаёт йўлини тўғри белгилаб олиш учун катта имкон яратди.

Шундан кейин С.Сирожиддиновнинг Мирий Каттақўрғоний, Муҳаммадшариф Шавқий ҳақидаги мақолалари, Аҳмади Аҳқар, Вола, Дабири, Маҳдий, Ноқис. Дилафгор каби каттақўрғонлик шоирлар ҳақидаги илмий-оммабоп характердаги мақолалари туман, вилоят ва республика матбуотида бирин-кетин эълон қилина борди. Шуниси характерлики, ёш тадқиқотчининг бу мақолаларида ҳали адабий жамоатчиликка унчалик маълум бўлмаган йигирмадан ортиқ ижодкорнинг номи ва асарлари тилга олиниб, уларнинг адабий мерослари ҳақида анча қизиқарли ва муҳим фикр-мулоҳазалар билдирилган эди. С.Сирожиддиновнинг бундай илмий кузатишлари

тадқиқотчилар орасида катта қизиқиш уйғотди. С.Сирожиддиновнинг ажойиб халқ шоири Нурмон бахши ҳақидаги тадқиқотлари ҳам бу жиҳатдан характерлидир. У Нурмон шоирнинг “Намоз”, “Абдулла кофир” каби дostonларининг ғоявий-бадий йўналишини таҳлил қилувчи мақолалар ёзди. Унинг каттақўрғонлик жўшқин шоир Тошпўлат Саъдий, XX аср ўзбек адабиётининг йирик вакилларида бири Мамарасул Бобоев ижодига бағишланган изланишлари ҳам мутахассислар орасида катта қизиқиш уйғотган эди.

Шахсга сиғиниш даврининг қурбони бўлгани учун номи унутилаётган каттақўрғонлик истеъдодли адиб Абдулҳамид Мажидий (1904-1939) нинг ҳаёти ва фаолиятини ўрганиш, унинг асарларини қайта тиклаш ва жамоатчиликка тақдим этиш соҳасида С.Сирожиддинов жуда хайрли ишларни амалга оширганлигидан хабаримиз бор. Абдулҳамид Мажидий асарларини, бу ижодкор билан бирга ишлаган кишиларни излаб, узоқ Хоразмга, Қорақалпоғистонга борди. Тошкент, Душанбе, Бухоро ва Самарқанддаги кутубхоналарда ўтириб, эски архивларни титқилади, бир қанча одамлар билан учрашди, уларнинг А.Мажидий ҳақидаги хотираларини ёзиб олди. Машаққатли ана шундай изланишлар бесамар кетмади, С.Сирожиддинов 1972 йилда таниқли олим Р.Орзибековнинг илмий раҳбарлигида “Абдулҳамид Мажидий ҳаёти ва ижодий фаолияти” деган мавзуда номзодлик диссертациясини муваффақият билан ҳимоя қилган, СамДУда ўтган ана шу ҳимоя жараёнида мен ҳам ёш изланувчи сифатида иштирок этганимдан фахрланиб юраман.

Эътиборли томони шундаки, Каттақўрғон драма театрига Абдулҳамид Мажидий номининг берилишида, бу адибнинг “Танланган асарлар” (шеърлар, ҳикоялар)нинг алоҳида тўпланиб, китоб ҳолида нашр этилиши (1974)да, А.Мажидийнинг Ёзувчилар уюшмаси аъзолигига қайтадан тикланишида С.Сирожиддиновнинг хизматлари жуда катта

эканлигини фахр ва гурур билан эслаймиз. 1982 йилда С.Сирождидиновнинг “Абдулхамид Мажидий” деб номланган адабий портрет характеридаги рисоласи ҳам Тошкентда нашр этилганди.

1964-1975 йиллар С.Сирождидиновнинг моҳир журналист сифатида ўсиб-улгайишида муҳим давр бўлганлиги ҳам бизга яхши маълум. Чунки худди шу йилларда у вилоят “Ленин йўли” (ҳозирги “Зарафшон”) газетаси таҳририятида адабий ходим, махсус мухбир, бўлим мудир, масъул котиб вазифаларида ишлади, оператив хабарлар, ўқимишли лавҳа ва очерклар, публицистик мақолалар ёзиб, элга танилди. 1969-1970 йиллар давомида мен ҳам Самариддин ака билан бир сафда вилоят газетаси таҳририятида ишлаганман. У фидойи, оператив ходим, тўғри сўз қаламкаш сифатида жамоада катта обрў қозонган эди. Самариддин ака адабий-бадиий ижод намуналарини жуда яхши таҳрир қилиб, газетанинг шанба сонларига олдиндан тайёрлаб қўяр, ўзининг газал ва шеърлари, дostonларидан намуналарни республика газеталари саҳифаларида мунтазам ёритиб борарди.

Шуниси эътиборлики, самарқандлик адабиёт мухлислари С.Сирождидиновни шоир сифатида ҳам яхши билишарди. У Сирожий таҳаллуси билан кўпроқ аруз вазнида қалам тебратар, газаллар, мухаммас ва рубойлар ёзарди. Тошкентдаги Фафур Фулом номидаги адабиёт ва санъат нашриёти шоирнинг “Кўнгил оҳанглари” (1978) номли шеърлар тўпламини нашр этганлигини ҳам яхши эслаймиз. Бундан ташқари, ёзувчининг бир қанча асарлари ўша вақтда “Новый мир”, “Шарқ юлдузи”, “Звезда Востока” журналларида, вилоят ва республика газеталарида эълон қилинганлигини яхши эслаймиз.

Шуни мамнуният билан таъкидламоқчимизки, шоир С.Сирождидиновнинг биринчи “Кўнгил оҳанглари” деб номланган шеърий китоби муқовасига мусаввир А.Нажмиддинов Самарқанддаги қадимий ёдгорликлар

аксини бежиз туширмаганга ўхшайди. Чунки худди шу тўпламдаги ҳар бир шеърда Самарқанд нафаси, Зарафшон дарёси ва юртимиз табиатига чуқур муҳаббат руҳи баралла сезилиб туради.

С.Сирождидинов ўз ҳаётининг сўнгги йилларида Ўзбекистон Ёзувчилар уюшмаси Самарқанд вилоят бўлимининг масъул котиби вазифасини жуда катта масъулият билан бажарганди. Шу даврда унинг саъй-ҳаракати билан самарқандлик шоирлар, ёзувчилар, адабиётшуносларнинг ўнлаб китоблари республиканинг марказий нашриётлари орқали чоп этилган, вилоятимизда Ёзувчилар уюшмаси аъзоларининг сафи кескин равишда ортган, ёш талантлар билан ишлаш, уларнинг биринчи китобларини муҳокама қилиб нашриётларга тақдим этиш иши изчил равишда йўлга қўйилганди.

Бу йил С.Сирождидинов ҳаёт бўлганда 80 ёшга тўларди. Талантли олим ва журналист Самариддин Сирождидиновдан бой адабий мерос, яхши, оқил фарзандлар, неваралар қолди. Унинг бадиий-публицистик асарлари ва ўз юртига муҳаббат руҳи билан суғорилган шеърлари халқимиз томонидан ҳозир ҳам севиб ўқилмоқда. Каттакўргон адабий муҳитини ўрганиш соҳасида С.Сирождидинов бошлаб берган анъана ҳозирги вақтда унинг издошлари, фарзандлари ёш тадқиқотчилар томонидан изчил давом эттирилмоқда.

Ғайрат Шукуров, нафақадаги журналист.

Сирожийни самарқандлик десанг бас...

Муҳаммадшариф Шавқий, Очилдимурод Мирий, Абдулқодир Ноқис, Қори Муҳаммад Расул Зубайдулла хўжа ўғли Ножий, Аҳқар, Вола, Абдулхамид Мажидий, Тошпўлат Саъдий, Мамарасул Бобоев, Ҳақима Мутриба, Холислар асос солган Каттакўргон адабий муҳитининг мавқеини

мустаҳкамлаш, ривожлантириш ва изчиллик билан давом эттириб, унинг равон йўлдан мардонавор дадил одимлашида Каттакўрғоннинг бағоят улкан салоҳиятга эга зиёли фарзандларидан бири журналист, шоир, драматург, адабиётшунос олим, филология фанлари номзоди Самариддин Сирожиддиновнинг улкан ҳиссаси бор.

Самариддин Сирожиддинов бор-йўғи 55 йил умр кўрди. Ана шу даврда у Каттакўрғон шаҳридаги педагогика билим юртини имтиёзли диплом билан тугаллаб, ўзи ўқиган мактабда ёш авлодга ўзбек тили ва адабиёти фанидан дарс бера бошлади. Педагогик иш олиб бориш билан бирга у ўзининг билим савиясини ошириш мақсадида Самарқанд давлат университети филология факультетига сиртдан ўқишга кириб, муваффақиятли тугаллади.

Илмга ташна Самариддин ака муаллимлик қилиш билан бирга шеърлар машқ қилди, ўз устида ишлашни бир сония ҳам қанда қилмади. Унинг дастлабки шеърлари “Каттакўрғон ҳақиқати” рўзномасида босилиб, тез орада шеърият ихлосмандлари диққатини ўзига тортди. Ҳар бир сатр устида тинмай машқ қилиш, таҳлилни кучайтириш, изланиш ўз самарасини берди.

Айниқса, Самариддин Сирожиддиновнинг дастлаб ҳудудий “Зарафшон” (ҳозирги “Каттакўрғон ҳақиқати”), кейинчалик Самарқанд вилояти собиқ “Ленин йўли” (ҳозирги “Зарафшон”) газеталарида фаолият кўрсатиш баробарида сабот ва матонат билан илҳоми жўшиб, ижод қилганлиги унинг иқтидорли журналист, зукко олим ва дилнавоз шоир даражасигача кўтарилишига олиб келди.

Шу ўринда Самариддин Сирожиддиновнинг ана шундай иззат-обрў ва эл севган шоир бўлиб етишувида сал бўлса-да, ҳамнафас дақиқаларининг гувоҳи бўлганимни қониқиш билан эсланиш ўзимнинг муқаддас бурчим, деб биламан...

Қизил империя ҳукмронлиги даврида ўзбек халқининг кўплаб зиёллари, алломалари, забардаст шоирлари, давлат арбоблари заррача айблари бўлмаса-да, қатағон қилинган.

Ана шундай ноҳақ айбланганларни оқлаш, уларнинг

номларини абадийлаштиришдек эзгу ва хайрли ишларни рўёбга чиқаришда довурак шоирнинг хизматлари бекиёс.

Самариддин Сирожиддинов қатағон йиллари ноҳақ айбланиб, қамалган ва отиб ташланган Каттакўрғон шаҳри фарзанди, 1937 йиллардаги республиканинг машҳур ва сермаҳсул шоири, қатор йиллар “Аланга” ва “Муштум” журналларида муҳаррир бўлиб ишлаган Абдулҳамид Мажидийнинг пок номини оқлаш борасида катта жасорат кўрсатди.

Кечагидек эсимда... 1971 йил Каттакўрғон шаҳрига 20 йилдан ортиқроқ республиканинг биринчи раҳбари бўлиб ишлаган Шароф Рашидович Рашидов ташриф буюради. Шунда Каттакўрғон шаҳрининг биринчи раҳбари бўлиб ишлаган Абдулла Саидов Шароф Рашидовичга каттакўрғонлик шоир ва ҳажвчи, драматург, режиссёр Абдулҳамид Мажидийнинг ноҳақ қатағон қилинганлиги, унинг бой адабий мероси тўғрисида батафсил ҳикоя қилиб, унинг пок номини тиклашдек хайрли ишни шоир Самариддин Сирожиддинов мардонаворларча олиб бораётганлиги, Абдулҳамид Мажидийнинг ҳаёти ва ижодий фаолияти бўйича номзодлик диссертациясини ёзишга киришганлигини айтдилар.

Шароф Рашидов бундай хайрли ва савоб ишга қўл урганлар ташаббусини қўллаб-қувватлаб, республика Марказий Комитетига хат билан мурожаат қилиш зарурлигини айтади.

Ана шу суҳбат асосида марказкомга йўлланган хатга жавобан ноҳақ айбланиб, бевақт ҳаётдан кўз юмган Абдулҳамид Мажидий асарларини ўқиб-ўрганиш, ноҳақ таъқиқланган ижодий меросини тўшлаш, тадқиқ этишга руҳсат олинди. Шоир Абдулҳамид Мажидий адабий меросини тиклаб, бу ҳақда номзодлик диссертация ёқлаш, “Абутанбал” номли драма ёзиш ва унинг икки жилдлик “Танланган асарлар”ини чоп эттириш бевосита Самариддин Сирожиддиновнинг кунни тунга улаб қилган тинимсиз меҳнати – ижодий изланишлари самараси ўлароқ, бу хайрли,

савоб ишнинг ниҳоясига етказилишига муваффақ бўлинди.

Ҳа, Самариддин Сирожиддинов чинакам ўзига талабчан, изланувчан шоиргина эмас, балки меҳнатсевар ва ҳалол инсон эди. Унинг ана шу ижобий хислатлари етук шоир, зукко олим бўлиб етишиши ва эл севгаи адиб даражасига кўтарилишига имкон яратди. Шу боис ҳам Самариддин Сирожиддиновнинг ёзган ҳикоя, очерк, шеър- ғазаллари ҳамон китобхонлар қалбидан мустаҳкам ўрин олиб, ғазаллари машпоқлар хонишидадир.

Дарҳақиқат, шундай! Самариддин Сирожиддинов қисқа умр кўрса-да, адабиёт ихлосмандларига бебаҳо, ўқилганда кўлдан тушмайдиган бой адабий хазина қолдира олди.

Бунга биз Каттақўрғон шаҳар ва туман ҳокимликлари, ноҳиядаги собиқ “Зарафшон” жамоа хўжалиги ва Самариддин Сирожиддинов ўқиган 53-ўрға мактаб муаллимлар жамоаси ташаббуслари ила уюштирилган хотира тадбирида яна бир қарра ишонч ҳосил қилдик.

Камина хотира тадбири бошланишидан олдин унинг айрим иштирокчилари билан мулоқотда бўлиб, уларнинг дил сўзларини қоғозга туширган эдим. Жумладан, ўша йиллари Каттақўрғон тумани ҳокими бўлиб ишлаган шоир, ёзувчи, журналист Марди Нуриддинов ўзининг дил сўзларини куйидагича баён этган эди:

- Самариддин Сирожиддинов катта қалб эгаси, зукко олим ва заҳматқаш булбулзабон шоир эди. Самариддин ака билан Каттақўрғон тумани ва Самарқанд вилоят «Зарафшон» газеталари таҳририятларида ишлаш жараёнида биз бирга ҳамнафас бўлдик. Ҳар бир ёзган янги шеър, ғазал, очерк ва ҳикояларининг биринчи ўқувчиси ва танқидчиси мен эдим. Негаки, биз бирор янги нарса ёздикми, юз-кўзи демасдан танқидий муҳокама этардик. Иккимизнинг бу ижодий ҳамкорлигимиз дастлаб ўқитувчиликдан бошланиб, Самарқандда нуфузли раҳбарлик ташкилотига, вилоят “Зарафшон” газетаси таҳририяти ҳамда Самариддин аканинг Ўзбекистон Ёзувчилар уюшмаси вилоят бўлимида фаолият кўрсатган давларда ҳам изчиллик билан давом этди.

Шу боис ҳам бу давларни бекиёс чексиз ҳурмат ва илтифот-ла қадрлайман ҳамда Самариддин акага бўлган эътиқод рамзи-ла қониқиш билан эсга оламан. Айниқса, Самариддин акадаги шеър ва ғазал ўқиш санъати ҳар бир шоирда камдан-кам учрайдиган қобилият эди. Бевосита Самариддин Сирожиддиновнинг ташаббуси ва саъй-ҳаракати ила Самарқандда шоирлар боғи ташкил этилганлигини барча ҳанузгача эслашади.

Ҳа, Самариддин ака ўзининг қисқа умри давомида ўзига бебаҳо ҳайкал ўрнатиб кетди. Унинг асарларини тинмай ўқиётган мухлислари сони тобора кўпаяётганлиги фикримизга мисол бўла олади.

Биз Самариддин Сирожий билан қанча фахрлансак, у киши ҳақида қанчалик кўп дил сўзларини изҳор этсак ҳам озлик қилади. Унинг ана шундай буюкликка эришувида Каттақўрғонда муҳим фаолиятда бўлган адабий муҳит, оиладаги осойишталик муҳим роль ўйнайди.

Самариддин ака ўқитувчилик даврида кўплаб иқтидорли шоғирдлар етиштирди. Ўз навбатида фарзандларининг ҳам баркамол бўлиб етишувида катта меҳнат қилди.

Катта ўғли Анваржон Ўзбекистон Республикаси Ички ишлар вазирлиги тизимида шаҳар ва туманлар ички ишлар бўлимлари жиноят-қидирув бўлими бошлиғи вазифасида нафақага чиққунига қадар хизмат қилиб, эл осойишталигини таъминлашда жонбозлик кўрсатди.

Иккинчи ўғли Акмалжон узоқ йиллар Каттақўрғон шаҳар иқтисодиёт коллежида, кейинчалик ёш муаллимларга Каттақўрғон педагогика коллежида педагогик маҳорат сирларини ўргатиб келаётир.

Шухратжон Сирожиддиновнинг мутахассислиги шарқшунос олим. У иқтидорли навоийшунос, ўз соҳасининг етук билимдони. Шу соҳага оид 300 дан ортиқ илмий мақолалар, ўнлаб китоблар шу жумладан, “Алишер Навоий”, “Илм ва тахайюл сарҳадлари” номли монографиялар муаллифи. Филология фанлари доктори, профессор. Айни дамда Самарқанд давлат чет тиллар институти ректори

лавозимида фаолият кўрсатмоқда.

Кенжа ўгли Ҳотамжон Сирожиддинов Низомий номидаги Тошкент давлат педагогика университетида фаолият олиб борапти.

Ўктамжон Сирожиддинов вилоятдаги шаҳар ва туманлар ҳокимликларида масъул лавозимларда ишлаб, бундан кейинги меҳнат фаолиятини Самарқанд Архитектура ва қурилиш институтида давом эттирмоқда.

Каттақўрғон шаҳар ҳокими бўлиб ишлаган, бугунги кунда “Эрудит” ижодий маркази раҳбари Бехзод Зокиров Самариддин Сирожиддинов ҳақидаги таассуротларини куйидагича сўзлаб берди:

- Самарқанд вилояти ёшлар ташкилотиди биринчи раҳбар бўлиб ишлаган давримда -деди у, мен Самариддин ака билан жуда кўп суҳбатда, мулоқотда бўлганман. Суҳбатимиз бошланди дегунча унинг мавзуси беихтиёр Каттақўрғон адабий муҳити, унинг равнақи ва истиқболига бориб тақаларди. Бу мулоқот у кишининг янги ёзилган шеър ва ғазалларини тинглаш билан тугарди. Шу-шу Самариддин ака менинг хотирамда дилкаш инсон, зукко олим ва дилнаво шоир сифатида муҳрланиб қолган.

Ҳа, Самариддин Сирожиддинов ўзининг 55 йиллик умри мобайнида бир неча шеърый, насрий тўпламлар чоп эттирди. Абдулхамид Мажидий ҳаёти ва ижодига оид “Давр ўғлони” ҳамда “Қутқарилган кўёш” драмалари бизга устоз Сирожийдан бебаҳо маънавий-адабий мерос бўлиб қолди.

Самариддин Сирожиддинов ҳаёт бўлганларида бу йил ўзларининг 80 ёшли таваллуд кунларини нишонлаётган бўлар эдилар. Афсуски, ижод гулшанида ижоди жўшиб, қалам тебратаёган дилнаво шоир ва драматургни орамиздан бевақт ўлим олиб кетди.

Таваллуд кунини муносабати билан биз шоир ва драматург Самариддин Сирожиддинов ҳақидаги қалб сўзларимизни изҳор этдик. Шоирлар ўлмайд, дейишади. Улар қолдирган бой адабий мерос: ўйноқи шеърлар, дилкаш ғазаллар у кишини барҳаёт эканликларидан далолатдир.

Амрилло Аҳмедов,

*Ўзбекистон Журналистлар уюшмаси
вилоят бўлими раиси, вилоят
телерадиокомпанияси директори*

Камтарин инсон, иқтидорли публицист

1981 йилда “Жиззах ҳақиқати” газетасидан Самарқанд вилоят телерадиоэшиттириш кўмитасига ишга келиб, радиомухбир сифатида фаолиятини бошлаган пайтлар эди. Кунларнинг бирида, телерадиоэшиттириш кўмитаси раиси Марди Нуриддинов хузурига чақириб қолди. Дарҳол қабулига бордим. Раҳбаримиз истараси иссиқ, юзида самимият балқиб турган бир киши билан суҳбатлашиб ўтирган экан.

–Самариддин ака Ёзувчилар уюшмаси вилоят бўлими раиси, забардаст ижодкор биласиз-а - дея Марди ака мен томон юзланди, –Ҳозир биз гаплашиб олдик. Самариддин ака ажойиб фикрларни билдирди. Шу фикрларни эшиттиришлар дастури учун ёзиб олсаларингиз яхши бўларди.

Самариддин Сирожиддинов ҳақида аввал ҳам эшитгандим. У кишини Ўзбекистон Ёзувчилар уюшмаси Самарқанд вилоят бўлимининг раҳбари сифатида билардим. Вақтли матбуотда тез-тез публицистик мақолалари, шеърлари чиқиб туришидан ҳам хабардор эдим. Бироқ, Самариддин Сирожиддинов билан ўша кунини биринчи бор учрашдим. Радиостудияда у киши билан суҳбатлашдик. Бу суҳбат магнит тасмасига туширилди. Ҳамон ёдимда, Самариддин ака чуқур мулоҳаза билан, жуда равон гапирди. Одатда радиомухбирлар бундай интервью ёки суҳбатларни мамнуният билан “монтажсиз” деб аташади.

Ўша “монтажсиз” суҳбатдан сўнг ҳамкасбларимдан С.Сирожиддинов ҳақида сўрадим. Маълум бўлишича, у киши 10 йилдан зиёд вақт давомида Каттақўрғон туманида чиқадиغان “Зарафшон” ҳамда “Ленин йўли” (ҳозирги “Зарафшон”) газеталарида адабий ходим, бўлим мудири, масъул котиб вазибаларида ишлаган экан.

Газетачилик ишларидан хабардор киши Самариддин аканинг таҳририятлардаги фаолияти қанчалик машаққатли эканлигини яхши билади. Лекин шу билан биргаликда, бу давр у

киши учун ўрганиш, тажриба орттириш, ижодда тобланиш йиллари бўлди. Самариддин аканинг кейинчалик нашр қилинган “Нурли уфқлар” очерклар тўплами орқали намоён бўлган маҳорат қирралари ажабмас ана шу йилларда жилоланган бўлса.

Самариддин Сирожиддиновнинг ҳаёти ва ижоди ҳар жиҳатдан биз ижодкорлар учун ибратлидир. У ҳақиқатдан журналист, публицист қандай бўлишини, ранг-баранг ва жўшқин ижоди билан кўрсата билди. Унинг 300 дан зиёд мақолалари, 30 га яқин публицистик асарлари, 50 дан ортиқ очерклари, 70 дан ортиқ илмий мақолалари фикримиз тасдиғидир. Энг муҳими, С.Сирожиддинов одамохун, камтарин ва самимий инсон сифатида кўпчиликда яхши таассуротлар қолдирди. Бундан у кишининг шогирдлари, фарзандлари, набиралари ҳар қанча фахрланса арзийди.



Ориф Гулханий таваллудининг 100 йиллиги муносабати билан мушоира ўтказилаяпти.

*Абдуазиз Хашимов,
журналист.*

Журналист, Поэт, Драматург

Минуло 25 лет с тех пор, как не стало журналиста, поэта, литератора, драматурга Самариддина Сирожиддинова в этом году ему исполнилось бы 80 лет.

Родился он в кишлаке Кичик-курпа Каттакурганского района. Трудиться начал в 1953 году. Работал в школе – преподавал родной язык и литературу. Затем, закончив заочное отделение филологического факультета СамГУ, надолго связал свою жизнь с журналистикой – газетой Каттакурганского района “Зарафшон” (ныне – “Каттакургон хакикати”), областной газетой “Ленин йули” (ныне – “Зарафшон”). Работал выпускающим, заведующим отделом, ответственным секретарем... С 1975 года и до конца своей жизни С.Сирожиддинов был ответственным секретарем Самаркандского областного отделения Союза писателей Узбекистана.

Жил и работал Самариддин Сирожиддинов очень напряженно и интересно. Шагнув однажды в мир поэзии, он сделал свою короткую жизнь духовно богаче и красивее. Поэзия была для него радостью и болью, бессонными ночами и счастливыми минутами озарения.

Он был журналистом, поэтом, ценил и хорошо разбирался в классической музыке. Писал искренне, своеобразно. Его многие работы как литератора были связаны с творчеством Абдулхамида Маджиди. Изучению его богатого творческого наследия он посвятил кандидатскую диссертацию, написал монографию “Абдулхамид Маджиди”. После смерти С.Сирожиддинова были опубликованы его сборники очерков (“Новые горизонты”) и стихов (Я в пути). Коллектив Каттакурганского уздрамтеатра поставил спектакль “Давр углони” (“Сын эпохи”) по пьесе С.Сирожиддинова.

Всего же им создано свыше 50 очерков, две документальные повести, более 70 литературоведческих статей. Его произведения публиковались в журналах “Новый мир”,

“Шарк юлдузи”, “Звезда Востока”.

С.Сирожиддинов охотно передавал знания и опыт молодежи, в своих материалах ярко и реалистично отражал кипучую жизнь нашей области, часто ездил по районам и встречался с людьми, поэтому хорошо знал многих жителей.

Он скончался на 55-м году жизни. В память о нем одна из улиц города Каттакургана названа его именем.



С.Сирожиддинов (ундан биринчи) “Зарафшон” (ҳозирги “Каттакўрғон ҳақиқати”) газетасининг масъул котиби. Ўтган аср 60-йилларининг боши.

Облоқул Усмонқулов, Самарқанд телеканали “Нуроний” студиясининг муҳаррири, Ўзбекистон Республикасида хизмат кўрсатган журналист.

Дўстим билан кечган унутилмас кунлар

Бу жаннати инсон билан дўстлашувимиз ўтган асрнинг 60-йиллари бошларида рўй берди. У пайтлари мен Самарқанд вилоят “Ленин йўли” (ҳозирги “Зарафшон”) газетаси муҳарририясида адабий ходим бўлиб эндигина иш бошлаган даврим эди. Самариддин Сирожиддинов эса Каттакўрғонда чиқадиган “Зарафшон” газетаси муҳарририясида фаолият кўрсатарди. Бир-биримизни газеталарда узлуксиз босилиб турган мақолаларимиз, репортаж, очеркларимиз, шеърларимиз орқали ғойибона таниган бўлсак-да, аммо ҳали юзма-юз учрашмаган эдик.

Кунларнинг бирида Тошкентдан “Қизил Ўзбекистон” (ҳозирги “Ўзбекистон овози”) газетасининг ходими Неъматжон Улуғжонов (охирати обод бўлсин унинг) Самарқандга хизмат сафарига келиб қолди. Менга у кишини Ўрта Осиё давлат университети (ҳозирги Миллий университет)нинг журналистика бўлимида ўқиб юрган талабалик йилларимда (1957-1962 йй.) курсдошим Маҳкам Маҳмудов “Менинг ҳамшаҳарим” деб таништирган эди. Ҳа, улар Андижондан Тошкентга келиб ўқишарди.

Неъматжон Улуғжонов “Қизил Ўзбекистон” газетасига Каттакўрғондан тушган бир аёл кишининг шикоятини юзасидан Самарқандга келган эди. “Ленин йўли” газетасига келиб мени топиб олди ва “Менга ҳамроҳ бўлиб Каттакўрғонга борасиз” деб қолди. Газета муҳаррири Лутфулла ака Ҳамроев (жойи жаннатдан бўлсин) рухсатини олди. Муҳаррир менга хизмат сафари варақасини тутқазар экан “Каттакўрғондан куруқ қайтманг, ўзимизнинг газета учун ҳам бирон нарса ёзиб келинг” деб шарт қўйди.

Мухбир халқига одат бўлиб қолган. Бирон жойга хизмат

сафарига борса, албатта, у ердаги ҳамкасбларини топиб ишга киришади. Биз ҳам Каттакўрғонга келиб, дастлаб туман газетаси “Зарафшон” ходимларига учрашдик. Газета муҳаррири Файзулла Нуруллаев, муҳаррир ўринбосари Муқим Элмуродов, масъул котиб Самариддин Сирожиддиновлар (қабрлари нурга тўлсин уларнинг) бизни илиқ кутиб олишди. Самариддин Сирожиддинов билан ўртамаздаги дўстлик ришталари ўшандан бошланган эди. Юз-кузидан меҳр нури балқиб турувчи бу беназир инсонни бир бора кўрган, унинг ширин гап-сўзларини эшитган киши “Фариштали инсон экан-а” деган фикрни албатта дилидан ўтказарди.

Шундай қилиб, Самарқандга Каттакўрғондан янги дўст орттириб қайтдим. Муҳарриримиз Лутфулла Ҳамроевга хизмат сафари тўғрисида ахборот берар эканман, Самариддин Сирожиддинов билан ҳаммуаллиф мақола ёзиб келганимни ҳам айтиб бердим. Жасоратли аёл тўғрисидаги бу мақола муҳаррирга маъқул тушди ва тез орада газета саҳифасини безади. Неъматжон Улуғжонов ҳам эри хўрлаб ташлаб кетган аёл қисмати ҳақида “Қизил Ўзбекистон” газетасига танқидий мақола ёзиб, унга ўзи билан бирга менинг ҳам имзомни кўйган эди.

Тез орада каттакўрғонлик ижодкор дўстимнинг бошига бахт куши кўниб, Самарқандга ишга келди. Энди у билан биргаликда бир муҳарририятда ишлаётганимиздан иккала мизнинг ҳам бошимиз осмонда эди. Самариддин Сирожиддинов муҳарририятнинг маъданият бўлимида адабий ходим бўлиб иш бошлади. Ўзини меҳнатда кўрсатиб, бўлим мудири бўлди. Муҳарририятнинг юраги ҳисобланган котибиятга ишга ўтиб, масъул котиблик қилди. Бу орада у местком (касаба уюшмаси) раислигига ҳам сайланиб, ходимларнинг оғирини енгил қила бошлади. Дўстим “Раисман”, деб ўз манфаатини кўзлаб тартиб-интизомни асло бузгани йўқ. Ўша йиллари ҳар бир ташкилотда уй-жойга эга бўлиш учун кишилар навбатда туришарди. Самариддин Сирожиддинов ҳам квартира берилишини икки йилча кутиб

юрди. Охири навбати келганда мен яшаб келаётган Самарқанд шаҳар, Мирзо Улуғбек кўчасидаги 101-уйдан бўшаган икки хонали квартирага кўчиб келди. Икки дўст кўшни бўлганимиздан ниҳоятда хурсанд эдик, чунки оилавий дўстлигимиз, бориш-келишимиз янада фаоллашди. Фарзандларимиз бир боғчада тарбияланиб, бир мактабда ўқишиб, дўст бўлиб кетишди.

Самариддин Сирожиддинов кўп йиллар икки хонали торгина квартирада етти нафар киши бўлиб яшаса-да, бу оилага узлуксиз меҳмонлар келиб туришарди. Лекин “Уй тор” деган гап бу оиладан асло чиққан эмас.

Падари бузрукворини ўглининг уйига меҳмон бўлиб келишини интиқиб кутардик, чунки дўстим, меҳмон келса, улар хузурига албатта бизларни таклиф қиларди. Асли касби кори ҳолвапаз бўлган бу мулла кишининг тили ҳам ҳолвадек ниҳоятда ширин эди. У кишидан ҳаёт ҳикматларини эшита бериб, маза қилардик. Дўстимнинг онаизори–волидаи муҳтарамаси ҳам кайвониликда отасидан ошиб тушарди. Каттакўрғон туманидаги собиқ “Пролетарий” колхозининг бош ҳисобчиси Эргаш ака ҳам бу оилага тез-тез меҳмонга келиб турарди. Оилага меҳмон келганида ошни албатта Самариддин Сирожиддиновнинг ўзи пиширарди. Уй бекаси Мукаррама келинойимизга эса бошқа хизматлар юкланарди. Дўстим пайариқлик ўқитувчи Сирожиддин Мусаевни, боғизоғонлик боғбон шоир Даврон Ҳамроевни (охирати обод бўлсин), чархинлик дўсти Шоди Мардиевни (қабри нурга тўлсин) соғиниб яшарди. Уларни уйига тез-тез таклиф этиб, шеърхонлик қиларди. Ўзи ҳам уларнинг уйларига тез-тез бориб турарди. “Меҳр кўзда” дея уларни ардоқлаб келарди.

Мен бу ёзаётган хотира–мақоламда Самариддин Сирожиддинов билан қандай дўст тутинганимни қисқагина баён этдим, холос. Эл назарга тушган бу аллома Ўзбекистон Ёзувчилар уюшмасининг Самарқанд вилоят бўлимида масъул котиб бўлиб ишлаб турган йиллари кўп хайрли ишларга бошқош бўлди. Қатагон қилинган Абдулҳамид Мажидийнинг ҳаёти ва ижоди ҳақида илгари бошлаган илмий ишларини

давом эттириб, унинг номини абадийлаштиришга сабабчи бўлди. Ҳозир Каттакўрғон театри унинг номи билан аталади.

Ҳа, инсон кўп йил яшагани билан эмас, қандай ҳаёт кечириши билан улуғланар экан. Дўстим Самариддин Сирожиддинов орамизда йўқ бўлса-да, ўзидан катта ёдгорликлар қолдириб кетди. Бу унинг қатор китоблари, уларга жамланган газал ва шеърларидир. Қолаверса, сон-саноксиз очерк ва публицистик мақолалари ҳамон севиб ўқилади. Энг муҳими беназир дўстим эл-юртига комил фарзандларни тарбиялаб бериб кетди. Бугунги кунда беш нафар баҳодир ўғиллари Анвар, Акмал, Шухрат, Ўктам ва Ҳотамжонлар оталарининг чироғини ёқиб, унинг ишларини давом эттириб келаётганликларидан биз дўстлари ниҳоятда хурсандмиз. Ҳаётлигида оталари улардан худди шуни кутган эди. Самарқанд давлат чет тиллар институтининг ректори, филология фанлари доктори, профессор Шухрат Сирожиддиновга атаб ёзган шеърини насиҳати бунга яққол мисолдир. Ҳа, ота рози - Худо рози дегани шу бўлса керак-да.

Мувашшаҳ

Шукурким, сен каби ўғлим-ғурурим бор бу оламда,
Сурурим осмон бўлғай сени ҳар эслаган дамда.


Улуғлар давраси сенга асрлар мунтазир эрди,
Кириб келдинг, алар завқин кўрарман ёнғучи шамда.

Ҳавас айлар эдинг Саъдий ва Ҳофизлар тариқатин,
Сиғин, хокини сурт кўзга, алар қўймас сени ғамда.

Рақиблар бўлса бўлсин кўп, вале ёлғиз эмас сен ҳам,
Кўриб жаҳду сабот сенда ёвузлар қолди мотамда.

Азиз фарзанд, ўзинг хушёр тутиб алпона меҳнат қил,
Этиб мен ифтихор, кўкрак керай ҳар тўю байрамда.

Тут, эй Сирожий, ўзни хуш, зафар кучгусидир ўғлинг,
Ва қолмас юк бўлиб бурчим менинг ҳам чўғли елкамда.



*С.Сирожиддинов ҳамкасби
О.Усмонқулов билан.
1960 йилларнинг ўрталари.*



*С.Сирожиддинов
шогирдлари Қ.Бердиев,
М.Шароповалар билан.
1970 йил.*

*Жамол Сирожиддин (Хумий)
Ўзбекистон Ёзувчилар
уюшмаси аъзоси, шоир.*

Мумтоз адабиёт билимдони

Ўтган асрнинг 70-80- йилларида Самарқанд адабиёт муҳитининг юксалишида Ёзувчилар уюшмаси Самарқанд вилоят бўлими масъул котиби Самариддин Сирожиддиновнинг ҳиссалари улкан. Адабиётшунос олим, арузнавис шоир Самариддин Сирожиддинов ўз атрофларига олиму-шоир, носиру-драманависларни, кўплаб ҳаваскор ижодкорларни жамлаб, тез-тез мушоира ва адабий учрашувлар ташкил этиб, халқаро адабий алоқаларни ривожлантириб, вилоятда адабий муҳит ўсишида ибратли хизматлар қилдилар.

Раҳматлик устоз, нозик даврнинг нозик қалбли шоири, мумтоз адабиёт билимдони, бағри кенг ташкилотчиси, ёшларнинг ғамхўр мураббийси эдилар. Вилоят таълим даргоҳларида устоз томонларидан уюштирилган кўплаб тадбирларда биз ака-ука Сирожиддиновлар иштирок этар эдик. Биримиз шеър айтсак, биримиз илму-нужум ва унинг бошқа илмларга таъсири ҳақида гапирар, Баҳодиржон эса учрашувга келган у ёки бу шоир шеърини шу заҳоти танбур билан замзама қилар эди.

-Баҳодир танбур, Икромиддин Холис, Жамолиддин Хумий менинг Камолиддин акамнинг ўғиллари. Жиян укаларим бўладилар, -дердилар ҳазиллашиб, фамилиямиз бирлигига ишора қилиб... Устознинг Каттақўрғонда, отамизни Самарқандда бошқа-бошқа Сирожиддинлардан таваллуд топганликларини билсак-да, бу ҳазил бизга ёқар эди.

Чег элларга радио эшиттиришлар берувчи “Ватандош” радиостанциясининг махсус муҳбири сифатида Тошкентдан

Самарқандга ҳар сафар ташриф буюрсам мен ҳам:

-Мулло амак, ассалому алайкум, мен келдим! -дея ҳозирги СТВ биносида жойлашган Ёзувчилар уюшмаси вилоят бўлимига кириб борар эдим. Устоз бағрини очиб пешвоз турар эдилар.

-Бу гал қандай эшиттиришлар тайёрлаш режаси билан келдингиз?

-Академик Воҳид Абдуллаев билан бир соатлик “Бугунги халқаро аҳвол” ҳақида суҳбат, “Шоҳназар отанинг матлаби” деган самарқандлик ўзбек зобити ҳақида радиоочерк, Самарқанд шоирлари Душан Файзий, сиз, Суръат Орипов, Абдулла Нисор шеърларидан намуналар тайёрлаб боришим керак.

-Яхши. Ҳозир бўлмаса, Воҳид Абдуллаевичга кўнғирок қилиб айтиб қўямиз. Э, у киши дарё. Дарё бўлгандаям азим дарё. Тўғри студияга кириб суҳбат қилайверасиз. - Шоирларнинг овозини қачон ёзиб олмақчисиз?

-Иложи бўлса, бугун. Тушдан кейин келсинлар.

-Яхши.

-Агар мумкин бўлса, сиз билан ҳозир суҳбатлашиб, шеърларингизни репортёримга ёзиб олсам...

1985 йил кузи чамамда. Қабулларига кирсам устоз машқлари паст, хорғин киёфада ўтирибдилар. Салом-аликдан сўнг, сабабини сўрадим.

- Ўғлим Шухратжон, Афғонистонда. Кўпдан бери хат-хабар олмаяпмиз. У хизмат қилаётган манзилга хатларимиз етиб бормаяпти, шекилли!? Шу сизларнинг “Ватандош” радиостанцияларингиз орқали ўғлимга дуои салом йўлласам, эшитармикин?

-Эшитишади. Тингловчиларимиздан кўплаб хатлар олиб турамиз,-дедим мен. Бизда таҳсил олаётган афғонистонлик талабалар бундай имкониятдан фойдаланиб келмоқда.

-Унда, менга бир кун фурсат берсангиз. Эртага шу вақтда кўришсак.

-Майлингиз. Мен режадаги бошқа ишлар билан машгул бўлиб тураман.

...Эртаси куни Самариддин ака мени хушнуд кайфиятда кутиб олдилар. Устозимиз тортмасидан қизил сактиён жилдли папка оладиларда, машинкаланган қоғозлардан саралаб, ҳазин овозда газаллар ўқий бошладилар:

*...Маънисиз дунё не ҳожат, бир келиб-кетмоқми бахт?!
Саргаранг бўлмай, мени аҳли жаҳонарога қўш.
Зарра-зарра сингдириб бор дилга олам меҳрини
Асра шумлардан ва, лекин, яхшию аълога қўш.
Не учунким аҳли доно бирла дунё баркамол,
Баркамолликни насиб эт, истагим ижрога қўш...*

Устоз берилиб газал ўқийдилар. Мен эсам тинглаб, цензурадан ўтказиш мумкин бўлган газалларни ичимда саралайман... “Ўғлим, жигарбандим Шухратжонга мактуб” деб номланган эшиттиришни бирга тайёрладик. Фарб радиостанциялари афғонистондаги аскарларимизга нисбатан “қишлоқи, камбағал ва оми одамларнинг нодон фарзандлари” деб сингдириб келаётган фикрга қарши ўзбекнинг таниқли зиёлисининг бу “изҳори ҳол” чиқиши таҳририятда юқори баҳоланди.

Эшиттиришни тайёрлаган каминага 35 рубл, матн муаллифига 50 рубл қалам ҳақи беришди. Хорижий элларга эшиттириш берувчи радиостанцияларнинг ҳафталик умум йиғилишида “Ҳафтанинг энг таъсирчан эшиттириши” деб олқашди. “Ғафур Гуломнинг “Соғиниш” шеъри даражасидаги чиқиш бўпти”, -деб ташхис қўйишди.

*Омонбой Йўлдошев, Ўзбекистон
Журналистлари уюшмаси аъзоси,
“Шухрат” медали соҳиби.*

Кўнгил уйини кенг қилиб яшаган инсон

Бир инсоннинг ўзгалардан улуғлигини, унинг яхши сўзидан, яхши нияти-ю, яхшилик умидида яшашидан билса бўлади. Узоқ йиллар бирга ишлаб, ҳамиша маслакдош, туғишган ака-укадек қадрдон бўлиб кетган, мени тетапоя қилган, йиқилганимда суяган, юрганимда йўлдош бўлган, қувонганимда қувониб, ўзимдан ҳам, ўзидан ҳам кўпроқ ардоқлаган устозим, адабиётшунос олим, филология фанлари номзоди Самариддин ака Сирожиддиновнинг бахтли кунларини эслатувчи суратлар тахламини кўздан кечирарканман, “Эй, воҳ, ҳаммаси худди бир лаҳзада юз бергандек, бу шамолли йиллар аёзи, жазирама йиллар оташи билан бу инсонни эрта тортиб олган-у”, деб ўйга толдим, устоз ҳақидаги хотираларим жонлангандек бўлди.

Дарҳақиқат, инсон умри давомида қандай ишларни амалга ошириши аввало унинг ниятига, ўз олдига қўйган мақсадига боғлиқ экан. Самариддин ака умрининг бирон дақиқасини ҳам бесамар ўтказмади. Эл-юрт фаровонлиги йўлида тиним билмади, хайрли ишлари, жамоатчилик орасидаги фаолияти ҳамда яхши фазилатлари билан халқ кўнглида муҳрланиб қолди. Яратувчанлик ишларининг олдинги сафларида бўлишга интилди, Айниқса, унинг иш тутуми бошқаларникидан фарқ қиларди десам, муболаға бўлмас. Кўнгина масалаларни у зукколиги, ҳозиржавоблиги, теран мулоҳазалилиги билан тезда ҳал қиларди. Устоз ҳар қандай даврага “жон” бағишловчи, ўзининг дил торини ҳамиша яхши суҳбатларга “созлаб” юрадиган нозик таъб инсон эдилар. Очiq кўнгил, беғубор суҳбатлари давраларидагиларга хуш ёқарди. Самимийлик, ҳозиржавоблик, топқирлик, у кишининг яхши ҳислатларидан бўлиб, бошқаларнинг уриниб-чираниб бажара олмаган ишини бир оғиз чиройли гап

билан ҳал қилиб юборарди.

Устоз “Яхши феъл билан одамлар кўнглини олиб, ўзингизни ёмон қилиқлардан сақлаб яшанг” деган ўғитни бот-бот такрорларди.

С.Сирожиддиновнинг туманлараро чиқадиган Каттақўрғон “Зарафшон”, вилоят “Ленин йўли (ҳозирги Зарафшон)” газеталарида маъсул котиб лавозимларида ишлаган ҳамда Ўзбекистон Ёзувчилар Уюшмаси Самарқанд вилоят бўлимини бошқарган кезларидаги салоҳияти, унинг қаламига мансуб илмий мақолалари ўта долзарблиги, пурмаъно шеър-газаллари, очерк репортажлари, танқидли мавзудаги чиқишлари ранг-баранглиги билан кўпчилик эътиборини қозонди.

Самариддин ака том маънода сабри тоғдек залворли, бардоши эса метиндан ҳам мустаҳкам инсон эди. У ўзига ўзи суянч бўлди. “Ўзимга ўзим суянч бўлиш учун керакман” деган мақсад билан яшади.

Эсимда, у киши қай ҳолатда бўлмасин, қуйида ота мерос қолган бир гапни бот-бот такрорлашни яхши кўрарди.

“Эй, иним, руҳи оч инсоннинг бу дунёда умр кечирмоғи оғир, жуда оғир. Мол-мулки ҳадсиз, ҳисобсиз, аммо руҳи оч бўлади. Ундай инсон баъзан ҳолатига тушунмайди, ўйга толади. Менга яна нима етишмайди? –дея ўзига ўзи савол беради. Савол беришга беради-ю, аммо жавоб тополмайди. Бу ожиз банда биладикки, бойликда ҳеч қандай улуғворлик йўқдир. Бойлик сокиндай кўринган денгиз узра қурилган бир қасрдир. Денгиз бир чайқалса борми, қасрдан ном-нишон ҳам қолмас.”

Устоз ҳавойи нафсга қул бўлиб, умр қирларида беҳаловат бойлик ортидан югурмади, моли борнинг молига, пули кўпнинг пулига, мансабдорнинг амал курсисига ҳасад қилмади. Аксинча, доимо яхши маънодаги ҳавас билан яшади. Ҳаётининг қадрини, одамгарчиликни ҳамма нарсадан устун қўйди. Ўзидан бой илмий-ижодий мерос, она-Ватан хизматига камарбаста солиҳ фарзандлар қолдирди. Ўнлаб шогирдларга устозлик қилди. Уларга оталарча меҳр кўрсатиб,

ҳам сирдош, ҳам елкадош бўлди. Ҳамкасбларига елкама-елка туриб, керакли маслаҳатларини аямади. Очигини айтганда, муомала бобида Самариддин акага тенг келадигани йўқ эди, гаплашган сайин гаплашгинг келарди.

Рости, яхши одамларнинг қадри кўпинча, улар бу дунёни тарк этганларидан кейингина билинаркан. Ана шунда инсон ҳаётининг кўздаги ёшдек омонат эканлигидан ўкинамитиз, изтироб чекамиз. Начора! Беихтиёр, тирикликнинг буюк бир ҳикмат эканлигини тан оламиз. Шу баробарида қаноатни, сабр-тоқатни, одамгарчилик ва шукроналикни бир умрга биз шогирдларга мерос қилиб қолдирган мўътабар устозимизнинг илгари ўзимиз ҳам билмаган ёки билсак-да, яхши эътибор бермаган қирраларини қайта-қайта кашф этгандай бўламиз.

Самариддин аканинг яна бир хислати шундай эдики, фидойи инсонларни, содиқ дўстларни, уларнинг ибрат олса арзийдиган жиҳатларини ниҳоятда қадрларди.

“Бир-бирингизга суяниб ишланглар, ўзаро маслаҳатлашинглар, бир-бирингизга меҳрибон, ҳамкор, ҳамдард бўлинглар. Бунинг хосияти каттадир” дердилар. Тақдирни қарангки, мен ҳам устоз ёнида юриб, у бўлган давраларда ўтириб, дунё кўрган одамларнинг даврасида бўлиб, кам бўлмадим. 35 йилдирки устоз изидан бориб туман ва вилоят газеталари ҳамда Самарқанд вилоят телерадиокомпаниясида ишладим. Энди билсам, ана шу фариштасифат одам мен учун чин маънодаги кўнгили уйини кенг қилиб яшаган инсон тимсолига айланган экан. Ўз умри давомида кўп булутли ва қуёшли кунларни кўрган табаррук устозимизнинг ҳаёт ва ижод йўлини кўз ўнгимдан ўтказар эканман, унинг эзгу ва хайрли ишлари ҳаммамиз, фарзандлари-ю, биз шогирдлар учун бир сабоқдир, дегим келади.

*Менга ёр, гулгун диёр ҳам дўсти содиқ бўлса бас,
Бу Сирожийнинг бўлак орзуси йўқ, армони йўқ.*

*Адҳам Ҳайитов, Тугалбой Музаффаров,
Ўзбекистон Журналистлари уюшмаси
аъзолари.*

Бизнинг Самариддин ака

Шундай чехралар бўлади-ки, уларни ҳар доим эслаб юришга улар билан ғойибона суҳбатлашишга ҳаракат қиласиз. Таҳририятга, аниқроғи, “Ленин йўли” (ҳозирги “Зарафшон”) газетасига 1962 йилда келган Самариддин Сирожиддинов ҳам ана шундай дилга яқин, суҳбати ширин, ёниқ чехралилар сирасига кирадиган ҳамкасблардан бири эди.

Биз Самариддин акадан сал кейинроқ, чамаси ўн-ўн бир йиллардан сўнг бу кутлуғ даргоҳга қадам қўйганмиз. Ўшанда иккаламиз ҳам таҳририятнинг энг қайноқ нуқтаси ҳисобланмиш – корректура деган “участка”да меҳнат қилардик. Корректура - газета саҳифаларига жойланадиган мақолалар ҳижжалаб ўқиб чиқиладиган, имло ва жумла тузилишда юз берадиган хатоларни тўғрилайдиган, хуллас, газетанинг ўзига хос “сарҳади” ҳисобланарди. Эрталабдан тонг отгунга қадар (ўша пайтларда босмаҳона билан боғлиқ иш жараёнлари деярли қўл кучи билан бажариларди) чўзиладиган иш газетачи бўламан, деган ҳавасманд ёшларни чиниқтирадиган, қайрайдиган бир мактаб ҳам эди. Бу вазифада таҳририятда ишлайдиган ҳар бир ходимнинг кимлиги, савияси, қобиляти, қалами қандайлиги ойнадек равшан бўларди.

Шубҳасиз, “Самариддин Сирожиддинов” деган имзо қўйилган мақола, лавҳа, очерклар деярли ҳар куни кўз ўнгимиздан ўтарди. Ўшанда биз (тўрт нафар мусаҳҳих ва бир нафар дастёр) мақолаларни озми-кўпми, ўзимизга яраша таҳлил қилардик. Самариддин Сирожиддиновга очиги, ҳавасимиз келарди. Ёзган мақолалари нуқта, вергулигача жой-жойида бўларди.

Биз – биримиз бўлимга, иккинчимиз котибиятга ишга

ўтгач. Самариддин акани янада чуқурроқ билдик. У киши таҳририят ходимлари орасида зукко, оқил ва хушмуомалалиги билан ажралиб туришини ҳис этдик. Бўлим мудир, масъул котиб бўлиб ишлаган кезларда Самариддин ака, айниқса, ёшларга эътиборли бўларди. Уларнинг даврасида юришни ёқтирарди. Кези келганда жойларга тўй-тадбирларга чиққанимизда шеър айтар, гоҳида шўх қўшиқ, лапарлар хиргойи қилиб даврага шукуҳ киритарди.

Келинг, Самариддин Сирожиддиновнинг фаолияти хусусида бошидан бошлаб қолайлик.

Бугун ўзининг кутлуғ юз ёшини нишонлашга чоғланган “Зарафшон” газетаси салкам бир аср мобайнида нафақат самарқандлик, балки фарғоналик, бухоролик, сурхондарёлик, кашқадарёлик ижодкорлар учун ҳам маҳорат ва сабоқ мактаби бўлиб келмоқда. Зотан, Жиззахдан етишиб чиққан атоқли давлат арбоби Шароф Рашидов, академик Воҳид Абдулла, Ўзбекистон Халқ шоири, кашқадарёлик Нормурод Нарзуллаев, Фарғона Афандиси сифатида ҳажв оламида танилган ёзувчи Адҳам Ҳамдам, кейинчалик Сурхондарё вилоят газетаси муҳаррири вазифасида самарали фаолият кўрсатган Теша Сайдалиев, шунингдек, турли вилоятлардан Тожи Одилов, Малик Наврўзов, Насим Нориев, Тўлқин Рустамов каби журналист ва адиблар ана шу табаррук даргоҳда қаламларини чархлаб, воҳамизда ўз соҳаларининг пешравлари бўлдилар.

60-йилларда таҳририят Аҳмаджон Мухторов, Отахон Хўжаев, Манноп Нажмиддинов, Октябр Жавлонов, Марди Нуриддинов, Қудратилла Мизомов, Очил Тўйчиев, Суръат Орипов, Тельман Раҳматов, Бобокул Имомов, Абдурахим Солиев, Нусрат Раҳмат, Шоди Мардиев, Матлаб Эрмухаммедова, Хожиқурбон Ҳамидзода, Самариддин Сирожиддинов, Исо Абдурахмонов, Мамараҳим Мардиев каби журналистлар учун бағрини кенг очди, уларнинг иқтидорини товланишида олтин бешик ролини ўтади.

Каттақўрғон адабий муҳитига тетапоя қадамлар билан кириб келаётган Самариддин Сирожиддинов ҳам вилоят

марказига кўчиб ўтгач, зарафшончилар сафига кўшилди. Дастлаб адабий ходим, кейинчалик бўлим мудури ва масъул котиб вазибаларида самарали фаолият кўрсатиши билан бирга, Асад Дилмуродов, Абдурашид Абдурахмонов, Фармон Тошев, Хосият Бобомуродова, Эркин Азаматов, Жамол Турсунов, Нуриддин Бегалиев, Бекмурод Йўлдошев, Аюб Файзиев сингари ёш қаламкашларга мақола, лавҳа, очерклар ёзиш санъатини ўргатди. Айниқса, масъул котиб лавозимида меҳнат қилган пайтлари Замира Раҳматова, Ҳафиз Ҳожиев, Азиз Боғиров, Толиб Раҳимов, Маърифат Исмоилова сингари мусахҳиҳ ва техник ходимларга газета саҳифалари тарҳини тузиш, келгуси сонлар хомаки нусхасини ўқишда имло қоидаларига оғишмай риоя этиш юзасидан қимматли маслаҳатлар берди.

– Газета саҳифасида ўтиб кетган ҳар битта хато - таҳририят ходимининг юзига келиб тушган битта шапалок билан баравар, - дер эди раҳматлик Самариддин ака. - Биз муштарийларни саводхонликка ўргатадиган муаллим ҳаммиз. Сарлавҳалар жарангдор бўлиши, газетхон диққатини тортадиган ёрқин ҳарфларда терилиши, турли жанрлардаги мақолалар, шунингдек суратлар жойлаштирилишига алоҳида аҳамият бериш зарур. Акс ҳолда, муҳим материал иккинчи планга ўтиб қолиши, унчалик муҳим бўлмаган ахборот йирик ҳарфларда, бўрттириб берилиши каби ҳолатлар юзага келадик, бу газетхонни чалғитади, ўқиганларини “ҳазм қилиши”ни қийинлаштиради.

Самариддин Сирожиддиновни сўз санъатининг заргарига қиёсласак, ҳақимиз кетмайди. Ўзбекистон Ёзувчилар уюшмаси вилоят бўлимининг масъул котиби сифатида у каттақўрғонлик Холис, Мирий каби мумтоз шоирлар ижодини миридан-сиригача билишидан ташқари, ўзи ҳам илм билан жиддий шуғулланиб, 70-йилларда филология фанлари номзоди илмий даражасига эришганди. Самарқанд давлат университети филология факультетида профессор Нуриддин Шукуров раҳбарлигида ташкил этилган “Шалола” адабий тўғарагида Омон Матжон, Уллибиби Отаева, Қамбар Ўтаев,

Самижон Салимов, Машраб Бобоев сингари бошловчи шоирлар даврасида адабиёт назариясидан баҳс юритганлари, бисотидаги дилтортар ғазалларини шавқ билан уларга ўқиб берганлари кўз ўнгимизда кечагидек гавдаланиб турибди.

Самариддин Сирожиддинов журналистлик, шоирлик ва олимликни ўзида уйғунлаштирган хассос қалбли инсон эди. Жамоа орасида самимийлиги, оилапарварлиги, ҳозиржавоблиги билан ажралиб турарди. Юқорида номлари тилга олинган шалолачиларнинг республика адабий муҳитида ўзига хос ўрин тутишида унинг хизматлари катта. Ушбу сатрлар муаллифлари ҳам бадиий ижод соҳасида эришган барча муваффақиятлари учун ўзларини Самариддин акадан бир умрга қарздор ҳисоблайдилар.

Ҳа, бизнинг Самариддин акаemiz ана шундай газетабоп, салоҳиятли ижодкор эди.



“Зарафшон” газетасида бош муҳаррир бўлиб ишлаган профессор Нуриддин Шукуров тезкор йиғилиш ўтказаяпти.

Сирожиддин Мусаев. Ўзбекистон халқ таълими аълочиси, меҳнат фахрийси, Пайариқ тумани

Кечиккан дил изҳори

Ўтган асрнинг 60-йиллари. Саратон. Камина хаста ҳолда тўшакда ётибман. Волидамиз сархил мевалардан олдимга кўйиб, чой дамлагани чиқиб кетди. Анча вақт ўтди. Чойдан дарак йўқ. Бир вақт онам ва бир эркакнинг говур-губурлари эшитилди. Таниш овозга ўхшади...

Хонамга вилоят газетаси – “Ленин йўли” (ҳозирги “Зарафшон”) газетасининг маданият бўлими мудирин Самариддин Сирожиддинов ва газетанинг маъсул котиби Облоқул Усмонқулов кириб келишди.

-Ассалому алайкум, дўстим. Э-э, кўзгалманг, - деди Сирожиддинов елкамдан босиб, - Қачондан буён ётибсиз? Хабар ҳам бермайсиз?

-Унчалик ҳам ваҳимали жойи йўқ, - жавоб бердим.

-Хизмат, юзасидан туманга келиб, таҳририятга кирган эдик. Бетоблигингизни эшитиб қолдик, - деди Облоқул Усмонқулов.

-Йўқлаб келганларингиз учун раҳмат, дўстларим, - миннатдорчилик билдирдим мен. - Нима бўлди сизга, Самариддин? Қошу сочларингиз...

-Ҳеч нарса, - деди у қош-кўзларини ишқаларкан.

-Сув сепганда, олов лоп этиб юзига урди, - изоҳ берди Усмонқулов. -Хайриятки, юзига зиён етмади.

-Қаерда? Қачон? Жиддийга ўхшайди.

Шу пайт юзи девордай оқариб ўзини ололмаётган турган онам титраб деди:

-Шу ерда! Ҳозир бўлди. Ҳозиргина болам... Чой дамлагани чиқсам, не кўз билан кўрайки, ошхонани девор ўрнида тўсиб турган шол ёнапти. Шамолда шол учи электр печга тегиб олов олибди. Кўрқиб кетдим. Сени чақирай, десам, ётибсан. Келин ишда. Болалар кўчага чиқиб кетган.

Кучли шамол таъсиридан доғлаш учун оқ мой солинган қозон остидаги олов ловуллаб ёнапти. Нима?!

Нима қилай? Кўлимга супурги илиниб, у билан шолдаги оловни уриб ўчирмоқчи бўлаяпман. Аммо, урганим сайин олов кучайиб, юқорига ўрмалайверди. Шифтга етганида борми!..

Қозондаги мой лоп этиб ёнса нима бўлади? Ҳатто, қафтларим билан уриб оловни ўчирмоқчи бўлдим. Аммо, ҳолсизланиб йиқилиб қолдим. Бутун вужудимни даҳшат қоплади. “Куйиб адо бўлаамизми-а? Ўз паноҳингда асрагин яратган, Эгам!” деб Аллоҳга илтижо қилдим. Барака топқур дўстларинг келиб ҳаётимизни сақлаб қолишди. Илтижомни инобатга келтирган Оллоҳга минг бора шукур...

Кейинчалик билсам, Сирожиддинов бир челақ сув билан қозон остидаги оловни ўчирибди. Сочи, қоши ва киприкларининг куйиши шундан экан. Усмонқулов эса бор кучи билан шолни тортиб, ерга туширган. Устига тупроқ ташлаб ёнгинни тиндирибди. Онам миннатдорчилик юзасидан халоскор журналистларга биттадан тўн ва дўппи тортиқ қилмоқчи бўлди.

-Нима қилаяпсиз, онажон? - эътироз билдирди Сирожиддинов. -Олтиндан қиммат дуоингизнинг ўзи қифоя.


Она адоғи йўқ эзгуликларни тилаб узундан-узоқ дуо ўкиди.

“Бировга яхшилик қилсанг унут, биров сенга яхшилик қилса, ёдингга сақла”, деган ҳикмат бор. Камтарин журналистлар қилган яхшиликларини унутган бўлсалар керак. Бу ҳақда улар бирор марта ҳам оғиз очишмаган. Камина эса унутганим йўқ. Ҳар эслаганимда, юрагим орқага тортиб кетади. Ахир, улар келиб қолишмаганида, уйимиз ҳам, қўшниларнинг туташ иморатлари ҳам, умр бўйи йиққан мол-мулкларини ҳам куйиб адо бўларди. Ёнгинни ўчиришга уринганлар эса, ҳатто қурбон бўлишлари ҳам мумкин эди. Онамиз шу воқеадан сўнг икки йил ўтгач, 61 ёшда юрак хуружидан дунёни тарк этди. Худо ўз раҳматига олсин.

Кў-ў-ўп йиллар ўтди. Ўзбекистон Ёзувчилар уюшмаси

Самарқанд бўлими раиси Самариддин Сирожиддинов иш кабинетига оламдан кўз юмди. Облокул Усмонкулов эса вилоят радиоси муҳаррири, республика радиосининг Самарқанд вилояти бўйича мухбири бўлиб ишлади. Ҳозир нафақада.

Кўнглимда фақат бир армон кезади - йиллар армони. Нега мени ўша кезларда бу камтарин, инсонпарвар инсонларга газета орқали ўз миннатдорчилигимни изҳор қилмадим? Минг бора афсус! Садоқатли халоскор дўстларимдан кечиккан дил изҳоримни қабул қилишларини сўрайман. Аллоҳ Самариддиннинг жойини жаннатдан ато этсин. Қабри ислом нури билан чароғон бўлсин. Облокулга эса Зарафшон умридек боқий умр ва фаровон ҳаёт тилайман.



С.Сирожиддинов СамДУда бирга ўқиган дўстлари билан. Биринчи қатордагилар (чапдан ўнга) С.Мусаев, С.Сирожиддинов

*Илтимосим, ранжитиб, қилма Сирожийни унут,
Бўлмагай ундан бўлак мақбулгина сирдошгинанг.*

*Нуриддин Бегалиев,
филология фанлари номзоди,
доцент.*

Самимий, очик кўнгил киши эди

Ўтган асрнинг 70-йилларида Самарқанд журналистларининг ўзига хос мактаби яратилган бўлиб, бу воқелик кўзга кўринган қалам соҳиблари Суръат Орипов, Самариддин Сирожиддинов, Тельман Раҳматов, Аҳмаджон Мухторов, Нормурод Нарзуллаев, Ҳожикурбон Суғдий ва бошқаларнинг саъй-ҳаракатлари, машаққатли меҳнатлари натижасида шаклланган эди.

Бу даврда “Зарафшон” (собик “Ленин йўли”) энг севимли газеталардан бири сифатида шуҳрат топган, бунда албатта, ушбу газетада меҳнат қилаётганларнинг хизмати катта эди. Ўша пайтларда таҳририятга ишга келган ёшлар учун анча тажрибали журналистлар аллақандай салобатли, намунали кишилар сифатида кўринар ва бу ҳолат менга ҳам шундай туйилган эди. Шунинг учун бўлса керак, Самариддин ака ёки Тельман ака қаламидан чиққан публицистик мақола, шеър мен учун ҳам мукамал туюлар, улардан баҳра олар эдим.

Газетада журналистлар кўп бўлиб, хаёлимда улардан айримларининг бир-бири билан дўстлиги анча жипс Самариддин ака, Суръат ака, Тельман Раҳматов ва бошқалар орасидаги муносабатда яққол сезилиб турарди. Баъзан тунлик пайтида ёки шахмат ўйинида бу ҳолат кўзга ташланарди. Мазкур дўстларнинг ҳар бири бир олам эди. Аммо, Самариддин акадаги очик кўнгиллик, одамийлик, кишилар билан самимий муносабатда бўлиш у кишини бошқалардан фарқлаб турувчи фазилати эди, десам, хато қилмаган бўламан.

Мен бу даврда газетада ишлаш жараёнида мақола ёзиш, таржима қилиш каби кўникмаларни ўзим ишлаган

жамоа аъзолари хизматлари туфайли шакллантирдим. Мендаги журналистик маҳоратнинг тарбияланишида газетада ишлаётган ижодкорлар қаторида Самариддин аканинг хизмати каттадир.

Самариддин аканинг журналистик фаолияти унинг шоир, олим сифатидаги қирралари билан ҳамоҳанг эди. У кишининг Абдулҳамид Мажидий асарларини нашрга тайёрлаши бу машҳур шоир, ҳикоянавис ва адабиётшунос олимнинг номини абадийлаштиришда катта аҳамиятга эга бўлди. Самариддин аканинг илмий изланишлари у кишининг филология фанлари номзоди сифатидаги ҳимоя иши билан якунланди. Шуниси эътиборга лойиқ-ки, Самариддин аканинг қаламдошларидан Тельман Раҳматов филология фанлари номзоди унвонига сазовор бўлган бўлса, Нормурод Нарзуллаев республиканинг машҳур шоири сифатида элга танилди. Биз бу фикрни Самариддин ака ва у киши атрофидаги кишилар қай даражада мўътабар бўлганликларини таъкидлаш учун келтирдик.

Яхши кишиларнинг номи ҳамма вақт яхши сўзлар билан тилга олинади, дейди халқимиз. Самариддин ака ҳақида гап кетар экан, энг аввало самимий, очиқ кўнгил, ижод аҳли орасида катта обрўга эга бўлган киши кўз ўнгимизга келади. Қизиғи шундаки, мен Самариддин ака исмини тилга олсам, Абдулҳамид Мажидий номи ҳам эсимга тушаверади. Бу икки олим номи синонимдек туйилаверади. Бунга сабаб Самариддин аканинг бу улуғ киши ҳақида илмий иш қилганлиги бўлса керак. Демак, улуғларни улуғлаган шахс ўзи ҳам улуғлар қаторига кириши табиийдир. Биз бунини Самариддин ака сиймосида кўриб турибмиз.

*Ҳамида Каримова,
Ўзбекистон Ёзувчилар
уюшмаси аъзоси, шоира.*

Халқ хизматидаги инсон эди

Самариддин Сирожиiddинов билан бир неча йил бирга ишлаганмиз, мен Ёзувчилар уюшмаси Самарқанд вилоят бўлими қошида адабий консультант бўлиб ишладим. Ёш шоир ва ёзувчиларни уюштириб, улар учун семинарлар ўтказиш, уларнинг ижод намуналарини ўқиб, муҳокама қилиш ва энг арзийдиганларини аввал матбуотда, кейинчалик алоҳида тўплам қилиб чиқаришга ёрдамлашиш, меҳнаткашлар хузурига бориб, учрашувлар ўтказиш каби ишларда ёрдамлашардим.

Бундан ташқари, у пайт бутун собиқ Иттифоқдан кўзга кўринган, машҳур ёзувчилар Самарқандга келиб турар эди. Тарихий ёдгорликлар билан таништириш, катта-катта корхоналар жамоаси билан уларни учраштириш, асар намуналари билан уларни таништириш тез-тез бўлиб турарди. Л.И.Брежневнинг яқин дўсти, Вадим Кожевников, Иттифоқда ўз лирик шеърлари билан машҳур Степан Шчипачёв, Римма Казакова, Светлана Кузнецова, қозоқ, украин, қирғиз, тожик ва бошқа тилларда ижод қилиб, шеърпарастларнинг кўнглидан жой олган жуда кўп ажойиб ижодкорлар келиб турарди. Бу учрашувларда, албатта, Самариддин ака ҳам иштирок этардилар.

Бир куни Самарқандга таниқли ҳажвчи шоир, “Муштум” журнали муҳаррир ўринбосари Олим Кўчқорбеков келиб қолдилар. Олим ака Самариддин аканинг жонажон ўртоғи эди. Ўшанда режа бўйича Бош почта жамоаси билан учрашув ўтказиш керак экан. Учинчи навбатда менга сўз берилди. Икки жумла гап билан тингловчиларни кулдириб олдим. Зал жим-жит бўлиб қолди. Кейин русча, ўзбекча шеърлар ўқидим. Одамлар

хурсанд бўлиб кетди. Ёзувчилар уюшмаси ҳақида берилган саволларга ҳам жавоб бердим. Ҳамма гуллар, ҳамма қарсақлар уюшманики бўлди.

Учрашувдан кейин Самариддин ака:

-Э, раҳмаг-е, тузук экансиз-ку! Мактабни русча битирганмисиз?-дедилар.

-Йўқ, мактабда ҳам, СамДУда ҳам ўзбекча ўқиганман,- дедим.

Уюшмага келгунча ҳазил-мутойиба қилиб, йўлда гаплашиб келдик.

-Ҳамидахон!

-Лаббай!-дедим.

-Рус тилида “қоп-қора” сўзининг орттирма даражаси нима бўлади?

-Чернейший ёки очень чёрный,-дедим.

-Билмас экансиз, -дедилар Самариддин ака. Мен ҳайрон бўлиб турсам:

-Чоп-чёрный бўлади!-дедилар.

Ҳаммамиз кулдик. Албатта, бу кулдириш учун айтилган гап эди.

Самариддин ака аслида хушфезъл, ҳазилкаш, мулойим одам эдилар. Шоир, журналист сифатида ёзган асарлари тез-тез матбуотда чиқиб турарди. У киши ҳамиша халқ хизматида эдилар.

Ёзган янги газалларини бизларга ўқиб бериб, фикримизни сўрар эдилар. Биз ҳам очик-ойдин камчиликларини юзларига айтардик, хафа бўлмасдилар. Лекин бу уч йил ичида не-не забардаст шоир-ёзувчилар билан учрашиш, улар билан танишиш, адабий муҳокамалар менга жуда катта дарс бўлди, десам, лоф бўлмайди.

Самариддин ака, афсуски, оламдан эрта ўтиб кетдилар, охиратлари обод бўлсин, гўрлари гулу-райҳонларга тўлсин. Шу кишининг қолган умрларини азизларига берган бўлсин, ё Оллоҳ.

Мен сизни сўрадим... (С.Сирожиддинов хотирасига)

*Мен Сизни сўрадим, топмадим аммо,
Ҳақиқий уйингизга кетдингизми, ака?
Сиз билан кўришиши энди муаммо,
Бу очун ишлари баъзан шунақа.
Ўша дамда кўзга ҳеч не кўринмас,
На уйу ишингиз ва на бу дунё.
Осонгина қўл силтаб, унутасиз, бас,
Ўйлаб қарасангиз, дунё – бевафо.
Улфатлар давраси мунгайиб қолди,
Сиз севган “Муножот” сел бўлиб оқар,
Куй бутун вужудим эгаллаб олди,
Роҳат огушида эритиб, ёқар.
Энди уйқудасиз, уйқунгиз қаттиқ,
Сизга малойишлар алла айтдимми?
Ғам булутни босган уйни беҳадик,
Кўз ёшларин селдай тўкиб қайтдимми?
Оқара бошлаган чакка сочингиз,
Чарчоқ билинади кўзларингизда.
Илоҳий куй янграр, кўзни очингиз,
Жаннат субҳи нурли изларингизда.
Китоблар жовонда саф тортиб турар,
Маънавий чашмадан тутмоқчи зилол.
Мусиқа йиғлайди, кўксига урар,
Кўкдан жим боқади замгин, ёш ҳилол.
Дийдор қиёматга қолди-да, эсиз,
Бугун Сизни эслаб, ашъор битамиз.
Чин дунёда Сиз-у, ёлғонида биз,
Кўнгиш маъвосида танҳо фақат Сиз.*



Пошали Усмон, таржимон.

Дилкаш ва меҳрибон инсон эди

Самариддин ака билан 70-йилларда “Ленин йўли” (ҳозирги “Зарафшон”) газетаси таҳририятида танишган эдим. Кейинчалик тез-тез учрашадиган бўлдик. Самариддин ака оддийлиги, самимийлиги, вазмин ва босиқ овози билан кишиларни дарҳол ўзига ром эта оларди, у кишига суҳбатдош бўлган одам ўзини эркин сезар, фикрини тортинмасдан, истиҳола қилмасдан баён эта оларди.

Самариддин ака муҳарририятда бўлим мудир, маъсул котиб сифатида фаолият олиб борган йилларида ҳам ҳеч кимни ранжитмасди, бўлғуси журналистларга оқилона маслаҳатлар берар, уларнинг ҳузуридан чиқаётган киши ўзида қандайдир қониқиш ҳосил қиларди.

Самариддин ака фақат етук журналистгина эмас, балки етук олим ҳам эди. У киши Каттакўрган драма театрининг асосчиларидан бири бўлган Абдулҳамид Мажидийнинг ижодий йўлини чуқур ўрганиб, унинг асарлари жамланган китобни нашрдан чиқаришга мушарраф бўлди ва номзодлик диссертациясини муваффақият билан ҳимоя қилди.

Самариддин ака 80-йилларда бир муддат Ўзбекистон

Республикаси Ёзувчилар уюшмасининг Самарқанд бўлимида маъсул котиб лавозимида фаолият кўрсатди. Уюшмада тез-тез ёш шоирларнинг шеърлари ва шеъррий тўпламлари муҳокама қилинарди. Самариддин ака, “Сиз ҳам шоиртабиат одамсиз”, - деб шеърлар муҳокамасига мени ҳам таклиф қиларди. У киши ёшларга кўп китоб ўқишни, айниқса, буюк шоирларимиз Гафур Ғулوم, Максуд Шайхзода, Миртемир, Асқад Мухтор шеърятини теран ўзлаштиришни маслаҳат берардилар. Ўша йиғинларда баъзан таниқли шоирлар Душан Файзий, Суръат Орипов, Эркин Азаматовлар ҳам қатнашарди.

Самариддин ака ижодкор сифатида сермазмун мақолалари, шеърлари, филология фанига қўшган салмоқли ҳиссаси, ота сифатида ажойиб фарзандлари билан ўзидан сўнг “Умр дафтари”да муъайян из қолдирди.

Самариддин ака ҳақидаги хотираларимни ёзаётиб, битта шеъримнинг сўнгги икки мисраси ялт этиб кетди:

*Ортада қолган бўлса фарзанд ё сўзинг,
Асло очик кетмас ҳасратли кўзинг.*

Самариддин акамнинг кўзи очик кетган эмас. Мана забардаст ўғилларидан бири филология фанлари доктори, профессор Шухратжон Сирожиддинов катта даргоҳ Самарқанд давлат чет тиллар институти ректори сифатида фаолият кўрсатмоқда.

Самариддин акамнинг хотираси у кишини билган, оқилона маслаҳатларидан баҳраманд бўлган кишилар хотирасида мангу яшайди.



С.Сирожиддинов раҳбарлигида ўтказилган адабий кечалардан бири (тахминан ўтган асрнинг 80-йиллари)

*Қаҳрамон Бердиев, Ўзбекистон
Журналистлар уюшмаси аъзоси*

Ёдимда ўша дамлар

Ўтган асрнинг 50-60 йиллари Самарқанд адабий мактабига Воҳид Абдуллаев, Нуриддин Шукуров, Ботирхон Валихўжаев, Худойберди Дониёров, Раҳмонкул Орзибеков каби йирик алломалар кириб келдилар. Мана шундай устозлар сабоғини олган юзлаб шогирдлар мамлакатимизда ном чиқарган таниқли ижодкорлар олимлик даражасига эришдилар. Булар: Исроил Мирзаев, Нормурод Нарзуллаев, Самаридин Сирожиддинов, Суръат Орипов, Теша Сайдалиев, Тошпўлат Аҳмедов, Октябр Жавлонов, Телман Раҳматов кабилар.

“Зарафшон” (илгариги “Ленин йўли”) газетаси таҳририятида ишлаган пайтимда моҳир ва тезкор журналист Самариддин ака Сирожиддинов билан тез-тез ҳамкорлик қилиб турардим. Агар маданият, санъат соҳаларида бирон янгилик бўлса, фотомухбир Ғулом Алиев ёки мени шу ерга таклиф қилар ва суратларни ҳар доимгидек қойилмақом қилиб олинг, дея маслаҳат берарди. Ҳозиргача унинг “жонли сурат” деган сўзини эслаб юраман.

Самариддин Сирожиддинов маданият ва санъат бўлиmidан котибият бўлими мудирлигига ўтказилгач, газетада ёритиладиган кичик-кичик хабарлардан тортиб катта мақолаларгача мазмунли, сифатли ва турли безаклар билан чиқа бошлади. Газета таҳририятида ходимларнинг йиғилишлари (летучка) тез-тез бўлиб турарди. Йиғилишларнинг бирида муҳаррир ўринбосари Отахон Хўжаев бош муҳаррир Нуриддин Шукуровга қараб: “Домла, мана кўринг, мана буни газета деса бўлади”, ва бизларга ҳам қарата: “Бу газетадан ўрناق олса арзийди” деди-ю, яна “Кечирасизлар, бу ўзимизни газетамиз экан-ку! Мен “Тошкент оқшоми” деб ўйлаган эдим!”, деганларида ҳамма кулиб юборишганди. Шунда хижолатда қолган Отахон Хўжаевнинг ўзи ҳам баралла кулиб, “Котибият энди эгасини топди”, - деган эди. Албатта, бу Самариддин аканинг ютуғи эди. С.Сирожиддинов долзарб мавзуларда мақолалар ёзарди.

Қатагон йилларидан то 50-йилларнинг охиригача Каттакўргон адабий муҳити билан қизиқишга ҳеч ким журъат этолмаган. Ниҳоят 60-йилларда Р.Орзибеков, М.Маҳмудов, Р.Фозилова ва бошқалар бу ишга илк бор қўл уришди. 1971 йили журналист Самариддин Сирожиддинов “Абдулҳамид Мажидийнинг ижоди ҳақида” профессор Раҳмонкул Орзибеков раҳбарлигида номзодлик диссертациясини ҳимоя қилиб, филология фанлари номзоди илмий даражасини олди.

Устоз менинг ёдимда катта ва моҳир ижодкор, нутқи ёқимли ва маданиятли инсон сифатида ўрнашиб қолган.

Самариддин ака иштирок этадиган давра ҳамиша қизғин бўларди. Чунки у киши Алишер Навоий, Бобур ғазаллари-ю, Мамарасул Бобоев, Шухрат, Мажидий, Шавқий, Мирий шеърларидан қувваи ҳофизаси кучлилигидан ўта ифодали қилиб, зўр кайфият билан ёдлан айтар эдилар.

1970 йилда таҳририят ходимлари дам олиш - шанба, якшанба кунлари пахта теримида иштирок этиш учун Жомбой туманидаги Ўртабуз қишлоғига бордик. Тушлик пайти адабий ходим Анвар Имомовнинг уйида тушлик қиладиган бўлдик. Тушликдан сўнг даврани бошқараётган муҳаррир ўринбосари Аҳмаджон Муҳторов ҳамма билганича навбатма-навбат шеър айтиб беришларини таклиф этганида, каттакўргонлик Самариддин Сирожиддинов билан Марди Нуриддиновлар 20

минут давомида тўхтовсиз байтбарак айтишган эдилар.

Устознинг уммондек бағрикенглиги, меҳрибонлиги, саховатпешалиги ҳаммага ёқарди.

Ҳам журналист, ҳам шоир, ҳам олимлик даражасига эришган С.Сирожиддинов 1975 йил вилоят раҳбарларининг тавсияси билан Ўзбекистон Ёзувчилар уюшмаси Самарқанд вилоят бўлимиди бошқара бошлади. У кишининг саъй-ҳаракати, ташаббуси билан бахши шоирлар – Эргаш Жуманбулбул, Пўлкан Шоир, Фозил Йўлдош ўғлиларининг 100 йиллик юбилей тўйлари бўлиб ўтди. Шу тадбир муносабати билан учала бахши шоирларнинг юртларига уларнинг ҳайкаллари ва Регистон майдонида бахши шоирларнинг базмини акс эттирувчи ҳайкаллар ўрнатилди.

Самариддин Сирожиддинов менинг хотирамда матбуот фидойиси, ижодкор ходим, зукко олим, меҳрибон устоз сифатида муҳрланиб қолган.



С.Сирожиддинов газета таҳририяти ходимлари билан пахтазорда. Ўтган аср 60-йилларининг ўртаси.

*Шавкат Ширинбоев, Ўзбекистонда
хизмат кўрсатган қишлоқ хўжалиги
ходими, СамДЧТИ фахрий профессори*

Дўстим Самариддин Сирожиддинов ҳақида

Менинг қадрдон дўстим бағри кенг, дўстлари ва шогирдларига ғамхўр инсон эди.

У зукко журналист, шоир ва олим, юртнинг асл фарзанди уни вилоятимизда кўплар биларди, тўғри сўз, гоят самимий, дилкаш инсон сифатида иззат ва ҳурмат қилишади. Дўстим тиниқ фикрли, юмшоқ табиатли инсон сифатида дўстлари ва ҳамкасблари қалбида ҳам ўчмас из қолдирди. У эркин баҳс юрита оладиган, дўстлари ва суҳбатдошларининг кайфиятига қараб муомала қиладиган жуда сезгир қаламкаш ва серқирра ижод соҳиби ҳам эди. Яна бир хислати ўта камтар ва камсуқум, бировнинг кўнглини ранжитиб қўйишдан тийиладиган бағри кенг инсон эди. У ҳақида бундай самимий қалб сўзларини унинг ҳамкасбларидан ҳам эшитиш мумкин.

Бугун дўстим жисмонан орамизда бўлмаса-да, руҳан қалбимизда доимо барҳаёт. Унинг ибратли ҳаёти одамлар қалбида ҳайрат ишлари, ибратли эзгу амаллари билан ўчмас из қолдириб кетди. Унинг таржимаи ҳолига назар ташласак, бутун онгли ҳаётини маънавий-маърифий ишларга бахшида этганлигини кўрамыз.

Дўстим ҳаёт бўлганида бу йил 80 ёшни қарши олган бўларди. Афсуски, бевакт ўлим уни ҳаётдан эрта олиб кетди. Аммо, унинг қисқа умри давомида олиб борган фаолияти, амалга оширган эзгу ишлари ўчмас хотира бўлиб яшайди.

*Мардлик, доноликдан сўйладинг шоир,
Доим ўзгаларни ўйладинг шоир.*

*Салоҳиддин Ҳайитов, Ўзбекистон
Халқ таълими аълочиси, филология
фанлари номзоди, доцент.*

Яхшининг шарофати

Самариддин ака Сироҷиддинов билан 1965 йилнинг май ойида отамнинг Каттақўрғон педагогика билим юртида таҳсил кўрган йилларидан қадрдон дўстлари бўлган “Совет Ўзбекистони” газетасининг махсус мухбири Латиф ака Эргашев, “Зарафшон” (ҳозирги “Каттақўрғон ҳақиқати”) газетасининг муҳаррири Файзулла ака Нуруллаевлар даврасида танишганман.

Гап шундаки, Самариддин ака уруш қатнашчиси бўлган отам ҳақида 1965 йилнинг апрель ойида “Ленин йўли” (ҳозирги “Зарафшон”) газетасида мақола чоп этган эдилар. Мақоланинг бошида отамнинг урушгача бўлган даврдаги талабалик йиллари, урушда оғир ярадор бўлиб, уйга қайтиб келгани, урушдан кейинги даврдаги меҳнат фаолияти ҳақида мухтасар маълумот ва фотосурат келтирилган бўлиб, мақоладаги асосий гап 1964-65 йилларда қишлоқ хўжалиги соҳасида аста-секин қулоч ёзаётган оила пудрати ҳақида борарди. Кечагидек эсимда, ўша йиллари миллионер колхознинг бош ҳисобчиси бўлган отам қишлоғимиздаги пахтачилик бригадасининг бир звеносини ўз зиммасига олиб, оилавий пудратнинг афзалликларини одамларга исботлаб бериш учун асосий ишидан сўнг ёки тушлик танаффус пайти далада ишлар эди. Ойим ва биз болалар чопиқ қилардик. Собиқ муҳандис, колхознинг партком секретари амаким тракторда чопиқ қиларди. Далага қапа тикилган бўлиб, уч маҳал қозон қайнарди. Тан олишим керак, бу ишлар ўша пайтда биз болалар учун қизиқарли бир ўйиндай нарса эди.

Самариддин аканинг мақоласи яхши маънода бироз шов-шувларга сабаб бўлди.

Тез орада отамни Самарқандга обкомининг сарқотиби Саид Нуъмонович Усмонов хузурига чақиришди. Гап шундаки, С.Н.Усмонов таниқли иқтисодчи олим ҳам бўлиб, оила пудрати усулини Кубада маслаҳатчи бўлиб ишлаганларида жорий этган эканлар. Ўшанда мен ҳам колхоз раисининг малларанг “Волга” машинасида Самарқандга отам билан келган эдим. Икки соатлар бўлдики, отам ҳеч обком биносидан чиқмайди. Бир вақти навбатчи милиционер келиб, мени ҳам обком биносига киришга таклиф қилиб қолди, десангиз. Очиғи, сал ҳаяжонландим. Обком бобо буни сизди, шекилли, “Йигитча, кўрқманг, манави стулга ўтириб тулинг, ҳозир сизнинг устозингиз ҳам келадилар” деди.

Саид Нуъмоновичнинг отам билан суҳбатидан шу нарсани сездимки, улар оилавий пудрат тизимини бутун вилоят қишлоқ хўжалигига жорий этишмоқчи-ю, бу ишда отам ҳам иқтисодчи, ҳам амалиётчи сифатида фаол иштирок этиши лозим экан.

Тез орада обком секретарининг кабинетига басавлат ва хушчакчақ бир киши кириб келиб, Саид Нуъмонович билан кучоқлашиб, отам ва мен билан қўл бериб кўришди.

Ҳол-аҳвол сўрашиб бўлишгач, обком секретари “Воҳид ака, мана бу киши вилоят қишлоқ хўжалигида оилавий пудрат усулини жорий этиш бўйича менинг ҳамкорим, уруш қатнашчиси, зобит. Уруш туфайли ўқишлари чала қолган. Бу йигитча эса ўғиллари, мактабни олтин медаль билан тугатаётган экан. Хуллас, ота-бола жангчилар сизнинг олийгоҳингизда ўқиса, қандай бўлади?” деди.

Устоз Воҳид Абдулла ҳозиржавоблик билан “Қанддай бўлади” дедилар. Обком секретари устоздан узр сўрагандек бўлиб, “Бизни пудрат усули бўйича яна бир оз гапимиз бор, кичик шогирдингизни ҳозироқ олиб бориб, имтиҳон қилишингиз мумкин”, – деди.

Домла “Тулпор, орқамдан юринг” дедилар. “Тулпор” сўзи менга бироз ғалати, тўғрироғи, дағал туюлди. Кейин

билсам, домла яхши кўрган шогирдларини “Тулпор” дер эканлар.

Бўлажак устоз-шогирд обком биносидан чикдик. Домла “Ҳозир менинг лекциям бор, дарсга сиз ҳам кирасиз, мулла”, деб ўзларининг хизмат машиналари томон бошладилар. Мен биз билан Самарқандга келган шофёримиз Акрам акага “хавотир олманг, СамДУга кетаяпман” дедим.

Машинада кетаяпмиз, домла бироз савол-жавоб қилдилар. Назаримда, жавобларимдан қоникдилар ва самарқандча шевада “бале-бале” деб кўйдилар.

Филология факультети биносига келдик. Домлани шогирдлари иззату икром билан кутиб олишди. Дарсга кирдик. Домла аудиторияга мурожаат қилиб “Бу йигит мактабни олтин медаль билан тугатаяпти, фронтчининг боласи, уни ҳозир имтиҳон қилаяпмиз, тез орада у ҳам талаба бўлади” деб ва менга қараб, “Мулла, ўқинг” дедилар. Мен шеър ўқиш кераклигини англаб, Ҳамид Олимжоннинг “Жангчи Турсун” балладасини қироат билан ўқидим. Бир пайт домла: “Қани, битта қарсақлар бўлсин” дедилар. Аудитория гулдурос қарсақларга тўлди (аслида талабалар менга эмас, устознинг боладек ҳокисорлиги, бегуборлиги, қолаверса, улуғворликларига қарсақ чалишган).

Кейин домла сирли равишда “Мулла, сиз ҳовлига чиқиб, бизнинг ҳайдовчига айтасиз, сизни обком биносигача ҳайдовчингизгача олиб бориб кўяди,” – дедилар. Талабалар ҳайрон.

Хуллас, ўша йилдан бошлаб вилоят қишлоқ хўжалигида оилавий пудрат усули кенг жорий этила бошланди. Собик иттифоқнинг “Экономическая газета”сида Самарқанд вилоятининг илғор тажрибаси бир саҳифалик катта мақола бўлиб чиқди. Отам билан олдинма-кейин университет талабаси бўлдик. Яхши одамларнинг шарофати билан тақдиримизда туб бурилиш бўлди.

Энди ёшим бир жойга бориб, шуни англадимки, ҳаётда

нимага эришган бўлсам, бизнинг ютуқларимизнинг заминида Самариддин аканинг сеҳрли ва меҳрли мақоласи турибди. Бугун Самариддин ака ҳам, отам ҳам, отамнинг дўстлари Латиф ва Файзулла акалар ҳам, вилоят миқёсидаги раҳбар ва иқтисодчи олим Саид Усмонов ҳам, устоз Воҳид Абдулла ҳам орамизда йўқ, лекин уларнинг руҳи доимо бизларга мададкор, эзгу ишларга даъваткор.

* * *

Самариддин ака билан 1965 йилдаги илк танишувимиз аста-секин фикрдошликка, устозу шогирдлика айланиб борди.

1973-1975 йилларда СамДУда стажер-тадқиқотчиман, уйланганман, қизим Феруза 2 ёшда, 105 сўм степендия оламан. Хотиним-уй бекаси. Ижарада турамыз. Бир оз иқтисодий танглик ҳолати бор. Бир учрашганимизда Самариддин ака “Газетамизга мақолалар ёзинг, таржималарингизни беринг, чиқарамиз, қалам хақи (гонорар) оласиз” дедилар. Диссертация ишларини ҳам тўхтатиб, мақола ёзишга, русчадан таржима қилишга киришдим. Мақолаларим басма-бас чиқиб турибди, таржималарим бериб борилаяпти. Ҳар ойда 70-80 сўм гонорар оламан.

Хусусан, ўша йиллари газетада рус адиби М.Алексеевнинг “Кўпоровчи ғоз” хикояси менинг таржимамда берилган эди.

Бир марта Самариддин аканинг хузурларига борганимда сал койиб, дедилар: “Аввал бошда олиб келган нарсаларингиз анча дуруст эди. Сон ортидан қувиб, сифат деган нарсани эсдан чиқараяпсиз, мулла. Энди бундай қиламиз. Ҳозир мен радиоагиларга телефон қиламан, материалларингизни бир вақтнинг ўзида радиода ҳам бериб боришади.” Шундай бўлди ҳам, ҳар ойда 200 сўмгача қалам хақи ола бошладим.

1975 йили Самариддин ака Ўзбекистон Ёзувчилар

уюшмасининг, камина эса, Ўзбекистон педагогика жамиятининг вилоят бўлимларига маъсул котиб этиб тайинландик.

Энди Самариддин аканинг мен учун кувонганликларини кўрсангиз эди. Кўзида меҳр билан “Ҳамшаҳар, дурустсиз, қарийб менга етиб олдингиз, энди диссертацияни тезлаштиринг. Биласизми, фан номзоди бўлсангиз, ҳатто вилоят раҳбарлари ҳам сизга ўзгача муносабатда бўлади” - деди.

* * *

Самариддин ака бир гал мени хузурларига чорлаб, “Сизга бир яхши иш топиб кўйдим. Бобомурод Даминов деган жуда ҳурматли адибимиз бор. Сиз Бобомурод аканинг “Шам” деган қиссасини рус тилига таржима қилишингиз керак, Василий Григорьевич (Ларцев) сизни тавсия қилди. Менга ҳам маъқул,” - деди.

Мен домлага “Мен ҳозиргача рус тилига таржима қилмаганман, удалай олмасам керак”, - дедим.

У киши “Рус тилидан ҳамма ҳам таржима қилади. Сиз ҳеч ким қилмаган ва қила олмайдиган ишни қилинг”, - деб маслаҳат берди. “Шам” қиссаси жарроҳлар ҳаётидан экан, энди асардаги таботат терминларини-ку, қўяверинг. Хуллас, таржима эмас, тағламага ўхшаш бир нарса юзага келди.



*Кўплаб очерклар, ҳикоялар,
қиссалар муаллифи,
самарқандлик адиб
Бобомурод Даминов
С.Сирожиддиновнинг яқин
сафдошларидан бири эди.*

Таржимани Самариддин акага олиб бордим: “Домла, айтувдим-ку, кўлимдан келмайди,” - деб У киши таржимани ўқиб чиқиб, кулиб, “Ярайди, таржимани энди бирорта ўрисзабон врачга ўқитиш керак”, - дедилар. Илмий раҳбарим профессор Шагинян Роберт Петровичнинг рафикалари врач эдилар, янга ўқиб, бир оз таҳрир қилдилар, устидан домламиз кўриб чиқдилар. Тандем-таржимани яна Самариддин акага олиб бордим. “Ташлаб кетинг, кўриб чиқаман. Икки кундан кейин олиб кетасиз,” - дедилар. Айтилган муддатда бордим. Самариддин ака кувонч билан “Бўлар экан-у”, - деб қайта-қайта таъкидладилар. Б.В.Шеголихин ваъдасининг устидан чиқмади, таржимани газетада бермади. Қисса Москвадаги “Советский писатель” нашриётида чоп этилди. Раҳматлик Бобомурод ака Даминов Самариддин ака даврасидан 4-5 нафар ижодкорларни Кўнғирот кўчасидаги уйларига таклиф этди. Бобомурод ака зиёфатдан кейин ҳар биримизга сарпо, менга сарпо билан катта бир конверт кўйдилар ва хижолатомуз бир аллозда: “Салоҳиддинжон, хафа бўлмайсиз. Москвалик ноширлар қизганчилик қилиб, сизнинг фамилиянгизни ташлаб юборишибди, конвертда қоидага биноан мен олган қалам ҳақининг 40 фоизи”, - деди. Мен “Домла, бу конвертни ола олмайман, мен мингдан минг хизматимга розиман. Менинг ўзбегимни китоби Москвадан чиқади-ю, нега хафа бўлишим керак”, - дедим ва унамадим.

Самариддин ака “Олинг, домланинг пуллари табаррук”, - дедилар. Уйга келиб, конвертни очиб, пулларни санаб кўрсам, 2500 сўм экан. Бу ўша пайтда катта пул эди.

Бир учрашганимизда Самариддин ака: “Рус тилини яхши билар экансиз, қаерда ўргангансиз?” - деб сўрадилар. Мен 6 йил мактабда рус синфида ўқиганлигимни айтганимда, мароқ билан “Вот в чём дело”, - дедилар ва кўшиб қуйдилар: “Мардижоннинг диссертациясига ёзган тақризингиздан сезувдим буни, ҳамюрт”.

Одамзод ёши бир жойга бориб, ўзи устоз мақомига ўта

бошлагандан, билар экан устозларнинг кадрили. Эй вох!
Ўша йиллари Самариддин аканинг ҳокисорлиги-ю
беғуборлигини ҳис этганман. Минг афсуслар бўлсинким,
улуғворлигини англамаганман. Шундай пайгамбарсифат
одамни йўқотишимиз мумкинлигини билмаганман. Кўзимга
жикқа ёш келди.

Мен кетмадим,

Юрагим кетди,

Осмонимдан

Кўёшим кетди... (Фаррух Ҳамро).

Биргина таскин шулким, устоз Самариддин
Сирожиддинов бир-биридан ўқимишли асарларида, эзгу
ишларида, фарзандлари, шогирдлари қалбида барҳаёт.

Турсун Сафаров, “Нуроний”

жамғармаси Самарқанд шаҳар

бўлими Кенгаши раиси

Бағри кенг инсон эди

Каттақўрғонда туғилиб ўсган Самариддин Сирожиддинов
бағри кенг, меҳрибон, дилкаш, маслаҳатгўй, ижодкор инсон
эди. Мен Самариддин ака билан Самарқанд шаҳрининг
Алишер Навоий маҳалласида кўшни бўлиб яшадим, у киши
билан доимий равишда мулоқотда бўлганман. Биз
Самариддин акадан маслаҳат олиб турар эдик. У киши
билан мен Нарпай ва Каттақўрғон шаҳридан биргаликда кўп
маротаба автобусда Самарқанд шаҳрига келишда суҳбат
курар эдик. У киши ҳамманинг хурматида, иззатида бўлган.
Самариддин ака ҳақида ўша даврдаги вилоятимизнинг
биринчи раҳбари, меҳнат қаҳрамони Бектош Раҳимов ҳам
жуда илиқ сўзларни айтар, ҳурмат қилар эди. У кишига
“Волга” русумли енгил хизмат автомашинасини ҳам берган
Бектош ака эди. Биз Алишер Навоий маҳалласини ташкил
этишда Самариддин акадан кўплаб маслаҳат олганмиз. У

киши маҳаллада ўтадиган барча тўй-маъракаларда фаол
иштирок этар эди. Адабиётшунос олим Исомиддин
Салоҳиддинов, шоир Маъруф Жалил, Мамарасул Бобоевлар
билан Самариддин ака туфайли танишган эдим. Ўзининг
ажойиб суҳбати, шеърларидан ўқиб ҳамманинг эътиборини
қаратар, ҳурмат орттирар эди. Биз у киши билан жуда кўплаб
маҳаллаларда, мактаб, олий ва ўрта махсус ўқув юрларида
ижодкорларнинг учрашувларини ўтказганмиз.

Тадбир иштирокчиларининг қалбидан жой олган
Самариддин акани бугун хотира қилиб эслаймиз. У кишининг
фарзандлари бугунги кунда эл-юрт хизматида қамарбаста
бўлиб келмоқда. Самариддин ака ажойиб оиланинг соҳиби,
ибрат мактабини яратган ижодкор бўлиб, қалбимизда бир умр
сақланади.

Толиб Раҳимов, Ўзбекистон

журналистлар уюшмасининг

аъзоси.

Устоз ёди

Масъул котиб хонасидаги чироқ шуъласи деразалардан
тун бўйи ёғилиб турар эди. Бугун жамоа мана шу ердан нафас
олар, ижодий фикрлар уйғунлашиб, янги куч тўплар эди. Шу
боисдан бўлса керак, журналистлар котибиятни газетанинг
штаби, деб аташар бу ерда бошлиқ бўлиб ишлаганлардан
бири Самариддин ака Сирожиддинов эди.

У киши билан биринчи марта муҳаррир хузурида
учрашдим. 1974 йил университетни битириш арафасида бир
лавҳа ёзиб собиқ “Ленин йўли” (ҳозирги “Зарафшон”) газетасига
олиб борувдим. Раҳматли устозимиз Нуриддин Шукуров
суҳбатидан сўнг, хайрлашиб чиқаётганимда у
кишига дуч келдим...

Мен қаламга олаётган инсон Самариддин Сирожиддинов
кўп одамларнинг ҳожатини чиқарган устоз, олижаноб
инсонлардан бири эди. Мен “Ленин йўли”га адабий ходим

бўлиб ишга келганимда, у киши масъул котиб бўлиб ишлар эди.

Собиқ тузум даврида газеталар ҳозиргидек техник имкониятларга эга эмас эди. Журналистлар қийин шароитларда ишлар, оммавий ахборот воситалари ҳозиргидек эркин, мустақил эмасди, марказдан келадиган расмий материаллар кўп бўлганлиги боис баъзан тонг отгунча ишлашга тўғри келарди.

Шундай вақтлар бўларди-ки, газетага қўл қўйиб, энди ишни тамомлаб кетмоқчи бўлиб турганимизда Москвадан “Шу сонга албатта берилсин” деган расмий кўрсатма берилар эди. Ё муҳим қарор, ё нутқ келиб қолар эди, қарабсизки, барча ишлар остин-устин бўлиб кетар, рўзнонамиз саҳифаларини қайтадан ўзгартиришга тўғри келарди. Мана шундай шароитларда ҳам масъул котибимиз Самариддин ака ишлаб чарчаган одамларнинг кўнглини кўтариб, бирини ака, бирини ука, деб ишга солиб юборар, қандай қилиб бўлмасин газетани эртароқ, бехато, кўркам чиқишига эришар эди. Ўз меҳнати, жонкуярлиги, энг муҳими, одамлар дилига йўл топа билиши туфайли Самариддин ака газета жамоаси ўртасида обрў-эътибор қозонган устозлардан бири эди.

Самариддин ака вақтни қадрларди, куйиб-пишарди, материалларни чидам, сабр-тоқат билан кўришга улгура оларди, маҳорат билан таҳрир қиларди. У ишга шундай берилиб кетарди-ки, материалларни кўраётганида ҳамма нарсани унутарди, ҳатто кабинетига иш билан кирган кишини пайқамасди ҳам. У икки гапнинг бирида:

“Яхши мақола жон озиғи, ёмон мақола асаб бузуғи”, - деб кўярди.

Биз ёш адабий ходимлар секретариатга кирганимизда кўпинча хурсанд бўлиб чиқардик. Бу ерда юрак чигилларини ёзар эдик, ҳазиломуз гаплар бошланарди-да, қаҳ-қаҳалар деворлар оша қўшни хоналарга кўчарди.

Бундай дақиқаларда чуқур фикрлар оғушида чарчаган онгимиз бир лаҳза бўлса ҳам дам олар, чарчокларимиз ёзилар, ўзимизни енгил хис этардик. Шунда Самариддин ака оловдек

ёниб турган кўзларини, тиниқ, кулимсираган нигоҳларини бизларга тикиб:

“Қани энди, оғайнилар, ишга!” - деб кўярди. Унинг юрак тепиши қалбларимизга тутшиб кетган эди. У бирор воқеадан хабарсиз қолмасди, ҳар бир ходимнинг кундалик иши, бўлимларда режаларнинг бажарилиши, қандай мавзуларда қачон ва қаерда материаллар уюштирилиши унга беш бармоқдай аён эди-ки, мабодо бирор иш маромига етмай қолса, ўзига ҳам, бошқаларга ҳам тинчлик бермасди, жиғибийрон бўларди. Бир пасда унинг юзлари ўзгариб, аллақандай ачиниш, қайғуриш, норозилик аломатлари пайдо бўларди. Тезда хоналарга кирарди-да, босмахонага туширилиши режалаштирилган материалларни талаб қиларди, фақат шу тўғрида сўзлашарди.

Ростини айтсам, Самариддин акадан ҳайиқардик, лекин бу кўрқоқлик аломати эмасди, зинҳор бундай эмасди. Бу меҳрибон устозимизга бўлган иззат-эътиқодимизнинг аломати эди. Салкам икки йил у кишининг қўл остида, раҳматлик Ибодулла Ўлмасов билан ҳамкорликда ишлашга тўғри келди.

Аҳмаджон Мухторов, Манноп Нажмиддинов, Суръат Орипов, Отахон Хўжаев, Очил Тўйчиев, Абдурахим Убайдуллаев, Асад Дилмуродов, Матлаб Эрмуҳаммедова, Исо Абдурахмонов, Марди Нуриддинов, Ибодулла Ўлмасов, Миршариф Хўжаев, Фармон Тошев, Нормуҳаммад Сайфиддинов ва бошқалар “Ленин йўли” редакциясининг асосий ўзагини ташкил қилар эдилар. Улар билан ёнма-ён туриб ишлаш менга насиб этганидан жуда хурсандман.

Ҳеч ёдимдан чикмайди, отахон газетамизнинг 60 йиллиги арафасида муҳаррир хонасида йиғилиш бўлиб ўтди. Унда Самариддин ака Ўзбекистон Ёзувчилар уюшмаси вилоят бўлимига раис этиб сайланганлиги ва газетанинг кундалик ташвишлари, юбилейга тайёргарлик ҳақида сўз юритилди, яхши гаплар айтилди, истаклар билдирилди, сўзлаш навбати устозга келди. У бир неча дақиқа ўйланиб қолди, энди сўз бошламоқчи эди, беихтиёр лаблари титраб,

кўллари калтиради. Ҳарчанд уринса ҳам бўлмади, кўзидан ёш чиқиб кетди, узр сўраб жойига ўтирди. Бу бизга, бутун жамоа аъзоларига бўлган катта меҳрнинг зўр таъсир кучи, оқ кўнгилликнинг натижаси эди. Орадан бир вақт ўтгач, ўзини тутиб олган Самариддин ака яна сўзга чиқди. Сўзлари ниҳоятда ҳароратли, унга ясамалик бегона бўлиб, нима деётган бўлса, ҳаммаси чин дилдан эди.

-Сизларнинг меҳр-оқибатингизни қаерда бўлмай, ким бўлиб ишламай, бир умр унутмайман,-деган эди. У ўша пайтда ва бутун кейинги йиллар мобайнида шу айтган гапларига содиқ қолди. Унинг учун ходимнинг катта-кичиги йўқ эди, ҳайдовчими, корректорми, ижодий ходимми, бўлим мудирими, бари бир, ҳаммасига ҳурмат билан қарар ва уларнинг қадрига етарди.

*Фарҳод Ализода, Сайидризо
Ализода уй-музейи директори*

Сирожиддинов Самариддин (Сирожий)

Мен Самариддин ака билан илк бор 1977 йилнинг 29 мартда танишган эдим. Самариддин ака ажойиб шоир, қалами ўткир журналист ва адабиёт тарихининг зукко билимдони эди. Мен у кишининг кўпгина шеърлари ва мақолаларини ўқиганман.

С.Сирожиддинов Сайид Ризо Ализода таваллудининг 90 йиллик тантаналарида сўзга чиқиб, бобомнинг бой илмий-ижодий меросини ўрганиш зарурлиги хусусида мисоллар билан куйиниб гапирган эди. Қани энди бугунги кунда ҳамма шоир, ёзувчи ва журналистларимиз Самариддин акага ўхшаса?!

Сайид Ризо Ализода бобомиз қабрини олис Владимир шаҳридан Самарқандга кўчирганда, Бокудан марҳум шоирамиз Зулфия хонимнинг яқин қаламкаш дугонаси, Озарбайжон хотин-қизлар кўмитаси раисаси, Озарбайжон давлат университети профессори, филология фанлари

доктори, шоира Азиза хонум Жафарзода бобомизнинг қабрига Озарбайжон халқи номидан ажойиб гулчамбар келтирган эди. Орадан 3 кун ўтгандан кейин, мен Ёзувчилар уюшмаси вилоят бўлимига бориб Азиза хонумни раҳматли Самариддин ака билан таништирган эдим. Шунда Самариддин ака ўзининг янги чоп этилган шеърлар тўпламини Азиза хонум Жафарзодага дастхат ёзиб, тухфа қилган эди.

Минг афсус, аёвсиз ўлим Самариддин акани орамиздан бевақт олиб кетди, Самариддин ака қисқа умри давомида кўп савобли ишларни қилишга улгурди, бой илмий-ижодий мерос, солиҳ фарзандлар, қобил шогирдлар қолдирди. Шу боис ул зот ҳозир иккинчи умрини яшапти.

Кубарро Бахромова, шоира.

Журналист
(устоз Самариддин Сирожиддиновга)

Журналистнинг туни беором,
Кундузи ҳам ҳаловат қайда.
Ҳаёлида сайқаллар мудом,
Ёзганларин қайта ва қайта.
Ҳаёт – катта сахна бардавом,
Ва қоғозга тушар дилдан сўнг.
Замондошлар унга қаҳрамон,
Чархланади қалам кундан-кун.
Юртнинг ютуғи-ю дардини,
Илҳом билан қаламга олди.
Айта олди дилдан гапини,
Ва дилларда абадий қолди.



С.Сирожиддинов очеркларининг – меҳнат қаҳрамонлари

*Динара Султанова,
таржимон.*

**Сирожий ашъорлари инглиз тилида
(1932-1987)**

Journalist, a poet and a man of letters Samariddin Sirojiddinov (Sirojiy) was born in Kirikkorpa village in Kattakurgan district of Samarkand region.

Sirojiddinov's fond for literature activity had begun since he worked for "Zarafshan" newspaper, later for regional newspaper former "The road of Lenin" (Zarafshan). From 1975 till his death he worked as a head of writer's union in Samarkand.

He did his best in collecting and studying the heritage of those poets of that ancient time.

Samariddin Sirojiddinov wrote more than 70 scientific and literary articles, and more than 300 works dealing with various genres. His creative works were published in different books.

He managed to write in dramatic genre too and made his works be put on the stages.

The booklet in you hand makes you be introduced with samples of his poems and gazes which were selected and prepared for publication.

We would be pleased if you, our dear readers, show your interest in reading it and giving your opinion on this publication.

IT WAS ME

(Мен эдим)

*They say that stars every night come out to see you,
But it was me who cried for seeing you indeed,
Every day and night I longed for meeting you,
It was me who was standing at your door indeed,
And it was me who was dreaming sweet dreams indeed.*

*Many men are keen on entering home of love,
But that chance is not given to each loving one,
Behold, been touched taken fire, yet, once,
It was me who left footmarks in your place indeed,
It was me whose bosom into flame burst, indeed.*

*Been turned into flowers we had a talk with them,
Sometimes we have made our face washed with dews of morn,
We made requirements addressing to roses,
It was me not flowers who gave replies, indeed,
It was me who picked flowers to present you, indeed.*

*Yet, Lover's deeds not always keen appreciated,
I take fires on not being by my maid noticed,
But Sirojiy from his will not depart yet,
It was me who was standing at your door indeed,
And it was me who was dreaming sweet dreams indeed.*

PHILOSOPHY OF LOVE

(Ишқ фалсафаси)

*Love is said to be not little care
Having that pain, one must it bare,
Heart sighs as it is in sorrow
Yet, this matter doesn't deserve care.*

*It's just philosophy of love
But of those who loved never,
Those who do take fire of love,
Aims at being on that fire ever.*

*I myself set on fire my heart,
Burst into flames but not satisfied,
My hair turned grey now I'm aware.
Love shouldn't be by me cared.*

*Yet, let me not depart from love
I'm still in want of this pleasure,
As if one has been left by love
He'll turn into stone, I am sure.*

*If little light of love there's in heart
It'll be enriched by love on Earth
If there's no love, there won't be feast?
And with no hope one's fortune beams.
Fate of that loveless soul is said
To the candle that's doomed to fade.*

*Say, Sirojii would joy of love
Be lost when one is aged, old
As pretending to love and love
It said to rock on gallows' rope.*

TO YOUR WORLD MAKE ME JOIN

(Дунёга қўш)

*I'm outer world, o World, to grand space of yours make me join,
And flood of mine melting tunes to the huge waves of rivers join.*

*I wish ever sing of world to make him full of melody,
My heart bids me versify my land to their words high notes join.*

*Would a man live a happy life if he lived out of the world?
See, not be at a loss, to the rank of true ones make me join.*

*I came to know that world isn't free from jealousy and conspiracy,
Don't let my rivals rule the roast, to friends, wise ones make me join.*

*As owing to the men of wisdom the world is prosperous,
Let me be a man of prospects, men of words make me join.*

*And let my bliss burst into blossom, my ways lightened by rays
And let my fortune with hope beam to those flowers make me join.*

*Sirojii ever cares of happiness of humanity,
If you wish your men be happy, to world of yours make me join.*

SELF-MADE MAN

(ИНСОН)

*I am a self-made man let that plain world not dispute with me,
I am an ocean, which river can match me, dispute against me.*

*If there hadn't been me who would told where heaven and earth were,
See, eighteen thousand puzzles of the world had been guessed by me.*

*When mind, wisdom been founded by me earth came to know herself
To mentality was given a birth, words, their sense were verified by me.*

*What the moon was, why so high was sun, where stars came from
were not known,*

*Then all were been discussed, problems been solved and commented
by me.*

*It's me a dweller of the Earth, my footprints been lain in the space,
And bare lands, deserts into paradise been turned by me.*

*O true Life, I'm not owner of you, the owner is yourself,
It's you master of the whole world, yet a bit of you with me.*

*Sirojiy's statement was signed by men's belief and Spirit.
Let's boundless world belongs to you, only sunshine days to me*

MY HAPPINESS (Менинг бахтим)

*In spring buds busting into laughter make me happy,
And paths in the dales covered with tulips make me happy*

*My bliss is in those flowers my love is in hazel eyes.
The one is a rose one is fair, fair ones make me happy.*

*My breast gets delight and pleasure breathing fresh and soft air,
My heart being restless, being inspired makes me happy.*

*As my heart has been enriched with those huge waves beats fast,
And my industrious hands strong and active make me happy.*

*And if the moved heart can not be cured with noble acts and
deeds,
And if my soul is not been filled with joy, I won't be happy.*

*I am Sirojiy who burnt in fire, but revived with hope,
Thanks to God, I lived a happy life, was indeed happy.*

Файзулло Муҳаммадиев,
*Каттақўрғон педагогика коллежи
олий тоифали ўқитувчиси, Ўзбекистон
Республикаси Халқ таълими аълочиси.*

Кичик қишлоқнинг катта муаллими

Кексаларнинг айтишича, Каттақўрғон туманидаги Кичикқўрпа қишлоғи вилоятдаги қадимий қишлоқлардан бири экан. Унда иккита тарихий обида бундан далолат беради. Қишлоқ одамлари оддий, самимий, энг асосийси, меҳнаткаш деҳқонлардир. Ўтган асрнинг 50-60-йилларида икки хонадан иборат бошланғич мактаб бўларди. Мактабнинг биринчи-тўртинчи синф ўқувчилари қўшиб ўқитилар эди. Биз ўша пайтда мактабнинг учинчи синфида ўқирдик. Бир куни Лола исмли бошланғич синф ўқитувчимиз бетоб бўлиб дарсга келолмай қолибди. Шунда юқори синфлар ўқийдиган катта мактабдан катта муаллим келиб ўқитади, деган хабар келиб қолди. Бир пайт синфимизга яхши кийинган, қадди-комати келишган, у пайтларда қишлоқ кўчалари чанг-тупроқли бўлишига қарамай, оёқ кийимлари ялтираган бир инсон кириб келди. Буни қаранг-ки, бу устоз ўзимизнинг ҳамқишлоқ, биринчилардан бўлиб олий маълумотли бўлган Самариддин Сирожиддинов экан. Шеърлар, топишмоқлар, латифа-ю саргузаштларга бой бўлган уч-тўрт соатлик дарс, ҳозирги давр таъбири билан айтганимизда ноанъанавий машғулот, бир умр бизнинг қалбимизга муҳрланиб қолган десам, муболага қилмаган бўламан. Ўша илк сабоқ филология фанлари номзоди Тохир Қурбонов, ажойиб педагоглар Акрам Қурбонов, Бадриддин Тўхтаев, Ўктам Ҳамроев, Сожида Ҳусанова, Шукринисо Комилова ва менинг ўқитувчидек улуг касб эгаси бўлиб етишишимга, Абдуманнон Набиев, Камол Раҳмонов каби инсонларни врач, Неъматулло Муҳаммадиевни олий маълумотли

чорвадор бўлиб етишишига туртки бўлган десак, ажаб эмас. Вилоятимизнинг қатор нуфузли идораларида ҳалол ва фидокорона меҳнат қилиб келаётган вилоят “Нуроний” жамғармаси раиси Ҳасан Норбекович Нормуродов ҳам Самариддин акани устоз сифатида тан оладилар. Ўша куни Самариддин Сирожиддинов ўтказган машғулотлар “Бир соатлик яхши дарс йирик бир асар”га айланган эди. Устозни ноёб қобилият эгаси, моҳир педагог, ўз касби ва фанининг моҳир билимдони бўлганлигини кейинроқ тушундик.

Алломаларимиздан бири “Улуғлик ҳам, умрбоқийлик ҳам ҳамма келиб кетганларда бўлавермайди. Қанд ҳам оқ, туз ҳам оқ. Аммо бири ширин, бири шўр. Халқнинг меҳри ва эътиборини қозона олган, унинг меҳру муҳаббатига сазовор бўлган, илҳом бахш этувчи, тортув қувватига эга бўлган, меҳри қуёш одамгина баркамол ҳақиқий одам ҳисобланади”, - деган эди. Эътибор берганмисиз, баъзи одамлар суҳбатидан ҳеч тўймайсан. Айрим одамлар суҳбатидан тезда зерикасан. Ўзбек халқининг атоқли намоёндаси, шоир ва мутафаккир Мир Алишер Навоий айтганларидек:

*Мени мен истаган ўз суҳбатига аржуманд этмас,
Мени истар кишининг суҳбатин кўнглум писанд этмас.*

Самариддин ака қишлоғимизга тўй, маракаларга келганларида давраларни тўлдириб ўтирардилар. У кишининг суҳбатларидан ҳеч тўймасдик, зерикмасдик, яна суҳбатларидан баҳраманд бўлгимиз келаверарди. У киши одамлар дардига малҳам бўлиш, ташвишларига шерик бўлишни яхши кўрардилар. Бир куни яқин дўстларимиздан бирининг нозик ва мушкул иши чиқиб қолди. Шунда дўстимнинг отаси устозга мурожаат қилганда, устоз ўғилларининг тўйини қилаётган эди. Эртага қолса кеч бўлиб, битмай қолиши мумкинлигини билган Самариддин ака фарзандларининг тўйини ташлаб, икки-уч соат вақти

кетса ҳам, шу инсоннинг ишларини бажариб берди. Ўша кунги қилинган яхшилик шу дўстимизга бир умрга комил ва баркамол инсон бўлиб, жамиятда ўз ўрни ва мавқеига эга бўлишга замин яратди. Самариддин ака бағри кенг инсон сифатида одамлар билан самимий учрашар, ширин суҳбатлар қурар, ёшларни ўқишларга жалб қилиш бўйича ҳаммамизга маслаҳат берардилар. Қишлоқдошларимиз ҳали-ҳали тўй - маракаларда бу инсонни фахр билан эслашадилар. У кишининг рафиқалари Мукаррама она билан учрашиб турамиз. “Ҳар қандай она ҳам профессорни дунёга келтиролмайди”, “Сиз бахтли аёлсиз”, деб ҳазиллашиб кўяман. Устознинг ҳамма фарзандлари олий маълумотли бўлиб, Анваржон, Акмалжон, Шухратжон, Ўқтамжон, Хотамжонлар падари бузрукворларининг ижодий ишларини давом эттираётганларидан эл-юрт хурсанд бўлапти. Мен ҳамқишлоғим, меҳрибон ва билимдон устозимиз билан бир умр фахрланиб яшайман.

*Муслиҳиддин Муҳиддинов, филология
фанлари доктори, профессор*

С. Сирожиддинов – Абдулҳамид Мажидий ижодининг тадқиқотчиси

Самариддин Сирожиддинов ўзбек илми ва адабиёти, маданиятининг ривожланишида фидоийлик кўрсатган, сўз сеҳрининг жозибаларини элга етказишда улкан хизмат қилиб адабиётимизни бойитган таниқли ижодкордир. Устоз нафақат ўзбек шеърини ва санъати тараққиётига хизмат қилганлар, балки миллий адабиётшунослигимизни ўрганишга доир муҳим тадқиқотлар олиб борганлар. Шу жумладан, ўзбек адабиётшунослигида маҳсус ўрганилмаган, шу билан бирга ниҳоятда муҳим бўлган масала - шахсга сиғиниш даври қурбони бўлган шоир, драматург, олим ва

санъат арбоби Абдулхамид Мажидийнинг ҳаёти ва ижодини илмий муомалага киритганлар.

Самариддин Сирожиддиновнинг «Абдулхамид Мажидийнинг ҳаёти ва ижоди» мавзусида ёзган йирик тадқиқотлари адабиётшуносларнинг эътирофини қозонган эди. Мазкур тадқиқотда қатагон бўлганлиги сабабли ижоди халқдан яшириб келинган адибнинг тўққиз минг мисра шеъри, қирқдан зиёд ҳикоялари, кўплаб очерклари, адабий-танқидий мақолалари ҳамда бешта драма, ўндан зиёд интермедияларининг мазмуни аниқланган, илмий-назарий жиҳатдан чуқур таҳлил этилган. Шунингдек, ижодкорнинг йигирма босма табакдан иборат бадиий асарлари ўша пайтдаёқ нашрга тайёрланган эди.

Олим А. Мажидий адабий меросининг шеърий-бадиий ранг-баранг тасвир ва ифодаларини очиб беришга эришган ва бу соҳадаги ютуқлари илм аҳли эътиборига тушган. Хусусан, унинг жамоатчиликка маълум бўлмаган айрим шоирлар ижодини илм аҳлига таништиришда ташаббускорлардан бўлганлиги, натижада «Шоир Мирий», «Мирийнинг янги топилган асарлари», «Шоир Шавқий», «Ўзбек шоири Турди», «Шарқ шоираси Зебинисобегим» каби тадқиқотларининг яратилиши унинг адабий меросга бўлган меҳр самараси эканлигини, шунингдек, юқоридаги изланишлар кейинчалик Каттакўрғон адабий муҳитини ўрганишда, тиклашда кўплаб тадқиқотчилар учун замин бўлганлигини ёритиб берганлар. Мазкур монографик йўсиндаги йирик илмий тадқиқотда Абдулхамид Мажидий ижодидаги мумтоз адабиёт анъаналари, жумладан, Фузулий, Гулханий ижодидан таъсирланиш, унинг аллегорик тимсоллардан фойдаланиш маҳоратига анча чуқур муносабат билдирилган.

Мунаққид ўзбек шўро адабиётида биринчилардан бўлиб Гафур Ғулوم, Ойбек, Абдулхамид Мажидий муаллифлигида «нома» жанрида яратилган «Ўзбекнома» асарининг адабиётимиздаги ўрни ва унинг тақдирини

очишда анча ўринли мулоҳазалар билдирган. Шунингдек, адибнинг ўзбек адабиётида наср, хусусан, ҳикоячилик жанри тараққиётида Ғайратий, Гафур Ғулум, Ойбек, Абдулла Қаҳҳорлар қаторида муносиб ўрни борлигини, лекин улар хануз ўз баҳосини топмаганлиги, ҳатто ўрганилмаганлигини ҳам исботлаб, унинг бу борадаги маҳоратини кашф этган.

Албатта, кичик бир мақолада олимнинг йирик тадқиқотини бутун жиҳатлари билан атрофлича чуқур таҳлил этиш мушкул. Энг муҳими, Абдулхамид Мажидий адабий мероси бугунги кунда мустақиллик шароитида ҳам аҳамият касб этади. Шунингдек, устозимиз Самариддин Сирожиддиновнинг олижаноб сифатлари, муҳаббат ва саховатга тўла адабий-бадиий мерослари руҳидан бугун ҳам эл-улус, илм аҳли кўнгли нурга тўлиб, заковатларидан ҳамиша файз топаверади.

*Ҳотам Умутов, Ўзбекистон
Ёзувчилар уюшмаси аъзоси,
профессор*

Обод қилган - обод бўлади

Инсон ҳаёти - тинимсиз оқувчи дарё. Кимлардир бу дарёга янги ирмоқ бўлиб кўшилади, кимлардир бу дарёдан томчи бўлиб она - Ер бағрига сингиб кетади; Умрлар туғилаверади, умрлар ниҳоя топаверади. Ҳамма биладиган азалий ва абадий қонуният шундай! Бироқ олдинда оққан сувнинг ибратомуз қадрини, амалларининг сараларини йиғмоқ ва сабоқлар олиш инсонийлик белгисидир, кул остидаги чўғни ҳаракатга солиш, унинг ҳароратидан фойдаланиш, яратиш ишига йўналтириш ҳам азим сабоғдир.

Ана шу сабоққа таяниб, 2012 йил 26 декабрда Самарқанд вилояти матбуот уйида "Зарафшон" ва "Самаркандский вестник" газеталари бирлашган таҳририяти ҳамда Ўзбекистон Ёзувчилар уюшмасининг вилоят бўлими томонидан Самариддин Сирожиддинов (1932-1987) таваллудининг 80 йиллигига бағишлаб хотира кечаси ўтказилди.

Орадан 25 йил ўтганига қарамасдан, кул остидаги чўғ қовлангач, у бор сийрати ва салоҳияти билан жонланди:

1932 йилда Самарқанд вилоятининг Каттақўрғон тумани Кичикқўрпа (Ўтарчи) қишлоғида туғилиб, тўлиқсиз ўрта мактабни ва педагогика билим юртини тугатгандан сўнг, Самарқанд давлат университети (1954-1961)нинг филология факультетини битирди. Даставвал, Каттақўрғон тумани "Зарафшон" газетаси (1962-1964)да, кейинчалик вилоятдаги "Ленин йўли" (1964-1975)да адабий ходим, бўлим мудир ва масъул котиб вазифаларида ишлади. Ўн йилдан кўпроқ - то умрининг охиригача (1975-1987) Ўзбекистон Ёзувчилар уюшмасининг Самарқанд вилоят бўлимининг масъул котиби лавозимида фаолият кўрсатди.

Самариддин Сирожиддинов филология ва журналистика йўналишларини бирлаштириб, биринчи навбатда, журналист бўлиб танилди. Зарафшон воҳасининг долзарб муаммоларини ёритишда жонбозлик кўрсатди. Унинг 50 дан ортиқ очеркларида, 300 га яқин публицистик ва ўнлаб илмий мақолаларида яратувчан меҳнат моҳияти очилди, одамийлик улуғланди. Айни пайтда, газетадаги фаолият унга даврнинг муҳим вазифаларини англаш, тадқиқ ва таҳлил этиш ҳамда ёритиш хислатини ато этди. Яздон Худойкулов, Шамси Одил, Сурат Орипов, Ўктам Жавлонов, Нормурод Нарзуллаев, Лутфулла Ҳамроев, Аҳмаджон Мухторов каби моҳир журналистлар сафида туриб, ўз овозига, ўз услубига эга бўла олди. Бағрикенглик, меҳрибонлик, камтаринликка амал қилди. Газетанинг машаққатли меҳнатини ижодий ва ҳузурбахш меҳнатга

айлантира олди. "Журналистнинг нони қаттиқ" деган атамани яратди. Уни оқлаб ейишнинг кадр қимматини улуғлаш ҳисобига ўзи улуғланди, устоз даражасига кўтарилди. Асад Дилмуродов, Ҳабиб Темиров, Ҳамида Каримова, Адҳам Ҳайитов, Жамол Сирожиддин каби таниқли журналист, ёзувчи-ю шоирларнинг "ёниб яшаган юраги"га, "хайрихоҳ дўсти"га, "дилкаш ва меҳрибон инсон"ига айланди. У она - Ватан, унинг табиати ва одамларига маҳлиё бўлиб яшади. Айниқса, Каттақўрғон адабий муҳити вакиллари -Мухаммадшариф Шавқий, Очилдимурод Мирий, Абдулқодир Ноқис, Ножий Дилафкор, Аҳқар, Вола, Абдулҳамид Мажидий, Тошпўлат Саъдий, Мамарасул Бобоев, Ҳакима Мутриба, Холис, Нурмон бахши каби сўз усталарининг ҳаёти ва ижодларини ёритишга академик Воҳид Абдуллаев, филология фанлари докторлари Б.Валихўжаев, Р.Орзибеков, филология фанлари номзодлари М.Маҳмудов, И.Салоҳиддинов, Раъно Фозиловалар сафида катта ҳисса қўшди.

Бор диққатини шахсга сиғиниш даврининг қурбони бўлган сатирик шоир ва драматург Абдулҳамид Мажидий (1904-1939)нинг ҳаёти ва ижодини ўрганишга қаратди. Абдулҳамид Мажидийнинг турли газета, журнал ва тўпламлардаги асарларини йиғиб, уларни билимдонлик билан тадқиқ қилди. Олим Раҳмонқул Орзибековнинг илмий раҳбарлигида 1972-йили "Абдулҳамид Мажидийнинг ҳаёти ва ижоди" мавзусида номзодлик диссертациясини ёқлади. Бундан илҳомланиб, Абдулҳамид Мажидийнинг "Танланган асарлари" (1974)ни нашр эттирди. Диссертация тўлдирилган ва янги кашфлар билан бойитилган ҳолда "Абдулҳамид Мажидий" (1982) номли адабий портретга айлантирилди ва босмадан чиққан бу нашр кўпнинг эътиборига ва эътирофига сазовор бўлди. Журналистик фаолият филология соҳасини ҳам бойитди. Ҳаётнинг тадқиқи адабиётнинг тадқиқига олиб келди. Иккаласи ҳам

Самариддин акада уйғунлашди ва бу уйғунлик унинг мартабасини, обрўйини, маҳоратини опирди.

Педагогика билим юртида ўқиб юрган кезларида шеър ёзиш машқини ўргана бошлаган Самариддин Сирожиддинов кейинчалик "Сирожий" тахаллуси билан ғазаллар, мухаммаслар, мусаддаслар ёзди. Адабиётимизнинг йирик сиймоларидан бири - Сўфи Оллоёр (1644-1724) сулоласига мансублиги ва боболари ижодига бўлган кучли иштиёқи классик жанрларда қалам тебратишига сабаб бўлди. "Ҳаётнинг зар китобини" шоирона ўқиб, "вафонинг офтобини" куйлаш Сирожий ижодининг пафосига айланди. Айниқса, Самарқанд мавзуи унинг асарларига гултож бўлди. У шоирнинг "Жаҳонда тенгсиз, танҳо шаҳри"га, "дунёга алишмайдиган дунё"сига айланди:

Менинг мавжудлигим - мавжуд Самарқанд,

Жаҳон тож бўлса гар, ёқут - Самарқанд.

Сирожийнинг турли йилларда турли сабаблар билан ёзилган ашъорлари тўпланиб, таваллудининг саксон йиллиги арафасида "Армон" (Т., "Наврўз" нашриёти, 2012) номида нашр этилди.

Беш ўғил (Анвар, Акмал, Шухрат, Ўктам, Ҳотам)ни "бошида шуъла сочган тож" малаги Мукаррама опа билан вояга етказган отанинг фарзандларга бўлган меҳри, ишончи, орзуси, ифтихори "чўғли елкаси"да ёниб турибди. Бугун Шухратнинг ота йўлидан бориб, навоийшунос олим бўлиб Республикада танилганлиги, Самарқанд давлат чет тиллар институти ректори лавозимида ишлаётгани бунга ҳаётгий исботдир. Шеърдаги шуур билан ҳаёт ҳақиқатининг реаллигидир, ният билан амалнинг омухталигидир. Ота ва фарзанднинг бир-бирига муносиблигидир, ўзаро меҳру оқибатнинг натижасидир, кўнгилларнинг ободлигидир.

Бир қараганингизда, Самариддин Сирожиддиновга ўхшаб яшаган Исомиддин Салоҳиддинов, Шавкат Холматов, Қобилжон Тоҳиров, Исроил Мирзаев кабилар

кўпчиликни ташкил этади. Улар фан ва бадиий ижод даргалари Воҳид Абдулла, Нуриддин Шукуров, Орифжон Икромов, Ботирхон Валихўжаев, Жўра Аҳмаджон, Душан Файзий, Бобомурод Даминов, Василий Ларцев, Худойберди Дониёров, Саъдулла Мирзаев каби алломаларнинг шогирдлари саналадилар. Шу боис, улар кўзга кўп ҳам таппланавермасдилар, ижодлари намуна бўладиган даражада баҳоланмасди ҳам. Лекин, улар ўз оилаларида бадиий ва илмий ижодга асос солган, фарзандларини қаддини тиклаган, баъзиларини эса шу йўналишга бошқарган эдилар. Иқтидорли зиёли сифатида даврнинг илғор, етакчи фуқаролари бўлиб, юртимизнинг равнақи учун беминнат хизмат қилгандилар, маънавиятимиз ва маданиятимизнинг ривожига туртки берган бунёдкор эдилар. Бу энди, кичик гап эмас.

Истиклолдан нур эмган, "доимо пок ният ва соғлом интилиш билан яшаш" (И.Каримов)ни мақсад деб билган талантили фарзандлар (Шухрат Сирожиддинов, Дилором Салоҳий ва ш.к.) ўз ота-оналарининг қадру қимматини тиклашга киришар эканлар, Президентимиз айтганларидек, бу "ободликнинг кўнгилдан бошланишидир". Халқимизга хос бўлган эъзознинг, эътирофнинг, меҳр-оқибатнинг сара мевасидир.

"Донагидан мағзи пирин" бўлишининг воқеланишидир. Дарвоқе, Самариддин ака бўлмаганида навоийшунос олим ва арбоб Шухрат Сирожиддинов, олим ва шоир Исомиддин ака бўлмаганида навоийшунос олима Дилором Салоҳийлар бўлмасди... Ана шундай "аҳиллик ва ҳамжиҳатликни кўз қорачиғидек сақлаш ва мустаҳкамлаш бундан буён ҳам энг муҳим, ҳал қилувчи вазифа" (И.Каримов)га айланиши ва барчага асқотиши - одамийликдир, Истиклол гоёсининг гўзал гулидир.

*Эркатош Шукурова,
Ўзбекистон Ёзувчилар
уюшмаси аъзоси*

Дунёман, дунё бўлиб, дунё мени дунёга кўш

Ўз замонасининг забардаст шоири бўлган устоз Самариддин Сирожиддинов ҳаёт бўлганларида ҳозир саксон ёшга тўлган бўлардилар.

Самариддин Сирожиддинов бадий ижодни адабий тадқиқот ишлари билан узвий боғлаб давом эттирди. У айниқса Қаттакўрғонда яшаб ижод этган ўтмиш шоирлари меросини тўплаш ва ўрганиш билан жиддий шуғулланди. Шавқий, Видоий, Мирий, Дилафкор, Аҳмаджон Аҳқар, Нурмон Абдувой ўғли, Абдулҳамид Мажидий, Тошпулат Саъдий, Мамарасул Бобоев каби шоирларнинг ижод йўли ҳақида республика газета ва журналларида илмий мақолалар ёзди.

Самариддин Сирожиддинов 1975 йил августидан то умрининг охиригача Ўзбекистон Ёзувчилар уюшмасининг Самарқанд вилояти бўлими раҳбари бўлиб фаолият кўрсатди.

Дадам раҳматли ҳам адабиётни, ҳам санъатни гоятда қадрлайдиган инсон эдилар, шу боис доим ёнларида китоб бўларди. Юмушлардан бўшаган пайтлари китоб ўқирдилар. Кичкина радиоприёмник эса энг яқин "дўст"лари эди. Доимо "Машъал"ни эшитардилар. Жангчи шоир Раҳимжон Сатторов кекса маорифчи Малик Элмуродов, ёзувчи драматург Яздон Худойкулов, шоир Холис каби қалам аҳллари билан ҳам яхши таниш ва қадрдон эдилар.

Кечагидек эсимда 1978 йилнинг баҳори эди. Ҳовлимиздаги катта Настарин дарахти чиройли гуллаган. Настаринга ёндош кўйилган чорпояда дадам китоб ўқиб ўтиргандилар ўшанда. "Уста Шукур, уйдамысиз" деган овоздан дадамлар сергак тортиб, Э,Э Холис бова, келсинлар, келсинлар, деб дарвоза томон меҳмонларга пешвоз чиқдилар. Қўл олиб, кўришишгач, бу кишини танидингизми, бизларни

Самарқанддаги "каттамыз" дедилар, меҳмон томон ишора қилиб, мулойимлик билан, шоир Холис домла.

-Сал танайроқ турибман-да.

-Самариддин Сирожиддинов, - ўзимиздан.

-Жуда яхши, қани ичкарига, марҳамат, дадам меҳмонларни ўтиришга таклиф қиларканлар, охиригача таништирмадингиз, деган маънода Холис домлага савол назари билан қарадилар.

-Самариддин асли Кичиккўрпалик Сирожиддин аканинг ўғиллари.

-Э, шундай демайсизми, мулла Сирожиддин аканинг ўғиллари денг, ахир у киши ўзимизнинг ошномыз, улфатимиз-ку, ҳар жума куни чойхонада, "чойхўрлик" қиламиз. Ўзимиздан экансиз-ку. Онаси, қани ичкарига жой қилинлар, ошга ҳам уннайверинлар, азиз меҳмонлар келиб қолишди. Дадамлар кўярда-кўймай Холис домла ҳамда Самариддин Сирожиддиновларни ичкарига олиб кирдилар. Суҳбатлари "кўр" олиб, меҳмонларнинг шошиб турганликлари ҳам эсларидан чиқиб кетди, шекилли, ичкарида қизгин суҳбат анчагача давом этди.

Самариддин ака хайрлашар эканлар, менга хушнудлик билан; қонларида бор эканда ўзи, Шукур ака ҳам шеърхонликда биздан қолишмадилар, Суфи Оллоёр, Бобур, Машраб ғазалларидан хўп, кўп биларканлар. Сиз энди ғайрат қилинг. Сиздан умидимиз катта. Бобокалонингиз Аҳмаджон Аҳқар ҳам мумтоз адабиётимизнинг йирик вакили ҳисобланади.

Шуларга муносиб бўлишингиз керак, бола-чақа, оила ҳам ўз йўлига, лекин ижодни ташламанг.

Ижоддан биров узоқлашганимни сезган бу улуг инсоннинг айтган муборак бу сўзлари - ҳаётимдаги шиоримга айланди. Мен яна ижодга қайтдим. Шеърларим газета, журналларда чиқа бошлади. Ашъорларим кўшиқларга айланди.

1984 йилнинг баҳори эди. Самарқанд ёзувчилар уюшмасидан хат олдим. "Ўзингиз ҳақингизда маълумотлар,

ҳамда нашр қилинган асарларингиз руйхати билан етиб келинг".

Ўша йилнинг 30 апрель куни Ўзбекистон Ёзувчилар уюшмасининг кўчма йиғилиши Самарқандда ўтказилди. Катта адабиёт байрамига айланган бу анжуманга Сарвар Азимов бошчилигидаги ўзбек халқининг энг катта ёзувчи, энг катта шоирлари ташриф буюрган эди. Биринчи куни ўтказилган кўчма йиғилишда Самарқандлик ижодкорлардан ўн нафаримиз СССР ёзувчилар уюшмасига аъзо бўлдик.

Ижодда эришган озми-кўпми ютуқларимни самимий инсон, ғамхўр устоз Самариддин Сирожиддинов туфайли деб биламан. 1987 йилнинг тонгида олам бир зум зулматга чўмгандай бўлди, гўё.

"Дунёман, дунё бўлиб, дунё мени дунёга кўш" дея ҳайқирган юрак тингандай бўлди гўё. Шу куни ўзи бир дунё бўлиб, дунёларга қўшилиб кетди Самариддин Сирожиддинов...

*Шу кун эгилди бошлар,
Қалбга урилди ларза,
Қолди ижодий ишлар,
Шеърят тинди лаҳза,*

*Лек айтолмам ушбу тоб,
Синди деб шоир сози,
Мана қўлимда китоб,
Янграр шоир овози.*

Шухрат Сирожиддинов,
филология фанлари доктори, профессор

Отamни эслаб

Не қилай, бўлдум жаҳон ичра отадин Мосуво
Хаста кўнглум дардига агёрдин келмас даво.

Ўртанурмен дамбадам ғарқи хаёли фикрина
Кимга умр этти вафо, қилсун биза эмди вафо.

Насли сўфийдур, насабда ғарчи ул бекларча бор,
Қалбу фақру ҳам футувват, илму урфонга саро.

Раббона, ҳикматму бу, тақдирмуё, қилдинг мани
Қиблагоҳим, пушт-паноҳим, ҳам устозимдин жудо.

Бори анжумдин тўкулгай учкунлари ҳамдардвор,
Хоки пойини кўза суртиб, агар қилсам нидо.

Ота зотин қадрини билдим, магар рихлатида
Доду бедод, оху фарёд қадни абгор эттило.

Шухратиддин бўлмишам сирожининг самари-ла,
Йўқ ажаб, топса руҳ ул-қудси маконе жон аро.

Ойхумор Асадова, Ўзбекистон
Ёзувчилар уюшмаси аъзоси.

Оддий кунларнинг бирида...

Самариддин Сирожий ... Мен аминманки, бу номнинг ўзбек адабиёти саҳифаларида ўзига хос, ўзига мос муносиб ўрни борлиги ҳам аён ҳақиқат.

Сирожий шеъриятида бош мавзу ҳамиша бу қадим ҳаёт ва унинг фидойи инсонлари бўлган. Зеро шоир ўз шеърларида:

*Она деб севдим, Ватан, қилдинг менга чин оналик,
Толем нурга ўраб, касб айладинг парвоналик.*

-дея ватанга парвона бўлган.

Ёдимда, 80 йилларнинг адогида Самарқанд адабий муҳити гуркираган бир пайтлар эди. Ўзбекистон Ёзувчилар уюшмаси вилоят бўлими раҳбари Самариддин Сирожиддиновнинг хизмат хонаси ҳар доим ёзувчи шоирлар, адабиётшунос олимлар, адабий танқидчилар билан гавжум бўларди. Самариддин ака айниқса ёшлар ижодига, уларнинг ўниб-ўсиши учун алоҳида эътибор берар, йўл-йўриқлар кўрсатишдан чарчамасди ва бунинг уддасидан чиқарди ҳам.

Сирожий раҳбарлигида ўша йиллар кўпгина ижодкорлар Ўзбекистон Ёзувчилар уюшмасига аъзо бўлишган эди. Шоир айниқса ёшлар ижодига алоҳида эътибор берар, уларни гуё янги майсадек асраб-авайлар, долғалари, савдолари кўп шеърятнинг, аниқроғи ижоднинг йўллариغا етаклар эди.

80-йилларнинг охирлари эди чамаси. Оддий куёшли кунларнинг бирида (Ўзбекистон Ёзувчилар уюшмаси Самарқанд вилоят бўлимида адабий маслаҳатчи бўлиб ишлар эдим) қандайдир расмий ҳужжатга имзо чектириш учун шоирнинг хонасига кирдим. Шоир аллақандай руҳсиз кайфиятда, ранги оқаринқираган ҳолатда эди, ўша лаҳза.

-Бугун 5 май, матбуот куни муносабати билан кросс бўлади, шаҳар йўллари бекилади, эртароқ уйга кетишга шошиласизларда, қизим, - деди Самариддин ака. Мени сўраганларга обкомга кетди дерсизлар, - дедилар.

Шу аснода орадан ярим соат ўтди шекилли, мен, Замир Валиев, Ўрол ташқарида гаплашиб турсак, аллақандай сўлгин, эгик ҳолатда Самариддин ака келаяптилар. Замир Валиев чопиб бориб у кишини суяб олди. Хонага олиб кирдик, ахволи оғир эди шоирнинг. Имо-ишора қилдилар, тушунмадик, қоғоз-қалам сўрадилар яна имо ишора билан.

Қаранг, отанинг сўнги сўзини, бемажол қўллари билан “Шухрат” деб ёзиб бердилар қоғозчага.

Дарҳол хонадонларига кўнғироқ қилдик. Фарзандлари етиб келишди. Афсус, қаттол ажал шоирни ўз комига тортиб олган экан.

Шоир демиш,

*Азиз фарзанд, ўзинг ҳушёр тутиб алпона меҳнат қил,
Этиб мен ифтихор, кўкрак керай, ҳар тўю байрамда.*

Шоир бу ҳаётда қатта адабий мерос ва ҳавас қилгудек фарзандлар қолдирди. Айтинг, бунга ким ҳам ҳавас қилмайди, дейсиз.

*Жумагул Сувонова, Ўзбекистон
Ёзувчилар уюшмаси аъзоси*

ЯХШИЛАР ЁДИ

Яхшиларнинг эл оғзида
Оти қолар,
Хотирадан ўчмас бўлиб
Ёди қолар.

Кимдир яшар бўлиб
Жаҳон овораси,
Кимнинг эса умр йўлин
Тоти қолар.

Тиригида яшар қўллаб
Тўрт тарафни,
Ўтганда ҳам бардавом
Ҳаёти қолар.

Эзгуликка эш бўлади
Тоза юрак,
Юракларда эзгулик
Бунёди қолар.

Қоғозлари ва калами
Қолар абад,
Хос хол бўлиб, кечмиши,
Ижоди қолар.

Етти иклим сўраса гар
Аждодини,
Рухини шод этгудек
Авлоди қолар.

Яхшилардан юрт қолади
Дейишар рост,
Юртга қалқон бўлгудек
Қаноти қолар.

Илму урфон тоғи баланд
Чўққисини,
Ургудайин забардаст
Зурёди қолар!..

*Олқор Дамин,
Ўзбекистон Ёзувчилар
уюшмаси аъзоси*

ШОИРНИНГ ФАРЗАНДЛАРИ

Ана фарзандлару мана фарзандлар:
Бириси олиму бошқаси - раҳбар,
Шайнига мисралар битсанг ярашар,
Дегинг келар: самари - бол, кандлари –
Шоирнинг фарзандлари!

Уларга ҳавас-ла боқарканман лол,
Севингум барчасин кўриб баркамол,
Қанийди барчада бўлса бу иқбол,
Ҳаёт сабоқлари, ота пандлари –
Шоирнинг фарзандлари!..



С.Сирожиддинов ижодкор дўстлари даврасида.



С.Сирожиддинов ҳамкасблари билан.



Атоқли адиб Назир Сафаров Самарқандда (тик турганлар: проф.Ф.Икромов, С.Сирожиддинов ва Х.Ҳасанова).



Ўтган асрнинг 60-йилларида Каттақўрғонда доимий ҳаракатдаги ўзбек тили ва адабиёти ўқитувчилари семинари қатнашчилари (С.Сирожиддинов ўтирганлар қаторида чапдан учинчи)



Самарқандда шоирлар анжумани.



С.Сирожиддинов Шавқий Каттақўрғоний номини абадийлаштириши ва мақбара қурилишига бош-қош бўлган эди.



С.Сирожиддинов чет эл адилларини тарихий-меъморий обидалар билан таништиряпти.



*С.Сирожиддинов, Миртемир, Қуддус Муҳаммадий,
М.Нуриддинов*



*Эй Сирожий, шул экан менга
қисмат ким нетай,
Гоҳида шеър ишқи. гоҳи ишқи
ёр ўртар мени.*



*Таниқли адиб Одиш Ёқубов Самарқандда (чапдан биринчи
С.Сирожиддинов).*



Ўзбекистон Қаҳрамони, таниқли адиб Саид Аҳмад Самарқандда.



*С.Сирожиддинов (ўнгдан биринчи) таниқли
ижодкорлар даврасида.*



*С.Сирожиддинов газета бош муҳаррири
ўринбосарлари А.Мухторов ва О.Хўжаевлар билан.*



*С.Сирожиддинов халқ
депутатлари вилоят
кенгаши депутати,
фирқа қўмитаси пленуми
аъзоси сифатида ҳам
кенг кўламдаги
жамоатчилик ишларида
фаол иштирок этар эди.*



*Академик Воҳид Абдуллаев С.Сирожиддинов ва бошқа
шогирдлари билан.*



С. Сирожиддинов таниқли ижодкорлар Мукаррама Муродова, Эркин Самандаров, Нормурод Нарзуллаев, Қамбар Ўтаев, Аҳмаджон Мухторов, Душан Файзийлар даврасида.



МУНДАРИЖА

<i>Сирожий</i>	3
<i>Ҳасан Нормуродов. Фахр этарман оқилу доно билан</i>	5
<i>Фармон Тошев. Отахон аканинг тароғи</i>	10
<i>Муҳаммадҷон Махмудов. Дўстим ҳақидаги илк хотираларим</i>	12
<i>Нуриддин Шукуров. "Менман уммон, қайси дарё тенг бўлолмай мен билан..."</i>	15
<i>Асад Дилмурод. Ёниб яшаган юрак</i>	21
<i>Абдусайд Кўчимов. Мевали дарахт (Самариддин Сирожиддинов хотирасига)</i>	26
<i>Ҳабиб Темиров. Хайрихоҳлик</i>	28
<i>Собирҷон Содиқов. Дўстлар сардори</i>	32
<i>Бекмурод Йўлдошев. Таниқли журналист ва олим</i>	34
<i>Ғайрат Шукуров. Сирожийни самарқандлик десанг бас</i>	37
<i>Амрилло Аҳмедов. Камтарин инсон, иктидорли публицист</i>	43
<i>Абдуазиз Хашимов. Журналист, Поэт, Драматург</i>	45
<i>Облоқул Усмоиқулов. Дўстим билан кечган унутилмас кунлар</i>	47
<i>Жамол Сирожиддин (Хумий). Мумтоз адабиёт билимдони</i>	52
<i>Омонбой Йўлдошев. Кўнгил уйини кенг қилиб яшаган инсон</i>	55
<i>Адҳам Ҳайитов, Тугалбой Музаффаров. Бизнинг Самариддин ака</i>	57
<i>Сирожиддин Мусаев. Кечиккан дил изҳори</i>	62
<i>Нуриддин Бегалиев. Самимий, очик кўнгил киши эди</i>	65
<i>Ҳамида Каримова. Халқ хизматидаги инсон эди</i>	67
<i>Пошали Усмон. Дилкаш ва меҳрибон инсон эди</i>	70
<i>Қаҳрамон Бердиев. Ёдимда ўша дамлар</i>	72
<i>Шавкат Ширинбоев. Дўстим Самариддин Сирожиддинов ҳақида</i>	75
<i>Салоҳиддин Ҳайитов. Яхшининг шарофати</i>	76
<i>Турсун Сафаров. Бағри кенг инсон эди</i>	82
<i>Толиб Раҳимов. Устоз ёди</i>	83
<i>Фарҳод Ализода, Сирожиддинов Самариддин (Сирожий)</i>	86
<i>Кубарро Бахромова, Журналист</i>	87
<i>Динара Султанова. Сирожий ашъорлари инглиз тилида</i>	88
<i>Файзулло Муҳаммадиев. Кичик қишлоқнинг катта муаллими</i>	93
<i>Муслиҳиддин Муҳиддинов. Самариддин Сирожиддинов Абдулхамид Маждий ижодининг тадқиқотчиси</i>	95
<i>Ҳотам Умутов. Обод қилган - обод бўлади</i>	97

<i>Эркатош Шукурова. Дунёман, дунё бўлиб, дунё мени дунёга кўш</i>	102
<i>Ойхумор Асадова. Оддий кунларнинг бирида</i>	105
<i>Жумагул Сувопова. Яхшилар ёди</i>	107
<i>Олқор Дамин. Шоирнинг фарзандлари</i>	108

Самариддин Сирожиддинов
замондошлари хотирасида
 (библиография)

Тех. муҳаррир - Қ. Бердиев
 Саҳифаловчи - И. Билялов

2012 йил 24 декабрда оригинал макетдан
 босинга рухсат этилди. Бичими 60x84_{1/16}
 “Times New Roman” гарнитураси. Офсет қоғози
 Офсет босма усулида босилди.
 Адади 50 нусха. Буюртма № 200

СамДЧТИ нашр-матбаа марказида чоп этилди.
 Манзил: Самарканд шаҳри, Бўстонсарой кўчаси 93.